

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

ОНА ТИЛИ (ФОНЕТИКА)

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув услубий мажмуа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассаларининг мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва психология таълим йўналишларини битирган мутахассислар **дефектология(логопедия)** касбий қайта тайёрлаш 5 ойлик курсининг Намунавий ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5– сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи: **Байрамали Киличев** – Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

А . Р . А х м е д о в – БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.н.

Б.П.Зарипов – НавДПИ доценти, филология фанлари номзоди.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУРИ	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	23
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	101
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	120
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	124
VII. ГЛОССАРИЙ	126
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	129

ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

“Она тили” (фонетика) ўқув модули Мактабгача таълим муассасалари логопедлари касбий қайта тайёрлаш курси тингловчиларининг она тилидан мавжуд назарий билимларини мустаҳкамлаш, саводхонлигини оширишга, шунингдек, тилшунослик фани ва унинг бўлимлари ҳақидаги мавжуд билимларини бойитишга хизмат қилади.

Мактабгача тарбия муассасаси логопедлари оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлигини талаб даражасида эгаллаган бўлиши лозим. Мазкур ўқув модулини ўқиб-ўрганиш давомида тингловчиларнинг тил ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди, нутқ малакалари ривожланади, ёзма саводхонлиги ошади.

Тингловчилар ўқув модулини ўзлаштириш орқали келгусида тарбияланувчиларда она тилига ҳурмат уйғотадилар, уни мукаммал эгаллаш сари рағбатлантирадилар.

Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

Ўқув модулини ўқитишдан мақсад –мактабгача таълим муассасалари логопедларига тилшунослик фани, ҳозирги ўзбек адабий тили тушунчаси, тилшунослик бўлимлари, фонетика, орфоэпия, графика, орфография, лексикография, лексикография ва унинг асосий тушунчалари, морфология, яъни сўз туркумлари: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, ёрдамчи ҳамда алоҳида олинган сўз туркумлари, синтаксис ҳақида умумий маълумот: сўз бирикмаси ва гап, гап турлари, қўшма гап тўғрисида маълумот бериш ҳамда уларнинг келажакдаги иш фаолиятларида амалий аҳамият касб этувчи лингвистик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўқув модулининг вазифаси бўлажак мактабгача таълим муассасаси логопедларини она тилининг изчил курси бўйича билимларини мустаҳкамлаш ва оширишдан иборат.

Ўқув модули бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Она тили” (фонетика) ўқув модулини ўзлаштириш жараёнида тингловчи:

- ҳозирги ўзбек тилининг фонетик ва фонологик тизими, ўзбек тилининг имло ва талаффуз қонуниятлари, тилнинг луғат таркиби ва сўз

семантикаси, сўзларнинг морфемик ва ясалиш таркиби, сўз туркумлари ва уларнинг грамматик категориялари, сўз бирикмалари синтаксиси, содда ва қўшма гап синтаксиси, мураккаб синтактик бутунликлар, пунктуация асослари ҳақидаги билимларни **билиши**;

- фонетик ва фонологик бирликлар, унли ва ундош фонемалар классификацияси, ўзбек орфоэпияси ва орфографиясининг принциплари, луғавий бирликларнинг тавсифи, ўзбек тилининг морфемик, ясалиш ва морфологик структураси, сўз туркумларининг ажратилиш принципи ва грамматик хусусиятлари, синтактик бирликлар, синтактик муносабатлар, сўз бирикмаси, содда ва қўшма гап синтаксисини билиши ва амалда қўллай олиш **кўникмаларига эга бўлиши**;

- ўзбек тилининг ўз ва ўзлашган қатламини фарқлай олиши, матнларни фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиши, ўзбек тили графикаси, орфоэпияси, пунктуацияси қоидаларини амалиётда қўллаш, уни ўз фаолиятида ижодий ривожлантира билиш **малакаларини эгаллаши**;

- ўқув модули бўйича эгалланган назарий билимларни амалда қўллай олиш **компетенциясига эга бўлиши** керак.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Она тили” (фонетика) ўқув модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Назарий машғулотларда маъруза, савол-жавоб, муаммоли вазият яратиш, тақдимот каби методлардан фойдаланилади.

Назарий машғулотларда Power-Point тақдимот дастурида тайёрланган материаллар, доска ва флипчарт, тарқатмали материаллар ҳамда видео ва аудиоёзувлардан фойдаланилади.

Амалий машғулотларда техник воситалар, тезкор сўровлар, тест саволномалари, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа интерактив усулларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Она тили” (фонетика) ўқув модули мазмуни ўқув режадаги “Таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари”, “Таълим тизимида дефектологик хизматни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари” сингари ўқув модуллари билан узвий боғлиқликда ўқитилади ҳамда тингловчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисм (маъруза)да модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўлиқ қамраб олинishi керак.

Мавзуларни ёритишда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олинishi тавсия этилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар она тили (фонетика) ўқув модулида олинган назарий билимларни амалда самарали қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Ўқув модулнинг соатлар бўйича тақсимоти

№	Мавзулар	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан		Мустақил таълим
				Назарий	Амалий	
1.	Тилшунослик ҳақида умумий маълумот. Фонетика	4	4	2	2	
2.	Орфография, орфоэпия	6	4	2	2	2
3.	Лексикология	6	4	2	2	2
4.	Фразеология. Лексикография	4	4	2	2	
5.	Морфология. От, сифат, сон сўз туркумлари	4	4	2	2	
6.	Олмош, феъл ва равиш сўз туркуми	4	4	2	2	
7.	Ёрдамчи сўзлар ва уларнинг грамматик-функционал хусусиятлари	4	4	2	2	
8.	Сўз бирикмаси ва гап	6	4	2	2	2
9.	Қўшма гап турлари. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар	6	4	2	2	2
	Жами:	44	36	18	18	6

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тилшунослик ҳақида умумий маълумот. Фонетика

(2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Тилшунослик фани ва унинг бўлимлари ҳақида умумий маълумот бериш. Ўзбек тили фонетикаси ва фонологияси тушунчалари. Унли ва ундош товушлар. Нутқ товушлари фонетик бирликлар сифатида. Нутқ товушининг турлари, хусусиятлари. Ўзбек тилида бўғин ва унинг хусусиятлари. Бўғин турлари. Бўғиннинг ўзгариши. Ўзбек тилида урғу ва оҳанг. Урғунинг турлари. Урғунинг ўзгариши.

2-мавзу. Орфография, орфоэпия

(2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Ўзбек тили орфографиясининг асосий принциплари: фонетик принцип, морфологик принцип, шаклий принцип, тарихий-анъанавий принцип, дифференциация принципи, шаклий-анъанавий принцип.

Ўзбек тили орфоэпияси. Нутқ товушлари орфоэпияси. Унли товушлар орфоэпияси. Ундош товушлар орфоэпияси. Адабий орфоэпия. Ўзлашма сўзлар талаффузидаги муаммолар. Орфоэпия ва имло муносабати.

3-мавзу. Лексикология

(2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Лексикология ҳақида умумий маълумот. Сўзнинг луғавий ва грамматик маънолари. Ўзбек тили луғатининг бойиш манбалари. Луғат таркибини асосий бирликлари ва тараққиёт қонунийлиги. Сўзларнинг ишлатилиш даражасига кўра гуруҳлари. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатга кўра турлари: шаклдош, маъноси бир-бирига яқин ва қарама-қарши маъноли сўзлар. Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари. Сўз маъносининг ўзгариши. Маъно кўчиши. Маъно торайиши ва маъно кучайиши. Тасвирий ифода.

4-мавзу. Фразеология. Лексикография

(2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Ўзбек тили фразеологияси. Фразема. Фразеологик маъно, унинг турлари.

Ўзбек луғатининг тарихий баёни. Луғат тушунчаси. Луғат турлари. Умумий ва махсус, филологик ва қомусий, алифболи ва системали, академик ва таълимий, босма ва электрон, ёпиқ (доимий янгиланмайдиган) ва очик (доимий янгиланиб турадиган) луғатлар. Ўзбек ўқув лексикографияси муаммолари ва ўқув луғатлари. Ўзбек луғатчилиги олдида турган муҳим вазифалар ва муаммолар.

5-мавзу. Морфология. От, сифат, сон сўз туркумлари (2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Грамматиканинг таркибий қисмлари. Морфология, грамматик шаклланган сўз унинг бирлиги сифатида. Ўзбек тилида сўз туркумлари. Сўзларни туркумлаш тамойиллари, тасниф асослари. Мустақил сўз туркумларининг хусусиятлари. От сўз туркуми. Отнинг умумий грамматик хусусиятлари. Сифатнинг умумий грамматик хусусиятлари. Сифат даражалари. Сифатларнинг отлашуви. Сон категорияси ва унинг шакллари. Ҳисоб сўзлар.

6-мавзу. Олмош, феъл ва равиш сўз туркуми (2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Олмошнинг ўзига хос ишоравий табиати, ўзига хос грамматик хусусиятлари. Олмошнинг маъно турлари.

Феълнинг мустақил сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик хусусиятлари. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар, феъл замонлари, бўлишли-бўлишсиз феъллар, феъл шакллари: сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ва ҳ.

Равишнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари.

7-мавзу. Ёрдамчи сўз туркумлари ва уларнинг грамматик-функционал хусусиятлари (2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Ёрдамчи сўзлар: кўмакчи, боғловчи, юклама. Кўмакчи ва унинг турлари. Боғловчи ва унинг турлари. Юклама ва унинг турлари.

Алоҳида олинган гуруҳ сўзлар: модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлар. Модал сўзлар ва унинг турлари. Ундов сўз ва унинг турлари. Тақлид сўз ва унинг турлари.

8-мавзу. Сўз бирикмаси ва гап (2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Синтаксис ҳақида умумий маълумот. Сўз бирикмаси таснифи. Сўз бирикмаси ва гапнинг ўзаро муносабати. Гапнинг характерли белгилари. Гап – мақсад, фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалаш воситаси.

Гапнинг тузилиш жиҳатидан бўлиниши: содда ва қўшма гаплар.

9-мавзу. Қўшма гап турлари. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар (2 соат маъруза, 2 соат амалий)

Қўшма гапнинг таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатга кўра турлари. Қисмлари пайт, ўрин, сабаб, бирин-кетинлик, бир вақтдалик,

изоҳлаш, қиёслаш ва бошқа маъновий муносабатлар асосида боғланган қўшма гаплар. Қўшма гапнинг қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра турлари: кесим тобе гапли, эга тобе гапли, ҳол тобе гапли, тўлдирувчи тобе гапли, аниқловчи тобе гапли қўшма гап.

Ўзга гап ва унинг турлари. Ўзга гапнинг грамматик хусусиятларига кўра турлари. Кўчирма гап ва унинг хусусиятлари. Ўзлаштирма гап ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Матнда кўчирма гапда тиниш белгиларининг қўлланиши.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Она тили” (фонетика) ўқув модули бўйича мавзулар тавсия этилади ва тингловчилар шу асосда мустақил ишларни бажарадилар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур ўқув модули бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 13 ноябрь.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
5. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.
6. Икромов Р. ва бошқалар. Она тилидан машқлар тўплами. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2017.

7. Ҳамроев М. ва бошқалар. Она тили. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2007.
8. Ҳамроев М. Она тилидан маърузалар тўплами. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2017.

Электрон таълим ресурслари

1. www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти
2. www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
3. www.bimm.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ
4. www.giu.uz – Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

БИНАР МАЪРУЗА. “Бинар”сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “қўш”, “икки” деган маънода қўлланилади. Бундай машғулотнинг олиб борилиши икки вакил: ўқитувчи ва методист; ўқитувчи ва ўқувчи; таклиф этилган мутахассис ва ўқитувчи; ўқитувчи ва тьютор (маслаҳатчи) ўртасидаги интерфаол суҳбат, баҳс-мунозара ва ахборотлар алмашинувини намоён қилади.

Жараёни бундай ташкиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад янги ўқув маълумотлари ва ахборотларини икки мутахассис ёки иштирокчи нуқтаи-назарларини таққослаш орқали ёритиб беришдан иборат.

ТРЕНИНГ. Тренинг замонавий таълим шаклларида бири ҳисобланиб, у интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг ўзига хос кўринишидир.

Тренинглар ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш ҳамда машқлар давомида ўзлаштириш имкониятини беради ва таълим олувчиларда шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг самарали кўникмасини шакллантиришга, шунингдек, мутахассис касбий компетентлигининг умумий даражасини оширишга йўналтирилади.

Ҳар қандай педагогик тренингни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:


1. Ташкилий босқич: гуруҳни йиғиш ёки шакллантириш.
2. Бошланғич босқич: гуруҳ меъёрларини ишлаб чиқиш, танишув ва машғулотдан кутувларни аниқлаш.
3. Фаолиятли босқич: тренинг тури ва ўтказиш методикасини белгилаш.
4. Яқуний босқич (рефлексия).

Тренинг мобайнида талабалар назарий маълумотларни ўзлаштириш билан бирга, уларда билиш, эмоционал ва хулқ-атвор кўникмалари ҳам ривожланиб боради.

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг боскичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;


- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.


“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
 2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
 3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
 4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
 5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
 6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
 7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
 8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.
- Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик

қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳуққ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли характерга эга. Қуйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси

“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.
3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга

оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.

6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намоёиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.




Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ такдимот қилади. Барча такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини такдимот қиладилар. Такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича такдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча такдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“ЛОЙИХА” МЕТОДИ - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш, натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак. Қўйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

“Лойиҳа” методининг босқичлари



“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқади. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мәъруза. Тилшунослик ҳақида умумий маълумот. Фонетика

Режа

1. Тилшунослик фани ҳақида умумий маълумот.
2. Фонетика ва унинг мақсад ва вазифалари.
3. Фонетиканинг ўрганиш манбаи ва предмети.
4. Нутқ товуши ва нутқ аъзолари.
5. Унли товушлар ва уларнинг таснифи.
6. Ундош товушлар ва уларнинг таснифи.
7. Бўғин ва урғу ҳодисалари.

1. Тилшунослик фани ҳақида умумий маълумот

Тил кишилиқ жамиятининг маҳсули бўлиб, жамиятга хизмат қилади. Тилнинг ижтимоий табиати унинг айрим шахсда эмас, балки жамиятда мавжудлигини тақозо этади. Тилнинг тақдири жамият тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг бутун ҳаёти тил билан боғлиқ бўлиб, тил ёрдамида кишилар объектив борлиқни ўрганадилар ва ўзаро фикр алмашадилар. Тил жамият фаолиятининг барча соҳаларига ва жамият аъзоларининг ҳаммасига тенг хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тил синфий характерга эга эмас.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида табиий ҳодисалардан ажралиб туради. Кишиларнинг табиий-биологик ва физиологик хусусиятлари табиат қонунларига мувофиқ ривожланади. Тилда сўзлашиш ва фикрлашиш учун кишилиқ жамияти бўлиши шарт.

Тил наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтадиган ирсий ҳодиса эмас, балки жамият тараққиётининг маҳсулидир.

Инглиз оиласида туғилган болани гўдакликдан ўзбек оиласида тарбияланса, у фақат ўзбекча сўзлайди, ўз она тилини эса билмайди. Лекин унинг биологик белгилари, яъни юз тузилиши, сочининг ранги ўзгармасдан қолади. Чунки булар табиий ҳодиса саналади.

Бошқа бир мисол: 1920 йилда Ҳиндистонда юз берган воқеа. бўрилар оиласида ўсган ва доктор Сингх томонидан тарбияланган Амола ва Камола исмли қизлар тақдири. Улар маълум вақт доктор Сингх оиласида яшаган ва тик юришни, қисман сўзлашишни ўрганганлар, лекин одамлар орасида яшашга кўниколмаي, вафот этганлар. Бу ҳодиса ҳам тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади.

Бобур авлодларидан бўлган Акбаршоҳ даврида бўлган воқеа ҳам тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигига бир далилдир. Акбаршоҳ ҳеч қайси тилда гапира олмаган инсон яҳудий тилда гапира олади деган ғайриилмий бир гапни эшитиб

қолади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун 12 та янги туғилган чақалоқни узоқ бир ғорда 12 йил парвариш қилдиради. Уларга қаровчи энагалар ҳам, қоровуллар ҳам қар ва соқов эдилар. Орадан 12 йил ўтгандан сўнг болаларни шоҳ ҳузурига олиб келишганда маълум бўлдики, болалар ҳеч қайси тилда гапира олмас эдилар, яъни улар гунг эдилар. Болалар жамиятдан узилиб қолган эди, шунинг учун сўзлашиш қобилиятидан маҳрум бўлган эдилар.

Кишилар тил ёрдамида фикр алмашадилар. Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фикрни моддийлаштиридиган, реаллаштирадиган воситадир. Фикр фақат тил орқали реаллашади ва тилсиз фикр мавжуд бўла олмайди.

Тафаккур инсон олий нерв системасининг фаолияти бўлиб, тилда ўз ифодасини топади. Унинг моддий қобиғи тилдир. Онг амалда тил шаклида мавжуд. Демак, тил материалларисиз фикр юзага чиқмайди. Тил билан тафаккур бир-бири билан боғлиқ бўлган ажралмас бирликни ташкил қилса ҳам, улар бир хил ҳодиса эмас. Тил билан тафаккур мураккаб қарама-қаршилиқларга бой бўлган диалектик бирликни ташкил этади.

Тил фонетика, грамматика қонунлари асосида ташкил топган материал ҳодиса бўлса, тафаккур борлиқнинг инсон миёсида акс этишининг олий шакли сифатида идеал ҳодисадир. Тилнинг қурилиш қонунлари грамматикада ўрганилса, тафаккур қонунлари ва бирликлари логикада ўрганилади. Уларни бир-бирига қориштириш мумкин эмас.

Рус физиолог И.П.Павлов иккинчи сигналлар системаси ҳақидаги таълимотида инсоннинг фикрлаш жараёнида тилнинг ролини кўрсатиб берди ва фикрлаш тил орқали амалга оширилиши мумкинлигини исботлаб берди.

Тил кишилар ўртасидаги муҳим алоқа воситасидир. Кишилар тил орқали ўзаро фикр алмашадилар. Бундан ташқари тил оламни идрок қилиш қуроли, Тил тарбия воситасидир. Тил эстетик вазифани ҳам бажаради. Инсон қалбида гўзаллик, эзгулик туйғулари тил орқали шаклланади. Тил миллатлараро алоқа воситаси ҳам саналади.

Ёзув, қўл алифбоси ва кўрлар алифбоси, телеграф алифбоси ва морзе алифбоси, йўл қоидалари белгилари, илмий символикалар (масалан, химиявий элементлар символлари) тилдан бошқа алоқа воситалари саналади.

2. Фонетика ва унинг мақсад ва вазифалари

Фонетика сўзи грекча “фоне” сўзидан олинган бўлиб, “товуш” деган маънони билдиради. Фонетика – нутқ товуши ҳақидаги таълимот, фан соҳаси.

Табиатдаги товуш уч хил: физик, биологик ва нутқ товуши. Физик товуш жонли ва жонсиз мавжудотнинг барчасига хос бўлиб, ҳавонинг сиқилишидан ҳосил бўлади. Биологик товуш жонли мавжудотга хос ва тириклик белгисидан бири. Ҳайвон ва парранданинг овози, кишининг гап ҳосил қилмайдиган

товуши: кийкирик, хуррак, кулги, йиғи овози.

Нутқ товуши фақат инсонга хос бўлиб, уч хил хусусияти бор:

1) ижтимоий табиатга эга; 2) маъно фарқлайди; 3) нутқ ҳосил қилади.

Нутқ товуши кишилиқ жамияти билан боғлиқ равишда вужудга келганлиги ва унинг учун хизмат қилганлиги боис ижтимоий табиатга эга дейилади.

Маъно фарқлаш хусусияти деганда бир товуш ўрни бошқа товушга берилса, сўз ва қўшимча маъноси фарқланиши, яъни бошқа сўз ва қўшимча вужудга келиши тушунилади: бош – беш – бўш; кўр – сўр – бўр; кўл – кўр – кўз; -чи – -ни – -ги каби. Бир товушнинг икки хил варианты бўлиши мумкин. Масалан, мактаб сўзидаги а товуши тил олди, қалам сўзидаги биринчи а тил орқа талаффуз этилади. Лекин бундаги тил олди товушини тил орқа товуши билан алмаштирсак, барибир ўша сўз, маъно қолаверади. Демак, ўзбек тилида иккита – тил олди ва тил орқа а товуши йўқ, улар вариантдир.

Сўздан ташқарида алоҳида олинган нутқ товуши фонема дейилади.

Товуш нутқ ҳосил қилиши лозим. Бир қарашда бир-икки ойлиқ чақалоқ а, б, д каби товушни талаффуз этгандек туюлади. Лекин у нутқ, яъни сўз, гап ҳосил қилишда иштирок этмаганлиги боис нутқ товуши эмас, биологик товуш ҳисобланади.

Фонетика – тилшуносликнинг нутқ товуши тизими, унинг тузилиши, нутқ жараёнида ўзгариши, алмашиши, нутқий ҳолат билан алоқадор бўлган бўғин ва унинг тури, сўз урғуси ҳақида назарий ва амалий маълумот берадиган соҳаси.

Фонетика гарчи нутқ товуши билан шуғулланса ҳам, тилшуносликнинг лексика ва грамматика соҳасига ҳам боғлиқ, чунки нутқ товуши сўз ва қўшимчанинг маъносини фарқлайди. Сўзнинг бу хусусияти билан лексикология ҳам шуғулланади. Шунинг учун фонетика ва лексика (лексикология) бир-бири билан алоқадор. Грамматика ҳам сўз ва унинг таркиби, ўзгариши (бу фонетик ҳодиса – товуш таркиби ва товуш ўзгариши ҳам) билан шуғулланганлиги сабабли ҳам лексика, ҳам фонетика билан боғланади. Бунинг барчаси бир-бири билан чамбарчас алоқадор бўлган, бири иккинчисисиз яшай олмайдиган тилшунослик соҳасидир.

3. Нутқ товушлари

Нутқ аъзоси ёрдамида вужудга келиб, ижтимоий аҳамиятга ва маъно фарқлаш хусусиятига эга товуш нутқ товуши дейилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 30 товуш бор. Бу товуш, аввало, овоз ва шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра иккига бўлинади: **унли товуш ва ундош товуш.**

Унли ва ундош товуш қуйидаги хусусияти билан фарқланади:

1. Унли бўғизда, ундош оғиз бўшлиғида пайдо бўлади.
2. Унли соф овоздан, ундош овоз ва шовқиндан иборат.
3. Унли оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Ундош оғиз бўшлиғида қаршиликка учрайди.
4. Унли узоқ чўзилиш ва мусиқий хусусиятга эга. Ундош бундай хусусиятга эга эмас.
5. Унли якка ҳолда бўғин ҳосил қила олади. Якка ундош бўғин ҳосил қила олмайди.
6. Унлига урғу тушади. Ундош урғу олмайди.

Нутқ аъзоси. Нутқ товушини ҳосил қилишда иштирок этадиган аъзо нутқ аъзоси, бу аъзонинг барчаси эса **нутқ аппарати** дейилади. Нутқ аппарати вазифа нуқтаи назаридан 4 га бўлинади:

1. Нафас аппарати	2. Бўғиз бўшлиғи	3. Оғиз бўшлиғи	4. Бурун бўшлиғи
ўпка, диафрагма, бир жуфт бронх, нафас йўли	ҳалқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон тоғай, ун пайчаси	тил, танглай, кичик тил, лаб, тиш	—

Товуш ҳосил қилишдаги фаолиятига кўра 2 хил:

1. Фаол аъзо	2. Нофаол аъзо
Товуш пайчаси, кичик тил, тил, юмшоқ танглай, пастки жағ, лаб	Юқори жағ, тиш, қаттиқ танглай, бурун бўшлиғи

Ҳар бир нутқ аъзосининг ўзига хос хусусияти ва вазифаси мавжуд.

1. Ўзбек тили фонетик тизими.

Унли товуш. Бўғизда пайдо бўлиб, бирор қаршиликка учрамайдиган, соф овоздан иборат, чўзилиш хусусиятига эга, урғу қабул қиладиган, бўғин ҳосил қиладиган товуш унли товуш дейилади: **и, э, а, у, ў, о.**

Унли акустик (эшитилиш) томонидан овознинг устунлиги билан тавсифланса, физиологик (пайдо бўлиш) томондан оғизнинг очилиш даражаси билан тавсифланади. Унли талаффузида асосий вазифани товуш пайчаси, тил ва лаб бажаради (яъни талаффузда оғиз, тил ва лаб турли ҳолатга ўтади).

Унли товуш таснифи. Унли товуш икки томонлама тасниф қилинади:

I. Тилнинг вертикал (тик) ҳаракатига кўра 3 га ажралади:

1) юқори тор унли: **и, у.** 2) ўрта кенг унли: **э, ў.** 3) қуйи кенг унли: **а, о.**

Бунда **юқори, ўрта, қуйи** сўзи тилнинг оғиз бўшлиғининг пастида, ўртасида ва юқорисида туришни кўрсатса, **тор** ва **кенг** сўзи тил билан танглай

оралиғининг тор-кенглигига ишора қилади.

2. Лабнинг иштирокига кўра унли иккига бўлинади:

1) лабланмаган унли: **и, э, а.** 2) лабланган унли: **у, ў, о.**

Лабланган унлини талаффуз қилганда лаб чўччаяди, лабланмаган унлида эса бундай ҳол кузатилмайди.

Баъзан унлини тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра икки гуруҳга ажратишади:

1) тил олди: **и, э, а.** 2) тил орқа: **у, ў, о.**

Бу унлининг доимий белгиси ва таснифи эмас. Чунки бир унли тил орқа ундоши билан келса, тил орқа, тил олди ундоши билан келса, тил олди унлисига айланади. Масалан, **қачон** сўзидаги **а** тил орқа, **мана** сўзидаги унли тил олди унлисидир. Ёки **пайдо, таманно** сўзидаги **о** тил олди, **қон, хотира** сўзида эса тил орқадир.

Ундош товуш. Айтилганидек, ундош пайдо бўлиш ўрни, таркиби ва бошқа сифати билан унли товушдан фарқланади. **Оғиз бўшлиғида пайдо бўлиб, бирор қаршиликка учраб чиқадиган, узоқ чўзилиш хусусиятига эга бўлмаган, урғу қабул қилмайдиган товуш ундош дейилади.**

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундош товуш **24 та: б, д, ф, г, х, ж (жўжа), ж (журнал), к, л, м, н, п, қ, р, с, т, в, х, й, з, ғ, ш, ч, нг.**

Сирғалувчи **ж**, лаб-тиш **ф** товуши бошқа тилдан олинган сўздагина учрайди: **ғижда, аждар, фойда, кифт, фабрика** каби.

Ундош товуш таснифи. Ундош, асосан, тўрт белгига кўра тасниф қилинади:

1. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра.

Бунда ундош товуш ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими нутқ аъзосининг қайси бири ёрдамида ҳосил бўлишига, оғизнинг қайси қисмида тўсикка учрашига кўра дастлаб 3 га бўлинади:

1. Лаб ундоши 5 та: б, п, в, ф, м.

У ўз навбатида 2 га бўлинади:

а) лаб-лаб: **б, в, п, м;** б) лаб-тиш: **(в), ф.**

Эслатма в лаб-тиш ундоши бошқа тилдан кирган сўзларда учрайди.

2. Тил ундоши 18 та: т, д, л, н, с, з, ш, ж (дж), р, ч, ж, й, к, г, нг, қ, ғ, х.

Тил ундоши тил танглайнинг қайси қисмига урилишига кўра 3 га бўлинади:

1) тил олди: **т, д, л, н, с, з, ш, ж (дж), р, ч, ж;**

Тил олди ундоши пастки тиш ва танглайнинг иштирокига кўра 2 га бўлинади:

а) тил-тиш ундоши 6 та: **т, д, л, н, с, з;**

б) тил-милк ундоши 5 та: **ш, ж (дж), р, ч, ж.**

2) тил ўрта 1 та: **й.** Тил ўрта ундоши тилнинг ўрта қисми танглайга яқинлашиши натижасида пайдо бўлади.

3) тил орқа ундоши 6 та: **г, к, қ, ғ, х, нг.** Тил орқа ундоши – тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга яқинлашиши натижасида пайдо бўлади.

Тил орқа ундоши ўз навбатида 2 га бўлинади:

а) яқин (саёз) тил орқа: **к, г, нг;**

б) чуқур тил орқа: **қ, ғ, х.**

3. Бўғиз ундоши: х.

Бўғиз ундоши товуш пайчасининг ўзаро яқинлашиши натижасида пайдо бўлади. Бўғиз ундоши 1 та: **х.**

4. Бурун ундоши. Тўсикка учраган ҳавонинг бурун орқали ўтишидан ҳосил бўлган товуш бурун товуши дейилади: **м, н, нг.**¹

II. Ҳосил бўлиш усулига кўра.

Ундош товушни талаффуз қилганда баъзиси зичлашган икки аъзога урилиб, портлаш йўли билан ҳосил бўлса, айрими икки нутқ органи оралиғида қолган бўш жойдан сирғалиб, ишқаланиб чиқади. Баъзиси эса портлаш ва сирғалишнинг бир пайтда юз беришидан, бошқаси тил учи титрашидан пайдо бўлади. Шунга кўра, ундош 3 га бўлинади:

1) портловчи ундош; 2) сирғалувчи ундош; 3) портлови-сирғалувчи ундош.

Агар ҳаво жипслашган нутқ аъзосидаги тўсикни ёриб, портлаш йўли билан чиқса, портловчи ундош ҳосил бўлади. Ўзбек тилида портловчи ундош 9 та: **б, п, д, т, к, қ, г, ч, ж.**

Ҳаво оқими ўзаро яқинлашган икки аъзо оралиғидан ишқаланиб ўца, сирғалувчи товуш ҳосил бўлади ва у ўзбек тилида 10 та: **в, ф, с, з, ш, й, х, ҳ, ғ, ж** (журнал).

м, н, нг, л, р товушини талаффуз қилганда, лаб лабга, тил танглайга жипслашиб, портлашга тайёр турса, ҳаво оқими бурун бўшлиғидан ёки тилнинг ёнидан чиқиб кетади. Шу сабабли улар **портловчи-сирғалувчи** деб юритилади.

Айрим товушнинг ҳосил бўлиш усули ва ўрнига кўра бундан бошқа белгиси ҳам бор. Масалан, пайдо бўлиш ўрнига кўра нутқ аъзосининг асосан бир ерида ҳосил бўлиб, бир портловчи ва бир сирғалувчи товушни ўз ичига олган, ажратилмай талаффуз қилинадиган товуш **қоришиқ товуш** дейилади. Улар 2 та: **ж (дж), ч (цх).**

р товуши тил учининг қаттиқ танглайга мунтазам урилиб туришидан

¹Mahmudov M., Nurmonov A., Sobirov A., M.Qodirov, Jo'raboyeva Z. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5- sinfi uchun darslik. – T.: Ma'naviyat, 2004. – B. 129.

(титрашидан) ҳосил бўлади. Шунинг учун у **титроқ товуш** дейилади.

л ундоши талаффузида тил ўпкадан чиқаётган ҳавога тўсиқ бўлмоқчи бўлади, аммо ҳаво унинг икки ёнидан чиқиб кетгани боис “портлаш” юз бермайди. Шу сабабли **л** ундоши тил **ён товуши** дейилади.

Шунингдек, **ҳ** бўғиз, **й** тил ўрта товуши бўлиб, бошқа бундай товуш йўқ.

Демак, **ж (дж), ч, р, л, х, й** товуши – ўзига хос белгили товуш.

III. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра.

Товуш пайчасининг ҳаракати ва ҳолати натижасида пайдо бўладиган шовқин ва овоз иштирокига кўра ундош 2 га бўлинади:

а) жарангли ундош; б) жарангсиз ундош.

Талаффузида товуш пайчаси таранглашадиган, яъни ҳаракатга келадиган ундош жарангли дейилади. Таранглашган товуш пайчаси орасидаги тор ораликдан чиқаётган ҳаво оқими уни бир оз титратиб ўтади. Демак, товуш пайчаси таранглашиши овозни ҳосил қилса, оғиз бўшлиғидаги тўсиқ шовқин яратади. Ўзбек тилида жарангли ундош 14 та: **б, в, г, д, й, ж(дж), ж, з, м, н, нг, л, р, ғ.**

Жарангсиз ундош товушни ҳосил қилишда товуш пайчаси таранглашмайди. Кенг ораликдан ўтаётган ҳаво оқими товуш пайчасини титратмай ўтади. Натижада овоз, яъни жаранг юз бермайди. Тўсиқ яратган шовқиннинг ўзи қолади. Ўзбек тилида жарангсиз ундош 10 та: **п, к, т, ф, ч, с, ш, қ, х, ҳ.**

Айрим жарангсиз ундош жарангли ундош билан ҳосил бўлиш ўрнига кўра бир хил бўлиб, жуфтлик ҳосил қилади. Улар 8 та: **б – п, д – т, з – с, в – ф, г – к, дж (сирғалувчи) – ш, ғ – х, ж – ч.**

Нутқда баъзан жарангли ундош жарангсизлашади: **китоб – китоп, тез – тес, дард – дарт, тоғ – тоҳ каби.**

IV. Овознинг микдорига кўра.

Ундош товушнинг баъзисида овоз кўп бўлса, баъзи ундошда шовқин кўп бўлади. Ана шу хусусиятига кўра ундош 2 га бўлинади:

1) сонор; 2) шовқинли.

Овоз шовқинга нисбатан устун бўлган ундош - сонор (**сонор** лотинча “овоздор” демакдир). Сонор талаффузида товуш пайчаси таранглашиб титрайди, овоз ҳосил бўлади. Шу жиҳати билан сонор унлига яқин туради. Аммо оғиз бўшлиғида қисман шовқин қатнашганлиги учун ундош ҳисобланади. Ўзбек тилида сонор 5 та: **м, н, нг, л, р.**

Сонордан бошқа ундошда овоз оз, шовқин кўп бўлади. Бундай ундош шовқинли дейилади. Ўзбек тилида 19 та ундош шовқинли: **б, в, г, д, й, ж(дж), ж, з, к, п, с, т, ф, х, ч, ш, қ, ҳ, ғ.**

Сўзнинг бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёки товуш бирикмасидан иборат қисми бўғин дейилади. Масалан, **отамиз** сўзида уч бўғин бор: **о-та-миз**. Биринчи бўғин товушдан, қолган иккитаси товуш бирикмасидан иборат. Ўзбек тилида бўғин унлисиз тузилмайди. Сўзда қанча унли бўлса, шунча бўғин бўлади. Бўғин сонини аниқлаш учун сўздаги унли товушларни санаб чиқиш кифоя.

Эслатма

Олдинги бўғин ундош билан тугаб, кейинги бўғин унли билан бошланмайди: он-а, ук-а каби..

Бўғин қуйидаги белги асосида таснифланади:

Унли ёки ундош билан тугашига қараб: а) очик бўғин; б) ёпик бўғин фарқланади.

Унли билан тугаган бўғин **очик бўғин** дейилади: **о-на, о-та, о-па.**

Ундош билан тугаган бўғин **ёпик бўғин** дейилади: **мак-таб, раҳ-бар, шах-мат.**

Бир бўғин биттадан тўрттагача, ўзлашма сўзда бештагача товушдан иборат бўлади: **она, бош, текст.**

Ўзбек тилида бўғиннинг қуйидаги типи мавжуд:

1. Бир унлидан иборат: **у** (олмош), **э, о** (ундов сўз).
2. Бир унли ва бир ундош: **ун, уч.**
3. Бир унли ва икки ундош: **бур, даф-тар.**
4. Бир унли ва уч ундош: **дўст, мард.**
5. Бир унли ва тўрт ундош: **текст, пункт.**

Унли ёки ундош билан боашланишига қараб: а) беркитилмаган бўғин; б) беркитилган бўғин. Унлидан иборат ёки унли боашланувчи бўғин беркитилмаган бўғин дейилади: **о-на, ол-ма.**

Ундош билан бошланган бўғин беркитилган бўғин дейилади: **ма-ла-ка, ол-ма-зор, кўк-лам.**

Эслатма

Соф ўзбекча сўз ўзагида учтагача бўғин, бир бўғинда тўрттагача товуш бўлиши мумкин. Бошқа бўғин типини ўзлашма сўзга хос.

Ўзбек тилида бўғин ажратиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Ундан савод ўргатишда, шеърини вазн ўлчовини белгилашда ҳамда ёзувда бир сатрдан иккинчи сатрга кўчиришда фойдаланилади.

Бўғин кўчириш. Бўғин кўчириш бўғин ажратишга асосланади. Бўғин бир унлидан иборат бўлганда, бўғин ажратиш ва кўчириш мос келмайди. Яъни бўғин бир унладан иборат бўлганда қуйидагича кўчирилади. Сўзнинг бошидаги бир бўғинни ташкил этган унли юқори сатрда қолдирилмаганлиги

каби, сўз охиридаги якка унли кейинги сатрга кўчирилмайди. Мисоллар: **она, му-до-фаа**. Шунингдек, сўз ўртасидаги бир бўғинни ташкил этган якка унли ёки унли билан бошланувчи бўғин кейинги сатрга олиб ўтилмайди: **сао-дат, мао-риф, муал-лим, муат-тар, му-шои-ра**.

Урғу. Сўз бўғинидан ёки гапда иштирок этаётган сўздан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ айтилишига, шунингдек, айрим сўзнинг маъно ва талаффузини белгилаб берувчи фонетик ҳодисага **урғу** дейилади. Урғу зарб билан берилади.

Урғу, аввало, хослигига кўра 2 хил:

а) сўз урғуси; б) маъно урғуси.

Сўз бўғинидан бирига тушиб, унинг маъно ва талаффузини белгилаб берадиган урғу сўз урғусидир: закова`т, олма` – от, о`лма – феъл. Унли товуш урғу олади.

Ўзбек адабий тилида урғу кўпинча охирги бўғинга тушади. Ўзакка кўшимча кўшилганда ҳам урғу охирги бўғинга кўчаверади. Масалан: **пахта`, пахтако`р, пахтакорла`р**. Бирор товушнинг урғу олиши нутқ аъзосининг ҳаракати ва нафас кучига боғлиқ. Масалан: **хиз-ма`т-чи**.

Сўз урғуси сўзнинг қаерига тушишига кўра 2 хил бўлади:

а) эркин урғу; б) боғлиқ урғу.

Бўғиндан бўғинга кўчиб унинг маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган урғу эркин урғу дейилади. Масалан: **юклама`** – от, **ю`клама** – феъл; **қатлама`** – от, **қа`тлама** – феъл; **сўзма** – от, **су`зма** – феъл.

Урғуси билан фарқланувчи сўзга мисол келтирамиз:

агроте`хник (от, мутахассис)	– агротехни`к (сифат, агротехник тадбирлар)
акаде`мик (от, илмий унвон)	– академи`к (сифат, академик лицей)
атла`с (от, ипак мато)	– а`тлас (от, карталар тўплами)
банда` (от, худонинг бандаси)	– ба`нда (от, қуролланган ўғрилар)
боғла`р (от, боғнинг кўплиги)	– бо`ғлар (феъл, кўзини боғлар)
болада` (от, -да – келишик)	– бо`ла-да (от, -да – юклама)
болагина` (от, –гина кичрайтириши)	– бола`гина (от, -гина юклама)
босма` (сифат, босма ҳарф)	– бо`сма (феъл, нонни босма)
боти`н (от, ички)	– бо`тин (феъл, шу ишни қилишга ботин)
боти`р (сифат, ботир киши)	– бо`тир (феъл, қўлингни ботир)
эмпи`рик (от, эмпиризм тарафдори)	– эмпири`к (сифат, эмпиризмга асосланган)

енерге`тик (от, мутахассис)	– энергети`к (сифат, энергетика билан боғлиқ)
эти`к (от, пойабзал)	– э`тик (сифат, этика фанига оид)
фи`зик (от, ўқитувчи)	– физи`к (сифат, физикага оид)
геофи`зик (от, мутахассис)	– геофизи`к (сифат, геофизикага асосланган)
геохи`мик (от, мутахассис)	– геохими`к (сифат, геохимияга асосланган)
гидроте`хник (от, мутахассис)	– гидротехни`к (сифат, гидротехникага асосланган)
гра`фик 1</b> (от, чизма), <b>гра`фик 2 (от, мутахас)	– графи`к 3 (сифат, график тасвир)
гулла`р (от, гулнинг кўплиги)	– гу`ллар (феъл)
хо`зир (равиш, шу вақт)	– ҳози`р (ҳозир у нозир)
ишла`р (от, ишининг кўплиги)	– и`шлар (феъл, яхши ишлар эди)
ишчи`</b> (от, -чи` сўз ясовчи)	– и`ш-чи (от, -чи юклама)
кла`ссик (от, санъат арбоби)	– класси`к (сифат, мукаммал, ўрнатилган тўғрисида бўладиган)
кре`дит (от, кредит операцияси)	– креди`т (от, қарз)
кўзла`р (от, кўзнинг кўплиги)	– кўзлар (феъл, ишни кўзлар)
ли`рик (от, шоир)	– лири`к (сифат, лирик поэма)
матема`тик (от, мутахассис)	– математи`к (сифат, математикага оид)
метафи`зик (от, мутахассис)	– метафизи`к (сифат, метафизикага асосланган)
меха`ник (от, мутахассис)	– механи`к (сифат, механикага оид)
ми`стик (от, мистикага моил киши)	– мисти`к (сифат, мистикага асосланган)
мода` (сифат, макиён)	– мо`да (от, дид, кийиниш)
мослама` (от, бирон нарсанинг мосламиси)	– мо`слама (феъл)

Сўз охирига тушган урғу **боғлиқ урғу** дейилади: **дала` – далага` – далала`р**.

Ўзбек тилида урғу, асосан, сўзнинг охири бўғинига тушади. Масалан: **дафтарларга, ишчилардан**. Аммо бошқа тилдан кирган, баъзан ўзбекча сўзда ҳам бу ҳол бир оз бошқачароқ кўринишга эга, яъни у сўзнинг бошқа бўғинига

тушиши мумкин: **ҳóзир, албáтга, лéкин, áммо, чу`нки, хáмма, бáрча.** Шунингдек, буйруқ сўз (**гáпир, бóшла**) ва сон алоҳида оҳанг билан айтилса: **ётти, олти, сáксон**; белгилаш ва сўроқ (**хár бир, хár қачон, хár қайси, хár нарса**), гумон (**кíмдир, áллаким, áлланима**), бўлишсизлик (**хéч ким, хéч нарса**) олмошида урғу биринчи бўғинга ёки биринчи қисмга тушади. Бундан ташқари, таркибли сонда: **ón икки, он беш** каби; қўшма ва кўмакчи феълли сўз қўшилмасида: **со`тиб олди, йóзиб олди, бéриб юборди** каби; такрор сўзда: **кáтга-катга, áста-аста** кабиларда урғу сўзнинг биринчи бўғинига тушади.

Жуфт сўзда урғу иккинчи қисмнинг охирида бўлади: **ота-онá, бола-чақá** каби.

Урғу олмайдиган қўшимча ва юклама ҳам мавжуд:

- та: бе`шта;
- ча: ру`сча,
- тача: ў`нтача;
- гина (-кина) (юклама бўлса): ула`ргина;
- дек, -дай: о`тдек, о`тдай;
- ов, -ова, -ев, ева, -евич: Аҳме`дов;
- ма бўлишсизлик қўшимчаси: о`лма, ис`хлама;
- шахс-сон қўшимчаси -ман, -сан, -миз, -сиз: талаба^{ман}, талаба^{сиз};
- қўшимча (аффикс) юклама:
- ку: о`лди-ку;
- ми: о`лдим;
- чи: се`н-чи;
- да: ке`лди-да);
- кўмакчи (**учун, сари**) каби.

Айтилган қўшимча сўз охирида келганда урғу олмайди: **ўтирма – ўтирмайсан – ўтирмайсáнми.**

Ўзлашма сўзни тўғри талаффуз қилишга интилиш натижасида ўзбек тилининг урғу тизимида маълум ўзгариш юз бермоқда. Бу ҳол урғунинг ўзлашма сўзда эркин қўлланишида, шунингдек, қисман урғу орқали сўз маъносини фарқлашида кўринмоқда.

Урғу семантик (маъно фарқловчи), морфологик (грамматик маъно ифодаловчи), услубий вазифа бажарувчи фонетик ҳодиса ҳисобланади.

Қуйида урғусини топиш қийин бўлган сўздан мисол келтирамиз:

афсу`ски

ахи`л

алба`тта

астроно`мия

аудито`рия
а`ллаким
а`ммо
а`сло
а`том
ба`рча
бола`мдай
брошю`ра
дире`ктор
доце`нт
до`им
газе`та
га`рчи
ҳами`ша
ҳа`мма

Гапдаги сўздан биронтаси бошқасига нисбатан кучли овоз билан ажратиб айтилиши маъно (гап, логик, мантикий) урғуси дейилади.

Гапда маъно урғуси қайси сўзга тушган бўлса, сўзловчи тингловчининг диққатини шу сўзга тортмоқчи эканлигини билдиради. Маъно урғуси кўпинча кесимдан олдинги сўзга тушади:

Эрталаб **биз** келдик, Биз эрталаб **келдик**, Биз эрталаб **келдик**.

Тўлиқсиз гапда, одатда, маъно урғуси олмаган бўлак туширилади. Масалан:

– **Ким** келди?

– **Мен**.

Фонетик услубият. Фонетик услубиятда нутқ товушининг нотўғри қўлланиши, урғунинг ўринсиз берилиши эътиборга олинади.

Нутқ товушининг услубий хусусияти. 1) **асир, девон** каби сўздаги товушнинг нотўғри (**аср, диван** каби) талаффуз қилиниши оқибатида нутқда тушунмовчилик юзага келади; 2) **-да, -ва, -қа (ёки -қ)** каби бўғиндан кейин яна шундай товуш билан бошланадиган сўзни келтириш нутқий ғализликни келтириб чиқаради: **Сўзнинг гапда қўлланиши ва вазифаси...** каби. Шунингдек, нутқда товуш тушириш, ўринсиз орттириш ҳам нутқ гўзаллигини бузади: **Саодат – содат, муаллим – малим, дарахт – дарахит** каби. Шунингдек, ўзга тилдаги сўзни нотўғри талаффуз қилиш ҳам нутқ гўзаллигини бузади. Масалан, **Москва** сўзини **Масква, морфема** сўзини **марфема, синтаксис** сўзини **синтиксис** тарзида талаффуз этиш лозим.

Урғунинг услубий хусусияти. Урғуни нотўғри қўйиш нутқ кўркини

бузади ва кўпинча сўзнинг маъносини ўзгартириб юборади. Шунинг учун, айниқса четдан ўзлашган сўзнинг урғусини тўғри қўйиш лозим. Масалан, **ректор, директор** каби сўзнинг охириги бўғинига урғу бериш нутқий қўполликни келтириб чиқаради.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Тилшунослик фани қандай бўлимлардан иборат?
2. Фонетика бўлимида қандай товушлар ўрганилади?
3. Унли ҳарфлар ҳақида маълумот беринг.
4. Ундош товушлар қайси жиҳатлари билан унли товушлардан фарқ қилади?
5. Урғу қандай ҳодиса?
6. Ўзбек тилида урғунинг ўзига хослиги ҳақида маълумот беринг.

2-март. Орфография, орфоэпия

Режа

1. Орфография. Имло қоидалари.
2. Орфоэпия бўлими ва унинг вазифалари.
3. Унли товуш талаффузи.
4. Ундош товуш талаффузи.
5. Бошқа тилдан ўзлашган айрим сўзлар талаффузи.

1. Орфография. Имло қоидалари

Орфография грекча “тўғри ёзмоқ” демакдир. Сўз ўзак-негизи ва қўшимчасини ягона тарзда ёзиш ҳақидаги қоида йиғиндиси орфография дейилади. Орфография адабий тилнинг ёзма шаклига хос. Орфоэпия ва алифбо (графика) билан узвий боғлиқ.

Ривожланган, ўз ёзувига эга бўлган адабий тилда сўзни бир хилда – ягона тарзда ёзишни йўлга қўйиш учун имло тўғрисида қонун қабул қилинади. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» 1995 йил 24 августда қабул қилинган. У 82 параграфдан иборат.

Эслатма

Ўзбек ёзуви учун ҳозиргача 2 марта имло қоидаси тасдиқланган. Биринчиси 1956- йил 4-апрелда кирилл ёзувига асосланган ўзбек тилининг имло қоидаси бўлиб, 72 параграфдан иборат бўлган.

Имло тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш мураккаб жараён бўлиб, бир нечта тамойилга таянилади. Бу орфография тамойил (принцип)и дейилади.

Орфографиянинг 5 тамойили мавжуд:

- 1) фонетик ёзув;
- 2) морфологик ёзув;
- 3) шаклий ёзув;
- 4) тарихий-анъанавий ёзув;
- 5) фарқлаш ёзуви.

Орфография тамойили асли ва талаффузи мувофиқ келмайдиган ҳолат учун ишлатилади. Масалан, **китоб** сўзининг талаффузида **б** товуши **п** тарзида эшитилади. Демак, сўздаги товушнинг асли ва талаффузи фарқ қилганлиги ва сўз ўзлашма бўлганлиги учун имлода шаклий ёзув қоидасига таянилади. Ёки **мен** сўзига **-нинг** қўшилганда асл ҳолат **меннинг** бўлиши керак эди. Талаффуз эса **менинг** кўринишида. Демак, бунда товушни тушириб ёзишга асос бўлган қоидага таянилади. Талаффузи ва имлоси бир хил сўзга ёзув қоидаси ишлатилмайди.

Орфография тамойили. Фонетик ёзув. Ўзакка қўшимча қўшилганда юз берадиган товуш ўзгаришини ёзувда айнан акс эттириш, яъни қандай айтилса, шундай ёзиш фонетик ёзув дейилади. Масалан, **онг** ўзагидан **-ла** аффикси билан ясалган сўз **онгла** эмас, **англа** шаклида берилади, яъни ўзакдаги **о** ўрнига **а** талаффуз қилинар экан, у худди шундай ёзилади. **Ишла** негизидан ясалган **ишловчи** сўзида **а** ўрнига **о** ёзилади.

Фонетик ёзув орфографияни жонли талаффузга яқинлаштиради. Ёзув ва талаффузда маълум даражада умумийлик сақланади.

Нутқда **тушди** сўзи **тушти**, **тушган** сўзи **тушкан** тарзида талаффуз қилинади. Лекин бундай ёзилмайди. Баъзан сўз охирида бир ундош туширилиб айтилади: **Самарқан**, **хурсан**, **пас** каби. Аммо бу ҳолат ёзувда акс этмайди. Бундай сўз имлоси бошқа тамойилга бўйсунди.

Морфологик ёзув. Ўзакка қўшимча қўшилганда юз берадиган товуш ўзгаришини инobatга олмаслик қоидаси морфологик ёзув дейилади. Масалан, **учта** сўзи **ушта**, **келиб турибди** сўзи **кеп турибти** тарзида айтилади. Аммо улар аслига мувофиқ **учта**, **келиб турибди** деб ёзилади. Ёки **-лар** қўшимчасининг **-ла**, **-лор**, **-нор** ҳолида айтилишига қарамай, асл ҳолати ёзилади. Феълнинг ноаниқ шакли **-моқ** қўшимчаси оғзаки нутқда **-мак** айтилса ҳам, **-моқ** ёзилади. Ҳозирги орфография талаби бўйича қўшимчанинг деярли ҳамма шакли морфологик ёзув бўйича ёзилади: эгалик аффикси: **-им**, **-инг**, **-и**, келишик аффикси: **-нинг**, **-ни**, **-да**, **-дан**, сўз ясовчи ҳам турлича айтилишидан қатъий назар имлода ўзининг асл морфологик шаклини сақлайди.

Морфологик ёзув сўз ва морфемани адабий тилда ягона шаклда сақлаш ва ёзишга кўмаклашади, ёзувда бир хилликни таъминлайди.

Морфологик ёзувга зид ёзиладиган ўзак-негизга оид энг муҳим имло қоидаси қуйидаги:

1. Бир бўғиндан иборат **о** товушли ёпиқ бўғинли баъзи ўзакка **-а** қўшилиб ясалганда, **о** товуши **а** товушига айланади: **онг – англа, от – ата, сон – сана, ёш – яша** каби.

2. Кейинги ёпиқ бўғинда **и** ёки **у** унлиси бўлган икки бўғинли баъзи ўзак, негизга **а** ёки **о** билан бошланган қўшимча қўшилганда кейинги бўғиндаги **и, у** унлиси айтилмайди ва ёзилмайди: **улуғ – улғаймоқ, сарик – сарғаймоқ, оғиз – оғзаки, икки – икков, олти – олтов** каби.

3. Кейинги ёпиқ бўғинда **и** ёки **у** унлиси бўлган икки бўғинли баъзи ўзак, негизга эгалик шакли қўшилса, кейинги бўғиндаги **и, у** унлиси айтилмайди ва ёзилмайди: **оғиз – оғзи, бурун – бурни, ўғил – ўғли**.

4. **К** ёки **қ** ундоши билан тутаган кўп бўғинли ўзак-негизга эгалик шакли қўшилса, **к** товуши **г, қ** товуши **ғ** тарзида айтилади ва ёзилади: **истак – истагим, қишлоқ – қишлоғим** каби.

5. Кишилиқ олмошининг биринчи ва иккинчи шахс бирлигига **-нинг, -ни, -ники** қўшимчаси қўшилса, ёнма-ён келган икки **н** товушидан бири айтилмайди ва ёзилмайди: **меннинг эмас, менинг, сеннинг эмас, сенинг** каби.

6. Кўрсатиш олмошидан **у, бу, шу** ўзагига **-га, -да, -дай** аффикси қўшилса, бир **н** товуши орттирилади ва шундай ўқилади: **унга, ундан, бунга, шундай** каби.

7. Ундош **с, т, ч** товуши бўлган **иси, қот, ачи** каби феъл ўзагига **-қ** қўшилиб сифат ясалганда, ўзакдаги ундош такрорланади: **иссиқ, қаттиқ, аччиқ** каби.

Морфологик ёзувдан четлашиб ёзиладиган қўшимчанинг айрими иккитадан еттитагача фонетик шаклга эга. Бу ўзак-негиз ва қўшимча таркибида **к, г, қ, ғ** ундошининг мавжудлигига боғлиқ:

1. Икки шаклда ёзиладиган қўшимча:

-ил, -л: ёзилди, қурилди, ўқилди, тарқалди;

-ин, -н: кийин, таран;

-ий, вий: ижодий, оилавий.

2. Уч шаклда ёзиладиган қўшимча:

-га, -ка, -қа: қуёшга, ўсимликка, халққа;

-ган, -кан, -қан: учган, тиккан, бокқан;

-гач, -кач, -қач: сингач, тўккач, оққач.

3. Тўрт шаклда ёзиладиган қўшимча:

-гич, -кич, -ғич, -қич: сузгич, чеккич, қирғич, босқич;
-чак, -чоқ, -чиқ, -чик: келинчак, мақтанчоқ, сирғанчик, ўргамчик;

4. Олти шаклда ёзиладиган қўшимча:

-ги, -ки, -гу, -ғу, -ғи, -қи: севги, туртки, эзгу, чолғу, ёқилғи, ташқи;

5. Етти шаклда ёзиладиган қўшимча:

-гин, -кин, -гун, -кун, -ғин, -қин, -ғун, -қун: тизгин, кескин, сургун, тушкун, озгин, уйғун, учкун;

Демак, фонетик ёзув имлони талаффузга, морфологик ёзув бирликнинг асл ҳолатига мослайди.

Тарихий-анъанавий ёзув. Сўзнинг ҳозирги талаффуз меъёрига мос келмайдиган, қадимдан ўзлашиб қолган шаклда ёзилиши тарихий-анъанавий ёзув дейилади. Бошқача айтганда, сўз ҳозирги ҳолатига кўра эмас, балки анъана тусига кириб қолган қоидага кўра ёзилади: **Чор Россияси** (асли цар), **пудратчи** (асли подрядчик), **тамагир** (асли таъмагир), **тақиқламоқ** (асли таъқиқламоқ), **мўъжиза**, **мўътадил**, **мўътабар** каби.

Ҳозирги орфографияда тарихий-анъанавий ёзув асосида ёзилувчи баъзи шакл қуйидаги:

1. Буйруқ-истак майли эски адабиётимизда қўлланиб келган анъанага кўра, шеърий ва наср тилида баъзан **-гил**, **-ғил** тарзида ишлатилади: **боргил**, **борғил**.

2. Мақсад маъносини англатувчи **-гани** шаклининг **-ғали**, **-ғали**, **-кали**, **-қали** шакллари.

3. Ҳозирги-келаси замон сифатдош шаклини ясовчи **-ур** шакли:

Юлдузлар ўтига бардош берурман

Фазолар тафтига қилурман тоқат. (А.Орипов)

4. **-му** сўроқ юкламаси:

Севгини тортиб бўлурму

Тошу тарози билан. (Э.Воҳидов)

Фарқлаш (дифференциялаш) ёзуви. Талаффузда бир-биридан аниқ фарқланмайдиган ёки ўзаро фарқи деярли сезилмайдиган даражага келиб қолган сўз ёки қўшимча ёзувда махсус қоида билан ажратилиб ёзилиши **фарқлаш ёзуви** дейилади.

Бу ёзув кам қўлланади. Айрим мисол:

1) ўзаро яқин, шаклдош сўз ёзувда **ў** (тутук) белгиси ёрдамида фарқлаб қўлланади: **даъво** – **даво**, **нашъа** – **наша**, **шеър** – **шер**, **суръат** – **сурат**, **таъқиб** – **тақиб**.

2) баъзи шаклдош сўзлар талаффузда урғу ёрдамида фарқланади. Имлода бундай сўзга урғу белгиси қуйилади: **а`тлас** (карта) – **атла`с** (мато), **ба`нда**

(шайка) – банда` (қул).

3) -лик/-лик қўшимчаси: **бўшлик** – ювош, (от) **бўшлиқ** – фазо (от), **оталик** – оталиқ;

4) -лик/-ли қўшимчаси: **палтоли** – палтолик;

5) -чанг/чан қўшимчаси: **махсичанг** – ишчан;

Шаклий (этимологик ёки график) ёзув. Ўзлашган сўзнинг қадимги келиб чиқиш ҳолатини ёки шаклини сақлаб қолиш асосида ёзиш **шаклий ёзув** дейилади. Бошқача айтганда, ёзувда ўзлашган сўзнинг шакли сақланади. Масалан, **маоний, мутолаа, мушоира, муаммо, ваъда, шеър** каби сўз ҳам шу ёзув асосида ёзилган. Рус тилидан ўзлашган **справка, аэрофлот, штамп, штраф, зоология** каби сўз шаклий ёзув асосида ёзилмоқда. Шуниси муҳимки, ўзбек тили талаффузи учун қийин бўлган баъзи байналминал сўз ҳозирги орфография қоидаси бўйича истисно тарзида тилимизнинг талаффуз хусусиятига мослаб ёзилади ва талаффуз қилинади. Бунга **киоск – киоска, пропуск – пропуска, отпуск – отпуска** каби сўз мисол бўла олади. Бу тип сўз баъзан ўз ҳолича ҳам ёзилмоқда: **банк, танк, диск** каби.

Айни вақтда орфография тамойили орасида узвий алоқа ҳам мавжуд. **Оилавий, Навоий** каби сўзнинг охиридаги **-вий, -ий** қўшимчаси тарихий-анъанавий ёзувга ҳам, шаклий ёзувга ҳам мос келади.

Адабий тилнинг оғзаки шакли меъёри талаффуз ва нутқий оҳангда намоён бўлади. Уни тилшуносликнинг **орфоэпия** бўлими ўрганади.

Орфоэпия – грекча **орфос** – тўғри, **эпос** – нутқ деган маънони билдиради. Тўғри талаффуз, аввало, шахснинг маданий етуклигидан далолат беради. Оғзаки нутқда ҳар хил талаффуз қилинадиган товуш, қўшимча ва сўздан адабий тил учун қабул қилинган биттаси **тўғри талаффуз меъёри** ҳисобланади. Масалан, ўзбек шеvasида бир сўз турлича талаффуз қилинади: *йўқ – жўқ, кўз – гўз, ота – ата, ака – ока, анор – онар* каби. Ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси шевада **-яп(ти), -оп(ти), -утти, -вот(ти)** шаклида қўлланади: *боряпти, боропти, борутти, борвотти* каби. Адабий тилда шулардан *йўқ, кўз, ота, ака, анор, боряпти* вариантлари адабий талаффуз меъёри (орфоэпик норма) сифатида сараланган.

Орфоэпиянинг юзага келишида орфография ва халқ оғзаки нутқининг талаффузи асос қилиб олинади.

Адабий талаффуз меъёрларини ўрганиш орфоэпик қоида ва орфографик луғат орқали амалга оширилади.

Ўзбек тилшунослигида М.Содиқова, У.Усмоноваларнинг “Ўзбек тилининг орфоэпик луғати” 1977 йилда ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти томонидан “Ўзбек адабий талаффуз луғати” 1984

йилда нашр қилинган. Биринчи луғатда ўзбек тилида фаол қўлланадиган 8000 га яқин сўз, иккинчисидан эса 20 000 дан ортиқ сўз ва сўз шаклининг адабий-меъёрий талаффузи белгилаб берилган, баъзи сўз ва грамматик шаклнинг талаффузидаги нотўғри кўриниши инкор қилиниб, унинг тўғри айтилиши кўрсатилган.

Орфоэпия орфография билан зич боғланган. Бироқ талаффуз ҳамма вақт ҳам ёзув билан тенг келмайдими. Жумладан, ёзувда бор айрим товуш сезилар-сезилмас айтилиши, умуман туширилиши мумкин ёки аксинча орттирилиши мумкин. Нутқда товуш алмаштирилиши ҳам кўп учрайди. Масалан, *адабиётчи* (адабиётчи), *бадбах* (бадбахт), *уссум* (уч сўм), *иссиз* (изсиз), *хурсан* (хурсанд), *гўш* (гўшт), *бўса* (бўлса), *кеса* (келса) каби. Бўлар ёзув билан мос келмаса-да, адабий талаффуз меъёри ҳисобланади. Лекин *ошиши* (ошни), *ишиши* (ишни), *юззи* (юзни), *ўтта* (у ерда), *аққа* (у ёкка), *баққа* (бу ёкка) каби сўзда адабий меъёрдан чекиниш рўй берган.

Ўзбек адабий тилининг асосий орфоэпик қоидаларини унли талаффузи, ундош талаффузи, асос ва қўшимча талаффузи ҳамда бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўз талаффузи тарзида ўрганиш мумкин.

Унли товуш талаффузи.

И унлиси: 1) бир бўғинли сўзда қисқа ва ингичка талаффуз қилинади: *тил*, *тиш*, *бил*, *сир* каби; 2) **қ, ғ, х** ундошлари билан ёндош қўлланганда йўғон талаффуз этилади: *қиш*, *гишт*, *хил* каби; 3) **й, нг** ундошидан олдин ингичка ва бир оз чўзиқ талаффуз этилади: *чий*, *кий*, *минг* каби; 4) **л, р** ундошидан олдин келган и унлиси билинар-билинмас талаффуз қилинади *билан*, *бироқ*, *сира*, *тилак*, *гилам*, *гилос* каби.

У унлиси: 1) **қ, г, й** ундошидан кейин ингичка *қул*, *атиргул*, *юк*, *каби*; **қ, ғ, х** ундошидан сўнг эса йўғон талаффуз қилинади: *қул*, *норгул*, *хулқ* каби; 3) *-увчи*, *-ув* қўшимчаси таркибида чўзиқроқ айтилади: *ёзувчи*, *ўқувчи*, *тўқувчи*, *олув*, *қўшув* каби.

Ў унлиси: 1) бир бўғинли сўзда, шунингдек, кўп бўғинли сўзнинг урғусиз бўғинида қисқа талаффуз этилади: *бўр*, *тўр*, *рўмол*, *сўроқ* каби; 2) такрорий сўзнинг биринчи қисмида (урғули бўғинда) чўзиқ талаффуз қилинади: *кўп-кўп*, *зўр-зўр*, *мўл-мўл* каби; 3) саёз тил орқа **қ, г**, тил ўрта **й** ва бўғиз ундоши (**х**) дан сўнг торроқ унли тарзида: *қўл*, *гўр*, *ҳўл*, *йўл* каби; чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошларидан сўнг кенгроқ унли тарзда талаффуз этилади: *қўл*, *гўр*, *хўр*, *қўр* каби.

Э унлиси: сўз ва бўғин бошида кенгроқ (*эркин*, *экин*, *эсламоқ* каби), бўғин ичида бир оз торроқ (*кеча*, *беда*, *текин*, *секин* каби) талаффуз қилинади. Э унлиси *феруз*, *деҳқон*, *телефон*, *адрес* сўзларида и товушига яқин айтилади.

А унлиси: саёз тил орқа **к, г** ундоши билан ёнма-ён келганда юмшоқ ва ингичка унли тарзида (*кам, катта, гап, гал, газлама, кайфият* каби), чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундоши билан ёндош қўлланганда эса йўғон унли тарзида (*қалам, қарға, қасида, гам, галвир, халқ, хабар, хат* каби) талаффуз этилади.

О унлиси: 1) куйи кенг, кучсиз лабланган унли тарзида талаффуз қилинади: *тош, баҳор, сомон, шамол* каби. Шевада ва жонли тилда бу унлининг урғусиз бўғинда “**а**”га яқин талаффуз қилиниш ҳам учрайди: *самон, давон* каби, аммо бу ҳол адабий талаффуз (орфоэпик меъёр) ҳисобланмайди; 2) саёз тил орқа **к, г** ундошларидан сўнг юмшоқ *косиб, котиб, гов, говмиш* каби; чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошидан сўнг эса йўғон унли тарзида талаффуз қилинади: *қошиқ, қолип, қобил, гов, говламоқ* каби; 3) **й** ва **х** ундоши билан ёндош қўлланганда ҳам **о** унлиси бир оз юмшоқ, ингичка унли ҳолида талаффуз этилади: *ёр, ҳоким* каби.

Айрим сўз таркибида унли **уа, оа, ао, ан, иа, аа** кўринишида қатор келиши мумкин. Бунда улар ё бир унли тарзида талаффуз қилиниши, ёки орасига ундош товуш қўшиб талаффуз қилиниши мумкин: *муаллим – малим, соат – соҳат* (Фарғонада), *соат – соғат* (Тошкентда).

Ундош товуш талаффузи.

Ундош товуш орфоэпияси кўпроқ фонетик ҳодисага боғлиқ бўлади. Хусусан:

1) **б, д** жарангли ундоши сўз охирида жарангсиз **п, т** тарзида талаффуз этилади, бу ҳол ўзбек адабий талаффузи учун меъёр ҳисобланади: *китоб>китоп, бориб>борип, ёзиб>ёзип, савод>савот, обод>обот* каби; 2) **б, д** ундоши жарангсиз ундош билан ёнма-ён қўлланганда ассимиляцияга учраб, **п, т** ҳолида талаффуз этилади, бу ҳол ҳам адабий талаффуз меъёри ҳисобланади: *ибтидоий>иптидоий, кетди>кетти*; 3) **ж, з** ундошининг жарангсиз ундошлар таъсирида **ш, с** деб талаффуз этилиши ҳам адабий тил учун меъёр: *ижтимоий > ишитимоий, мазкур > маскур* каби; 4) **б, қ** ундошининг сирғалувчи **в, ғ** ундошига ўтиши ҳам адабий талаффуз меъёрига ҳилоф эмас: *бора бер > боравер, кета бер > кетавер* каби.

В ундоши четдан кирган *автобус, автомат, Иванов* сўзида **ф** каби айтилади. **Г** ундоши **к, қ** билан тугаган сўзда **к** ва **қ** тарзида айтилади: *экган-эккан, чиқган-чиққан*. **Д** ундоши *обод, озод* каби сўзда келганда **т** каби айтилади, *хурсанд, фарзанд* каби сўзда ундошдан кейин келганда эса тушиб қолади. **Ж** қоришиқ-портловчи ундоши *авж, мавж* сўзида **ч** каби айтилади. **Ж** сирғалувчи ундоши четдан кирган *фуражка, тележка* каби сўзда **ш** каби айтилади. **З** ундоши *саккизта, тузсиз* каби сўзда ёнидаги товуш таъсирида **с** каби айтилади.

Н ундоши *манба, танбур, шанба* каби сўзда **м** каби айтилади. **Ф** ундоши *факт, тафт* каби сўзда **п** каби айтилади. **Қ** ундоши *мақсад, тақсимот, тўқсон, оқшом* каби сўзларда **х** каби айтилади.

Асос ва қўшимча талаффузи.

1. **Қ, к** билан тугайдиган отнинг эгалик қўшимчаси билан турланган шакли қуйидагича талаффуз этилади: а) кўп бўғинли сўзда *қишлоқ>қишлоғимиз, қишлоғингиз, қишлоғи; телпак>телпагим, телпагинг, телпаги* каби. Бир бўғинли сўзларда бундай ўзгариш бўлмайди: *ўқ>ўқи, ток>токи* каби (*ёқ, йўқ* сўзлари бундан мустасно).

2. **Қ, к, г** билан тугаган отнинг жўналиш келишигидаги шакли қуйидагича талаффуз қилинади: *қишлоқ + га > қишлоққа, челак + га > челакка, тоғ + га > тоққа, педагог + га > педагокка* каби. Бошқа барча ҳолатда: а) жарангсиз ундошдан сўнг **-ка**, жарангли ундошдан ва унлидан сўнг **-га** талаффуз этилади: *отка, ошқа, қопқа, уйга, овга, толга, томга, болага, акага* каби.

3. Феълда: а) *онг + ла > англа, сон + а > сана, ёш + а > яша* каби; б) *эк + ган > эккан, кет + ган > кеткан, оқ + ган > оққан, туш + ган > тушкан* каби.

4. Олмошда: *у + н + да > унда, бу + н + да > бунда, шу + н + да > шунда* (бир “н” орттирилади), *мен + нинг > менинг, сен + нинг > сенинг* (бир “н” тушириб қолдирилади).

5. Бир сўзидан дона сон ясалганда, ўзакдаги “**р**” ундоши “**т**”га ўтади: *бир + та > битта* каби.

Бошқа тилдан ўзлашган айрим сўз талаффузи.

1. Туркий тилларда, маълумки, **ф** ундоши бўлмаган, шунинг учун жонли сўзлашувда араб, форс ва рус тилларидан ўзлашган сўзлардаги **ф** ни **п** деб талаффуз қилиш учрайди: *улфат>улпат, фанер>панер, ферма>перма* каби. Ҳозирги ўзбек адабий тилида уларни **ф** билан талаффуз қилиш меъёр ҳолига келган.

2. Сўз ёки бўғин бошида ундош товушларнинг қаторлашиб келиши туркий тилларга хос эмас. Бу ҳодиса кейинчалик бошқа тилдан ўзлашган сўз талаффузига ҳам таъсир қилган – жонли сўзлашувда сўз ёки бўғин бошида ёхуд бўғиндаги икки ундош орасида бир унлининг орттирилишига олиб келган: *шкаф > ишқап, стакан > истакан, план > пилон, трактор > тирактир* каби. Бундай ҳолат сўз охирида ҳам учрайди: *ақл > ақил, фикр > фикир, илм > илим, ҳукм > ҳукум* каби. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бундай сўзни асл ҳолича (унли орттирмай) талаффуз қилиш орфоэпик меъёр саналади. Бундай меъёр шу типдаги сўзнинг ёзувдаги шаклини (имлосини) тўғри белгилашга ҳам ёрдам беради.

3. Умумтуркий сўзда икки унли ёнма-ён қўлланмайди, бу ҳол араб тилидан ўзлашган *оила, доир, раис, маориф, саодат, мутолаа* каби сўз талаффузига таъсир қилган: *оила, доир, раис* сўзларида битта **й** орттирилган (*ойила, дойир, райис* каби), *маориф, саодат, мутолаа* сўзи эса унлининг дифтонглашувига – *мо:рип, со:дат, мутола:* каби талаффуз қилинишига олиб келган. Кейинги бир аср ичида рус тилидан сўз ўзлаштиришнинг фаоллашганлиги, русча ўзлашманинг рус тилидаги талаффуз ва имло меъёрини ўзбек тилига айнан сингдириш анъанасининг устун бўлганлиги ўзбек тилида икки унлининг сўз таркибида ёнма-ён келишини орфоэпик ва орфографик меъёрга айлантирди: *биология, геометрия, геология, геодезия* ва бошқа. Бу ҳол арабча ўзлашмада (*оила, доир, раис, маориф, саодат, матбаа, мутолаа* кабиларда) ҳам икки унлининг ёнма-ён талаффуз қилиниши ва ёзилишини меъёр даражасига кўтарди.
4. Араб тилидан ўзлашган *таъна, даъво, маъно, эълон, меъмор, мўтабар* каби сўзнинг биринчи бўғинидаги унли чўзиқроқ талаффуз этилади.
5. Рус тилидан ўзлашган сўзда **и** унлиси ўзбек тилининг **и** унлисидан торроқ ва чўзиқроқ талаффуз этилади. *тиш* (ўзб.) – *тип* > *ти:n* (рус.), *тил* (ўзб.) – *тир* > *ти:p* (рус.) каби.
6. Русча лексик ўзлашманинг урғусиз бўғинидаги **э** унлиси ўзбекча **э** дан анча тор (**и** га яқин) талаффуз этилади: *телефон* > *тилифон*, *телевизор* > *тиливизир*, *адрес* > *адрес* каби.
7. Рус тили орқали ўзлашган сўз да **а** унлиси ўзбекча **а** дан йўғоноқ талаффуз этилади: *кана* (ўзб.) – *канал* (рус) каби.
8. Рус тилидан ўзлашган сўз даги ўрта кенг, лабланган **о** унлиси урғули бўғинда ўзбек тилидаги ўрта кенг, лабланган **ў** дан кенгроқ талаффуз этилади: *тон* (рус.) – *тўн* (ўзб.), *ток* (рус.) – *тўқ* (ўзб.), *торт* (рус.) – *тўрт* (ўзб.) каби.
9. Жонли тилда **р** билан бошланган арабча, форсча ва русча сўзларнинг бошида бир **ў** товушининг орттирилиши анча кенг тарқалган: *рўза*>*ўраза*, *рус*>*ўрис*, *рўмол*>*ўрамол* каби. Адабий талаффуз меъёри сифатида *рўза, рус, рўмол* шакллари сараланган.
10. Рус тилидан ўзлашган сўзнинг охирида лаб-тиш **в** ундоши жарангсиз **ф** тарзида талаффуз қилинади: *актив* > *актиф*, *пассив* > *пассиф*, *устав* > *устаф*, *курсив* > *курсиф* каби; **в** нинг жарангсизланиши сўз ичидаги ассимилятив ҳолатда ҳам юз беради: *автомат* > *афтомат*, *ставка* > *стафка* каби. Бундай талаффуз адабий тил учун меъёр саналади, аммо ўзбек тилининг ўз сўз ида қўлланадиган лаб-лаб **в** ундоши сўз охирида ҳам, жарангсиз ундош таъсирида ҳам **ф** га ўтмайди: *ов, биров, овқат, шавкат* каби. (Бу ҳолат ҳам орфоэпик меъёр саналади).

11. Рус тилидан ўзлашган сўзнинг кўпчилигида урғу эркин бўлади, бу ҳол ўзбек адабий тили ва талаффузига ҳам сингиб бормоқда: *аътлас, тролле́йбус, тра́мвай* каби.

12. Ўзбек тилидаги урғу асосан сўзнинг охирги бўғинига тушади, аммо айрим ўзлашган сўзларда урғу сўзнинг олдинги бўғинларида бўлиши ҳам мумкин: *ҳа́мма, ж́ами, ҳами́ша, афсу́ски* каби. Бундай ҳолатлардан хабардор бўлиш адабий талаффуз меъёрига амал қилиш имконини беради.

3-маъруза. Лексикология

Режа

1. Лексикология ҳақида маълумот. Сўз ва маъно.
2. Луғавий маъно ва кўшимча маъно.
3. Ўзбек тилининг бойиш манбаи.
4. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари.
5. Сўзнинг кўчма маънолари.

1. Лексикология ҳақида маълумот. Сўз ва маъно

Лексикология грекча **lexus** – “сўз”, **logos** – “таълимот” сўзидан олинган бўлиб, “сўз ҳақида сўз”, “сўз ҳақида таълимот” демакдир. Англашиладики, лексикология – тилнинг сўз бойлиги, луғат таркиби, сўзнинг луғавий маъноси, сўз маъносининг ўзгариши, яъни кенгайиши, торайиши ва кўчиши, сўзнинг шакл ва маъно муносабати, қўлланиш даври ва доирасига кўра турини ўрганувчи ва ўргатувчи соҳа.

Лексикология семасиология, фразеология, этимология, лексика каби соҳани ўз ичига олади.

1. Семасиология сўзни маъно жиҳатдан ўрганади. Сўзнинг маъно тури, луғавий ва грамматик маъно, бир маънолилиқ ва кўп маънолилиқ, ўз ва кўчма маъно кабилар тадқиқ қилинади.

2. Фразеология ибора ва унинг маъно таркиби, тури каби билан шуғулланади

3. Этимология сўзнинг келиб чиқиши масаласи билан машғул бўлади. Ясама, кўшма ва хорижий тилдан ўзлаштирилган сўз билан ҳам қизиқади. Этимология сўзнинг ҳар икки томони – яъни шакли ва маъносини ҳисобга олади.

4. Лексика тилнинг сўз бойлигини – ўз ва ўзлашган қатлам, фаол ва

нофаол сўз, сўзнинг қўлланиш даври ва доирасига кўра тўрини ҳам ўрганади. Бундан ташқари, лексикология ономаσιология, топонимика, ономастика каби бўлимни ҳам ўз ичига олади. Бу билан, кўпинча, тилшунослик мутахассиси шуғулланади.

Лексикологиянинг ўрганиш манбаи, яъни объекти бўлган сўзни тушунча ва маъносиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сўз товуш орқали идрок қилиниши ва маъно англатиши билан бирга тушунча ифодалаш хусусиятига ҳам эга. **Чунки тушунча нарса ва предмет, воқеа ва ҳодисани муҳим белгиси асосида бошқа барча нарса ва предмет, воқеа ва ҳодисадан ажратадиган фикр шакли.** У ана шу нарса ва ҳодиса, унинг хусусияти орасидаги маълум боғланишни онгда акс эттиради. Кишининг фикрлаши тушунча асосида вужудга келади. Шу маънода, сўз - тушунчанинг тилдаги ифодаси. Сўз орқали предмет ва ҳодиса бир-бирига қиёс қилинади ва шу йўл билан унинг умумий ва хусусий белгиси ажратилади.

Масалан, ҳозирги ўзбек тилида **дарахт** сўзи умуман дарахт ҳақидаги тушунчани билдиради. Айни замонда бу сўз мевали ва мевасиз дарахтни, мевали дарахтдан олма, ўрик, шафтолини, шафтолидан чиллаки шафтоли ёки анжир шафтоли каби тушунчани ҳам ифодалаши мумкин. Мисолдан кўринадики, тушунча доираси қанчалик кенгайган сари, предмет ҳақидаги тасаввур ҳам кенгайиб боради, шу предметни англатган сўз маъносида ҳам кенгайиш юз беради.

2. Луғавий маъно ва қўшимча маъно

Сўз маъноси нима?

Нарса ва предмет, воқеа ва ҳодиса ёки улар орасидаги муносабатнинг сўзда акс этиши сўзнинг маъноси дейилади. Бошқача айтганда, у сўзнинг борлиқдаги нарса ва ҳодиса (нарс-шахс, белги, микдор, ҳаракат)ни билдириши, ниманингдир атамаси, номи бўлишидир.

Одатда, предмет ё ҳодисага дуч келинганда дастлаб у таниш предмет билан қиёсланади ва шу асосда янги предмет ёки ҳодисанинг бирор муҳим белгиси (хусусияти) ажратилади. Ана шу муҳим белги нарса ва предметга ном бериш учун асос бўлади, бу ном сўзнинг маъносини ташкил қилади. Буни, айниқса, тилдаги барча ясама сўзда яққол кўриш мумкин: **ишчи** – “ишлайдиган”, **томчи** – “томадиган”, **гулистон** – “гул ўсадиган”, **қумтепа** – “қум уюми” каби.

Сўз гапдаги вазифасини грамматик шаклланганда рўёбга чиқаради. **Биз** **лицейда ўқиймиз** гапи грамматик шаклсиз (**Биз, лицей, ўқи**) холида фикр ифодалай олмайди.

Демак, сўзнинг моҳиятини тушунмоқ учун унинг фонетик, семантик, грамматик томонига эътибор бериш керак.

Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, сўзга қуйидагича таъриф берилади: тугал шаклланган **маълум маъно билан боғланган товуш ёки товуш бирикмасидан иборат тил бирлиги сўз саналади.**²

Сўзнинг маъноси мураккаб бўлиб, унинг бир неча типи мавжуд. Энг аввало, маънонинг луғавий (лексик), грамматик ва қўшимча маъно тўрини фарқлаш керак.

Сўзнинг борлиқдаги қандай нарса-ҳодиса, белги-хусусият, ҳаракат ҳолатни билдириши унинг луғавий (лексик), яъни аташ маъноси дейилади. Масалан: **нон** – “озик-овқат”, **келди** – “ҳаракат”. Сўзнинг лексик маъноси унинг ўзак, негизида бўлади. Баъзи бир сўзда луғавий маъно бўлмайди: **лекин, билан, ва, аммо, учун, сари** каби. Фақат мустақил сўзгина аташ маъносига эга бўлади. Олмош бундан мустасно. У ўзи алмаштирадиган мустақил сўзнинг аташ маъносига ишора қилади.

Қўшимча маъно. Сўзнинг луғавий маъносига қўшимча тарзда кишининг ҳис-туйғу, кайфияти, турли муносабати ва сўзнинг турли хил услубда қўллана олишини ифодаловчи маъно сўзнинг **қўшимча маъноси** дейилади. Масалан: **юз, афт, чехра** синонимик қаторида аташ маъноси битта, қўшимча маъно ҳар хил. **Юз** сўзидаги “бетараф”, **афт** сўзидаги “салбий”, **чехра** сўзидаги “ижобий” маъно қирраси - қўшимча маъно.

Қўшимча маъно асосан икки хил:

а) хиссий маъно (эмоционал-экспрессив); б) услубий маъно (стилистик).

Хиссий маъно ҳам ўз навбатида сўзловчининг қандай муносабатини кўрсатишига кўра икки хил: **а) ижобий; б) салбий.**

Масалан, **чехра** сўзи юзни ижобий маъно билан ифодалайди. **Турқ** сўзи эса салбий муносабатни ифодалайди.

Маъно қиррасининг юқори, ортиқча эканлигини билдирувчи маъно ҳам мавжуд. Масалан, **керак, лозим, шарт, даркор** синонимик қаторида **керакка** нисбатан **лозимнинг, лозимдан** кўра **шартнинг** маъноси кучли эканлигини англаш қийин эмас. Бу – услубий маъно. Услубий маъно сўзнинг нутқ услубидан бирига мансублигини кўрсатувчи, уни нутқ услубига кўра тавсифловчи хусусияти. Масалан, **башар, хур** сўзи фақат бадий услубга хос. **Лозим** сўзи илмий, **даркор** сўзи бадий услубга хос, **керак, шарт** сўзи – услубий бетараф. Услубий бетараф сўзни ҳар қандай нутқ вазиятида ишлатиш мумкин. Услубий хосланган сўз маълум бир услубда қўлланади.

²Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili: akademik litseyning 2- bosqich talabasi uchun darslik. – T.: Sharq, 2004. – B. 35.

Барча сўз қўшимча маънога эга бўлавермайди. Қўшимча маъно сўзнинг маъно таркибида бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, **новча** сўзининг аташ маъноси – “баланд бўйли”, қўшимча маъноси эса йўқ. **Найнов** сўзида лексик маъно билан бирга салбий муносабат ҳам мавжуд. Демак, фақат аташ маъносига эга ва услубий хосланмаган сўз холис (нейтрал) сўз дейилади.

Қўшимча маъно сўздаги каби лексемада бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Юқоридаги фикрдан бир сўзда қандай маъно бўлиши мумкинлигини куйидагича кўрсатиш мумкин:

а) луғавий маъно + грамматик маъно Қ қўшимча маъно: **башара, чехра, хур, севги, найнов** каби;

б) луғавий маъно + грамматик маъно: **китоб, стул, одам, озод**;

д) грамматик маъно + қўшимча маъно: **даркор, -чун, -ла, лек, ёхуд**;

е) фақат грамматик маъно: **ва, билан, аммо, учун** каби.

Демак, лексик (аташ) ва қўшимча маъно ҳар қандай сўзда бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин грамматик маъно ҳар бир сўзда мавжуд.

Тилдаги ўзгариш. Бизни қуршаб турган оламдаги ҳамма нарса ва ҳодиса каби тил ҳам муттасил ривожланиш ва ўзгаришда. Буни шу тилнинг икки даврдаги ҳолати фарқига қараб билиш мумкин. Масалан, эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили орасидаги фарқ луғат таркибида кўпроқ акс этганини сезиш мумкин.

Кўринадики, тилдаги ўзгариш луғат жамғармасида кўпроқ намоён бўлади, чунки халқ тарихида рўй берган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўзгариш туфайли янги сўз кириб келади, айрими чиқиб кетади. Масалан, эски ўзбек тилига хос **черик** (аскар), **ўкуш** (кўп), **талим** (бир қанча) сингари сўз ҳозир қўлланмайди.

Шундай қилиб, тил луғат таркиби турмуш учун кераксиз бўлиб қолган тушунчани билдирувчи сўзнинг истеъмолдан чиқиб кетиши, янги пайдо бўлган тушунчани ифодаловчи сўзнинг эса кириб келиши ҳисобига доимо ривожланиб, бойиб боради.

3. Ўзбек тилининг бойиш манбаи

Ўзбек тили лексикаси бир қанча манба асосида бойиб, ривожланиб боради. Уни, энг аввало, икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ички имконият; 2) ташқи имконият.

Биринчиси ички манба, иккинчиси ташқи манба ҳам дейилади:

1. Ўзбек тили луғат таркибининг биринчи йўл билан бойиб бориш

имконияти жуда кенг. Масалан:

а) илгари қўлланиб, кейин истеъмолдан чиқиб кетган сўздан янги тушунчани ифодалаш учун фойдаланиш: **вазир, ҳоким, вилоят, ширкат, ноиб, туман каби**;

б) ясовчи қўшимча ёрдамида янги сўз ясаш: **уяли (телефон), омонатчи, пудратчи, божхона, аудитчи (аудитор), дизайнчи (дизайнер)** ва бошқа;

д) шевага хос сўзни фаоллаштириш: **менгзамок** (Хоразм) «ўхшатмок», «тенглаштирмак», «қиёсламок», **чеча** “янга” маъносида.

2. Ўзбек тили луғат таркиби ташқи манба асосида ҳам бойиб бормокда. Дунёда фақат ички имконият асосидагина ривожланадиган тил йўқ. Фақат маълум зарурат туфайли янги тушунчани ифодаловчи ўз тилимизнинг ички имконияти асосида ифодалаб бўлмагандагина ташқи манбага мурожаат қилиш фойдали. Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий ҳам шунга даъват қилган.

Кейинги даврда тилимизга Европа тилидан бир қанча сўз янги тушунча билан биргаликда кириб келди. Масалан: **мониторинг, дилер, сканер** каби. Бунинг ҳаммаси ўзбек тили лексик имкониятини кенгайтириб, бойитмокда.

4. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари

Сўз маъно муносабатига кўра **маънодош, зид маъноли, уядош, бутун-бўлак, тур-жинс**, муносабатидаги сўзга, шакл муносабатига кўра эса **шаклдош** ва **талаффуздош** сўзга бўлинади.

Синоним. Сўз маъноси асосида ўзаро турли муносабатда бўлади. Баъзи сўзлар маъноси асосида ўзаро бир-бирига яқин бўлса, баъзиси бир-бирини инкор қилади. Маъноси боғланмаса-да, ташқи томони (айтилиши, ёзилиши) бир хил бўлган сўз ҳам бор бўлиб, бири бошқасининг мавжудлигини эслатиб туради. Шунга кўра, синоним, антоним, омоним ва пароним ажратилади.

Тилда бир сўз кўп маънони англатиши билан бирга, бир неча сўз бир тушунчани билдириши ҳам мумкин. Масалан, **осмон, фалак, кўк, само, гардун; юрак, қалб, дил, кўнгил** каби. Бир тушунчани турли маънода ифодаладиган сўз синоним (маънодош) дейилади. Маънодош сўзнинг аташ маъноси ўзаро қўшимча маъноси билан фарқланади. Масалан, **юз, афт, башара, чехра** сўзининг аташ маъносидаги ҳиссий ва услубий бўёқ фарқли.

Синоним грекча сўздан олинган бўлиб, **сийн** “бир” ва **онома** “ном” демакдир. Шакли ҳар хил, бир тушунчани билдирувчи тил бирлиги синоним дейилади.

Синонимия қуйидагига бўлинади:

а) луғавий (лексик) синонимия, яъни сўз маънодошлиги: **иш, юмуш**;

гапирмоқ, сўзламоқ;

б) ибора (фразеологик) маънодошлиги: **боши осмонга етди, терисига сиғмади;**

д) қўшимча (аффиксал) маънодошлиги. Бу ўз ўрнида иккига бўлинади:

1) сўз ясовчи қўшимча маънодошлиги: **-сер, -дор, -сиз, -бе;**

2) грамматик шакл маънодошлиги: **-яп, -ётир, -моқда** каби.

е) синтактик маънодошлик: **Баҳор келди, шунинг учун кўнглим шод – Баҳор келганлигидан кўнглим шод.**

Лексикологияда фақат лексик (луғавий) ва фразеологик синонимия ўрганилади.

Тилшунос олимлар сўздаги маъно хусусиятини кўзда тутиб, синонимга турлича таъриф беради.

Синонимнинг моҳиятини тўғри тушуниш учун икки ҳодисани бир-биридан фарқлаш лозим:

– тушунча ва сўз, унинг ўзаро муносабати;

– сўз ва унинг маънолари, ҳар бир сўзнинг маъно қирраси.

Тушунча предмет, белги, воқеа, ҳодиса, ҳаракат ҳақида кишининг тасаввури бўлиб, сўз – унинг тилда намоён бўлиши. Тушунча сўзга, сўз эса тушунчага тўла равишда мос келавермайди. Масалан, **юз, афт, башара, чехра** сўзи бир тушунчани билдиради, аммо маъноси бошқа-бошқа. Маъноси бир хил сўзнинг биттаси тилда яшайди, бошқаси истеъмолдан чиқиб кетади.

Сўз тушунчанинг ҳамма томонини қамраб ололмайди, балки унинг моҳиятини ва муҳим томонини акс эттиради. Тушунчанинг бошқа томони ва хусусияти ўзга сўз билан ифодаланади.

Синонимик қатор. Синоним сўз қатори синонимик қатор дейилади. Синонимик қатор бирдан ортиқ сўздан ташкил топади: **осмон, кўк, само, фалак; қизик, ғалати, ажойиб, аломат, антиқа, ажаб, ажиб** каби.

Синонимик қатордаги маълум аниқликка эга бўлган, услубий жиҳатдан «бетараф» сўз бош сўз (доминанта) дейилади: **юрак, кўнгил, қалб, дил** қаторида бош сўз – **юрак**.

Бош сўз қуйидаги хусусиятга эга:

а) бошқаларига нисбатан кўп ишлатилади;

б) услуб танламайди;

д) бошқасини эркин алмаштиради;

е) ҳиссий бўёқсиз бўлади.

Қўшимча маъно англатиш-англатмаслигига кўра, синоним иккига бўлинади:

а) маъновий синоним;

б) тўлиқ синоним.

Агар асос маъно ҳам, қўшимча маъно ҳам бир-бирига тўғри келса, тўлиқ синоним дейилади: **лингвистика – тилшунослик, фазогир – космонавт, ҳуқуқшунос – юрист** каби. Бир тилнинг ўз сўзлари ўзаро тўлиқ синоним бўлмайди.

Асос маъноси бир хил бўлиб, лекин қўшимча маъноси (ҳиссий, услубий маъноси) бир-биридан фарқ қилса, маъновий синоним дейилади. Масалан, **юрак, дил, қалб, кўнгил; керак, лозим, шарт, даркор** каби.

Синонимик муносабат бир сўз туркуми доирасида бўлади: **улуғ, буюк, катта** (сифат); **одам, инсон, башар** (от). Маънодошлик деярли барча сўз туркуми доирасида учраши мумкин.

Кўп маъноли сўзда маънодошлик ўзига хос. У ҳар бир маъноси билан бошқа-бошқа синонимик қаторда бўлиши мумкин. Масалан, **битирмоқ** сўзи уч маъноси билан уч синонимик қаторга бирлашади:

а) **битирмоқ, тугатмоқ, тамомламоқ**. Бу сўз «яқунига етказмоқ» тушунчаси асосида ўзаро синоним.

б) **битирмоқ, бажармоқ, адо этмоқ, дўндирмоқ**. Бу қатордаги сўз «иш, вазифа, топшириқни амалга оширмоқ, бажо келтирмоқ» тушунчаси асосида ўзаро синоним.

д) **битирмоқ, соп қилмоқ, йўқотмоқ**. Бу сўз «буткул йўқ ҳолатга келтирмоқ» тушунчаси асосида синонимлик ҳосил қилади.

Ёки **биринчи** сўзини олайлик:

а) **биринчи** (сентябр) (синоними йўқ); б) **биринчи** (фарзанд), **бош, тўнғич, катта**;

д) **биринчи** (масала), **асосий, муҳим, долзарб**; э) **биринчи** (қадам), **дастлабги, илк**;

Тилда синоним қуйидаги йўл билан пайдо бўлади:

а) бир тилдан иккинчи тилга сўз ўтиши натижасида: **манглай, пешона; куч, қувват; жосус, агент**;

б) маҳаллий шевадан сўз олиш натижасида: **дўппи, калапўш; бузоқ, гўсала**;

д) сўз ясалиши натижасида: **ҳис, сезги; савол, сўроқ; вазифа, топшириқ**;

е) сўзнинг янги маъно касб этиши натижасида: **ўрин, жой, лавозим**.

Эслатма

Айрим сўз кўчма маънода қўлланиб, бошқа сўзга вақтинча маънодош бўлади. Масалан, қаттиқ сўзи кўчма маънода бахил, хасис, зикна, мумсик сўзи билан, ўт сўзи чирой, ҳусн сўзи билан маънодош. Бу шартли маънодошлик дейилади.

Кўриниб турибдики, синонимларнинг асоси турлича бўлиб, улар ўзаро умумий маъноси асосида боғланади. Ҳар бир синоним сўз маъно хусусиятига кўра фарқланади. Шунинг учун ҳам унинг баъзисини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди.

Оғзаки ва ёзма нутқда синонимнинг амалий аҳамияти катта. Синонимлар сўзни ўринсиз такрорлашга йўл қўймайди, услубнинг равонлигини таъминлайди.

Синоним бадий нутқда тасвир воситаси бўлиб хизмат қилади. Ёзувчи синоним воситасида киши характери, воқеа-ҳодисани, манзарани аниқ ва жозибали қилиб тасвирлайди. Синонимдаги бундай хусусиятни ХВ асрдаёқ идрок этган Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида **ичмоқ** сўзининг 6 та, **йиғламоқ** сўзининг 7 та синонимини келтиради. Масалан, **йиғламоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўкирмақ, иничкирамоқ, ҳой-ҳой йиғламоқ**. Алишер Навоий бу синоним бир-биридан ўзининг нозик маъно қирраси билан фарқланишини шеър билан тушунтиради.

Синонимнинг услубий хусусияти. Синоним ўзаро ҳиссий-таъсирий бўёғи билан фарқланади: **юз, афт, башара, бет, чехра, жамол, рухсор, дийдор** синонимик қаторидаги **юз** сўзи бетараф бўлса, **бет, афт** сўзи салбий бўёқли, **башара** сўзида эса салбий бўёқ янада кучли, **турқ** сўзида **башара** сўзига нисбатан ҳам кучлироқ; **чехра** ижобий бўёққа эга, **жамол** сўзида бу бўёқ янада кучли. Сўзловчи ўз кайфияти, мақсади ва муносабатига қараб ундан танлайди. Шунингдек, синонимнинг ишлатилиш доираси чегараланган ёки чегараланмаган бўлиши мумкин: **кекса, қари, оксоқол, нуроний, мўйсафид** синонимик қаторидаги **қари** сўзининг ишлатилиш доираси кенг, қолганиники эса чегараланган.

Синонимни ўринсиз ишлатиш оқибатида турли услубий хато келиб чиқади: **Бўлдозер кўчамизда йиқилай деб турган деворларни бир чеккага суриб йўл очар эди** гапида **йиқилай** сўзи ноўрин қўлланган, чунки бу сўз кишига нисбатан ишлатилади; бунда деворга нисбатан **қулай (қуламоқ)** сўзи қўлланиши мақсадга мувофиқ эди.

АНТОНИМ. Билиш жараёнида нарса ва ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белги ва хусусиятни бир-бирига зидлаш, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бутун билиш фаолиятимиз зидланишга асосланган. Ана шундай зидланиш тилимизда ҳам ўз ифодасини топган. Бирини айтишимиз билан унинг зиди ҳаёлимизга келади. Масалан, **оқ – қора, узун – қисқа (калта), баланд – паст, доно – аҳмоқ; -ли (сувли), -сиз (сувсиз)** ва бошқа.

Антоним грекча **анти** – “зид” **онома** – “ном” демакдир. **Ўзаро зид маъноли сўз, ибора ва қўшимча антоним дейилади.** Антонимия – сўз ва қўшимчанинг ўзаро зид маъноли муносабати. У лексик (**яхши – ёмон, кенг – тор**), морфологик (**-ли – -сиз**), фразеологик (**қўли узун – қўли калта**) кўриниши мавжуд.

Антонимни ҳосил қиладиган нарса – асос маънодаги зидлик. Қўшимча маънодаги зидлик антонимлик ҳосил қила олмайди. Масалан, **чехра ва башара** сўзи қўшимча маъноси билан фарқланади.

Инкор ёки феълнинг бўлишли-бўлишсизлик шакли ҳам антонимлик ҳосил қила олмайди. Маънодаги зидлик асосида бўладиган инкор билан бирор нарса, белги ёки ҳаракатнинг айнан ўзининг инкор этилишини фарқлаш керак. Антонимияда, юқорида кўрилганидек, ўзаро зидлик ётади. Бу зидлик икки сўзнинг маъноси орасида бўлади. Оддий инкорда эса, айнан бир нарса, белги ёки ҳаракат инкор этилади. Бунда ўзаро қарама-қарши турадиган икки нарса, икки белги, икки ҳаракат бўлмайди. Масалан, **тун, қора, олмоқ** сўзи билдирган нарса, белги, ҳаракат инкор этилиши билан **тун эмас, қора эмас, олмади** кабида **оқ – қора, бормоқ – келмоқ** сўзидагига ўхшаш зидлик йўқ.

Кўп маъноли сўзнинг антонимлиги қандай маънода келганлигига қараб белгиланади. Бир сўз ҳар хил маъноси билан ҳар хил сўзга антоним бўла олиши мумкин. Масалан, **қаттиқ** сўзи бир маъноси билан **юмшоқ** сўзига, бошқа бир маъноси билан эса **сахий** сўзига антоним. Қиёсланг: **қаттиқ предмет – юмшоқ предмет, қаттиқ одам – сахий одам.**

Антоним жуфт ҳолда қўлланиб кўчма маъно ифодалайди: **яхши-ёмон** (ҳар хил) **гаплар, эрта-кеч** (доим) хаёлимдасан.

Антоним, асосан, белги билдирувчи сўз – сифат ва равишда учрайди. От ва феълда камроқ: **вафо – жафо, йиғламоқ – кулмоқ** каби.

Эслатма

Антоним ёрдамида бадиий адабиётда тазод, антитеза санъати ҳосил қилинади. Бироқ антонимликни тазод ва антитезага тенглаштириб, бир хиллаштириб қўймаслик керак. Антоним бўлмаган сўз ҳам бу санъатни ҳосил қилаверади.

Антонимнинг услубий хусусияти. Антонимдан тўғри фойдалана олмаслик ҳам услубий хатоликни келтириб чиқаради: ... **чойхона мудири Юсуфжон Нозимов турмушнинг иссиқ-чучугини татиган кишига ўхшайди.** Бу гапдаги **иссиқ-чучугини** жуфтлиги ўрнида **аччик-чучук** жуфтлиги ишлатилиши керак эди. Антонимдан фойдаланган ҳолда яратиладиган бадиий санъат **тазод** (антитеза) деб аталади.

ОМОНИМ. Тилда товуш ва ёзув томони бир хил бўлиб, аммо турлича, бир-бирига боғлиқ бўлмаган маъно ифодаловчи сўз, қўшимча ва ибора мавжуд. Бундай бирлик **омоним** дейилади. Омонимлик сўз, қўшимча, ибора, сўз бирикмаси ва гапга хос.

Омоним грекча “бир хил ном” демакдир: **Далада от кишнади. Чақалоққа от қўйилди. Тўпни менга от.** Ҳар учала гапда қўлланган **от** сўзи шаклан бир хил бўлса-да, аслида мутлақо бошқа-бошқа сўз.

Омоним билан кўп маъноли сўзни чалкаштирмаслик керак. Унинг фарқи куйидагича:

- омонимнинг нечта маъноси бўлса, у шунча сўз ҳисобланади, кўп маънолиликда эса унинг маъноси қанчалик кўп бўлмасин, барибир, бир сўз ҳисобланади;

- омонимдаги маъно бир-бирига мутлоқо боғлиқ эмас, лекин кўп маънолиликда маъно бир-бирига алоқадор бўлади;

- омоним тури тилдан сўз кириб келиши, бир тилдаги турли шаклнинг айнан тўғри келиб қолиши натижасида юзага келади, кўп маънолилик эса унинг нечта маъноси бўлса, барчаси бир маънодан ўсиб чиқади.

Омоним ҳам, кўп маъноли сўз ҳам қайси маънода келаётганлиги матн орқали аниқланади.

Омоним бир сўз туркуми доирасида ҳам, бир неча сўз туркуми доирасида ҳам бўлиши мумкин: **Уйга ўт кетди. Далада ўт кўкарди.** Гапда фақат от туркумига мансуб сўз ўзаро омонимликни ҳосил қилган. Фақат бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлган омоним сўзлар грамматик шакл олса ҳам омоним бўлиб тураверади: **Бу унингни ўзинг нон қилиб е. Унингни ўчир!** гапидаги **ун** сўзига **-инг** эгалик ва **-ни** тушим келишиги қўшимчаси қўшилганда ҳам омонимлик бартараф бўлмаган. Лекин омонимлик бошқа-бошқа сўз туркуми доирасида бўлса, грамматик қўшимча олиши билан у йўқолади. Масалан, **от** – исм, **от** – ҳаракат: **Отинг нима? Узоққа отиб юбор.** Баъзан, омонимлик ҳар хил сўз туркуми доирасида бўлса-да, қўшимча қўшилса ҳам сақланиб қолиши мумкин. Бунда қўшимча (грамматик) омонимлигини ҳам кузатиш мумкин: **Отинг нима? Ёиштни юқорироққа отинг.** Бунда **-инг** – эгалик, **-инг** – шахс-сон қўшимчаси. Бундай ҳолда омонимлик гапдаги бошқа сўз ёрдамида бартараф этилади.

Омонимнинг услубий хусусияти. Нутқда омонимдан фойдаланган ҳолда турли сўз ўйини ҳосил қилинади ва бадиий нутқнинг гўзаллигига эришилади: **Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от, Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим, Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.** Бу ўринда **от** омоними турли маънони ифодалаяпти.

Омоним сўздан фойдаланган ҳолда сўз ўйинини яратиш **тажнис (жинос)** санъати дейилади. Бадиий адабиётда шу бадиий санъат қўлланиб яратилган тўрт мисрали шеър эса **туюқ** деб аталади.

УЯДОШ СЎЗ. Тилдаги барча сўз онгда маълум бир мазмуний уяга бирлашган ҳолда яшайди. Бу сўзнинг инсон хотирасида осон сақланиши ва нутқда қулай юзага чиқишини таъминлайди.

Бир мазмуний уяга мансуб сўз уядош дейилади. Масалан, **дарахт** сўзи ўз мазмуни ичига **олма, олча, терак, тол, арча, чинор, нок, тут, қайин, қайрағоч** каби сўзни олади. **Ўз ичига олувчи сўз уя сўз** ва **уяга кирувчи сўз уядош сўз** дейилади. **Қўй уя сўзи ўз ичига қўзи, совлик, қўчқор, шишак, тўқли** сўзини олса, **қорамол сўзи сигир, новвос, хўкиз, буқа, ғунажин** сўзини олади.

Бир уяга кирувчи уядош сўз ички гуруҳга бўлиниши мумкин. Масалан **дарахт** уяси ўз ичида **мевали дарахт** ва **мевасиз дарахт** уясига бўлинади. Бу уячада **дарахт** номи **мевали** ва **мевасизга** бўлинган ҳолда яшайди. Масалан, **от** уяси қуйидаги 4 та уячага бўлинади:

а) **жинс уяси: айғир, байтал;**

б) **зот уяси: араби, бедов, қозоқи, мугули, ахалтака;**

в) **ранг-туси уяси: саман, тўрик, човкар, қорабайир, қашқа, жийрон;**

г) **вазифа уяси: салт, аравакаш, юкчи, улоқчи, пойгачи;**

Уя ёки уядош сўз ўрнида сўз бирикмаси ҳам бўлиши мумкин. Бунга юқоридаги **мевали дарахт** ва **мевасиз дарахт** бирикмаси мисол бўлади. У дарахтнинг **мевали** турига нисбатан **уя бирикма**, **дарахт** уясига нисбатан **уядош бирикма**дир.

ПАРОНИМ. Пароним – талаффузи бир-бирига жуда яқин, аммо ёзилиши ва маъноси ҳар хил бўлган сўз. Масалан, **аср** ва **асир**, **афзал** ва **абзал**, **шер** ва **шеър**, **адиб** ва **адип** каби сўз талаффузда бир хил айтилса-да, ёзилишда фарқ қилади. Маъноси ҳам буткул бошқа-бошқа. Паронимни икки хил ёзилишга эга бўлган, аммо маъноси бир хил бўлган дублетдан фарқлаш керак: **арава – ароба, бекик – беркик, бениҳоя – бениҳоят, гадо – гадой** кабилар пароним эмас, балки дублет, вариантдош сўзлардир.

Пароним сўзларни орфоэпик қоидага риоя қилмасдан талаффуз қилишдан пайдо бўлади.

Пароним талаффуз жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлганлиги учун, ундан бадиий адабиётда қофия сифатида кенг фойдаланилади.

Паронимнинг услубий хусусияти. Паронимни тўғри қўлламаслик оқибатида ҳам хатолик юз беради: **Чанокдаги лўппи очилган пахта қуёшда яркираб кумушдек тобланади.** Бу гапдага **тобланади** сўзи ўрнида

товланади сўзи ишлатилиши керак эди.

5. Сўзнинг кўчма маънолари

Лексема бир маъноли ва кўп маъноли бўлиши мумкин. **Ўн, қарши, телефон** сўзи бир маънони билдирганлиги учун бир маъноли сўз дейилади. Бир маъноли сўз **моносемантик** сўз ҳам деб юритилади. Нутқ жараёнида бирдан ортиқ маъно билдирадиган сўз кўп маъноли сўз дейилади. Масалан, **китоб** сўзи кўп маъноли сўз: 1) “варақдан ташкил топган ва муқоваланган, босма ёки қўлёзма ҳолидаги ўқув қуроли”; 2) “катта ҳажмли асарнинг қисми, бўлими”. Ёки **қўзичоқ** сўзи “қўйнинг боласи” ва “азиз фарзанд” маъносига эга.

Тилдаги сўзнинг анча қисми кўп маъноли, чунки киши ўзининг кундалик ҳаётида янги пайдо бўлган тушунчанинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сўз қўллаиверадиган бўлса, унинг сони ўта кўпайиб кетиб, хотирада сақлаш мумкин бўлмай қолади. Натижада тилдан фойдаланиш ҳам қийинлашиб, у секин-аста яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Ҳар қайси тилда санокли тил бирлигининг турли хил бирикувидан чексиз тушунча ва фикрни ифодалашга ҳаракат қилинади. Ана шундай ҳаракат туфайли тилда илгари мавжуд бўлган сўзга янги-янги маъно юкланади. Натижада кўп маъноли сўз ҳосил бўлади. Масалан, **тош** сўзи дастлаб «сув таъсир қилмайдиган қаттиқ ёки мўрт ҳолдаги табиий жинс» маъносига эга бўлган: **Йўлда тош ётибди**. Кейинчалик сўздаги «қаттиқлик» маъно қирраси фаоллашиб, “ғам ҳам емира олмайдиган” маъноси вужудга келган: **Тош экан бошим**.

Ҳар қандай кўп маъноли сўз гапнинг ичида фақат бир маънони англатади. Чунки бунда сўзловчи бир маънони назарда тутати ва гапдаги қўшни сўз ҳам бошқа маънони юзага чиқармайди.

Бир маъноли сўз тилда кам ва илмий, бирор соҳа, касб-ҳунар атамасини, шунингдек, янги пайдо бўлган сўзни ўз ичига олади. Янги сўз (неологизм) ҳам давр ўтиши билан кўп маънони англатиши мумкин. Масалан, **хаккер** сўзи неологизм бўлиб, “компьютер программаси бузувчиси” маъносига эга. У айни пайтда “умуман бузғунчи” маъносини ҳам англатмоқда.

Кўп маъноли сўзнинг маъносини билиш ва ундан нутқ жараёнида ўринли фойдаланиш нутқнинг таъсирчан, ифодали бўлишига ёрдам беради.

Сўз бир неча маънони билдирар экан, унинг биринчи ва кейинчалик англатган маъносини фарқлаш керак. Шу нуқтаи назардан маънонинг икки хили мавжуд:

а) ўз (бош) маъно; кўчма (ҳосила) маъно.

Ўз маъно атамаси дарсликда турли синонимига эга: **бош маъно**, **денотатив маъно**, **асос маъно**, **тўғри маъно**, **генетик маъно** ва ҳоказо. **Сўзнинг предмет, воқеа-ҳодиса ҳақидаги дастлабки, реал, нутқдан ташқарида англатган маъноси ўз маъно дейилади.** Масалан: **кўз** – “кўриш аъзоси”, пахта – “оқ майин тола берувчи ўсимлик”, **тўқимоқ** – “газмол ёки буюм ясамоқ, тайёрламоқ” каби.

Сўзнинг ўз маъносидан ташқари, ўхшатиш, муболаға, киноя каби усул билан бошқа маънода қўлланиши натижасида кўчма маъно ҳосил бўлади: **кўз** – 1) “ёғочнинг қавариқ жойи”; 2) “узукнинг ялтироқ думалоқ қисми”; **тўқимоқ** – “йўқ ердан ўйлаб чиқармоқ” каби. Кўчма маъно ҳам ўз маъно каби ҳар хил манбада турлича аталган: **ясама маъно**, **ҳосила маъно**, **эркин маъно** ва ҳоказо.

Гап таркибидаги бошқа сўз ёрдамида англашилади. Масалан, **У бу гапларни ўзи тўқиган жумласидаги тўқимоқ** сўзининг “йўқ ердан ўйлаб чиқармоқ” маъноси ундаги **гапларни** сўзи ёрдамида англашилади. **Деразанинг кўзи синди** гапидаги **кўз** сўзининг “шиша” маъноси **дераза** ва **синди** сўзи ёрдамида юзага чиқмоқда.

Бир сўзда ўнлаб кўчма маъно бўлиши мумкин. Сўзнинг кўчма маъноси фақат матн орқали, гапдагина аниқланади.

4-маъруза. Фразеология. Лексикография

Режа

- 1.Фразеология ибораларни ўрганувчи бўлим.
2. Иборанинг маъно таркиби.
3. Лексикография ҳақида умумий маълумот.
4. Луғат турлари.

1.Фразеология ибораларни ўрганувчи бўлим

Барқарор бирикманинг бир гуруҳи таркибидаги сўз маъно жиҳатдан уйғунлашиб, мазмуний яхлитликни вужудга келтиради. Кўпинча маъноси бир сўзга тенг ва кўчма бўлади. Сўзнинг бундай барқарор боғланмаси ибора (фразеологик бирлик) дир.

Тилшуносликнинг иборани ўрганувчи махсус бўлими **фразеология** дейилади.

Қисмлари қатъий бир қолипга кириб, барқарорлашган, кўчма маъно англантиб, гапда бутунлигича бир бўлак вазифасида келадиган, образли, жозибали барқарор бирикма фразеологик бирикма (ибора) дейилади: **Эшон**

майизнинг тагига турна экибди (“тугатмоқ”) – **Боши осмонга етди** (“хурсанд”).

Сўз ҳам, ибора ҳам луғавий бирлик саналади. Тилнинг луғат бойлигини ташкил этади. Ибора сўз бирикмаси ёки гап сингари нутқ жараёнида ҳосил бўлмайди, балки худди сўз каби тилда тайёр ҳолда бўлади. Демак, ибора нутқ ҳодисаси эмас, балки тил ҳодисаси.

Ибора ҳам, худди сўз каби, шакл ва маъно бутунлигига эга. Сўзнинг шаклий томони товушдан иборат бўлса, иборанинг шаклий томонини сўз ташкил этади: **рахмдил** (р+а+х+м+д+и+л) – **кўнгли бўш** (кўнгли+бўш) **хурсанд** (х+у+р+с+а+н+д) – **боши осмонга етди** (боши+осмонга+етди).

Ибора таркибидаги сўз мустақил маънога эга эмас. Ибора сўз йиғиндисининг кўчма маъносига асосланади. Шунинг учун унинг таркибидаги бир неча сўз бир бутунлигича гап бўлаги вазифасида келади: **Кўз очиб-юмгунча неча минг пиёда ва суворий кишилар пайдо бўлди.** (А.Қаҳ.) **Кўз очиб-юмгунча** иборасининг маъноси “жуда тез” ва гапдаги вазифаси – пайт ҳоли.

Луғавий бирлик сифатида ибора сўзга хос қатор хусусиятга эга.

2. Иборанинг маъно таркиби

Иборанинг маъно таркиби фразеологик ва кўшимча маънодан иборат.

Иборадан англашиладиган белги, миқдор ва ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумот фразеологик маъно дейилади. Масалан, **Қизим бошимни осмонга етказди** (А.Қаҳ.) **Энди тўртинчи ротани ҳам рация билан таъмин қилсак, ошиқ олчи бўларди.** (И.Раҳ.) Биринчи гапда ҳаракат (“жуда хурсанд қилди”), иккинчисида белги (“жуда яхши”) ифодаланган. Иборанинг аташ маъноси бирор сўзнинг аташ маъносига тенг, лекин кўшимча маъноси сўзда кўпинча бўлмайди ёки сўзникидан “кучли” бўлади. Масалан, **хуфия** сўзи ва **енг ичида** иборасининг аташ маъноси бир хил. Аммо иборада услубий ва ҳиссий маъно мавжуд.

Фразеологик маъно образли ва жозибали бўлади. Шу хусусияти билан сўзнинг лексик маъносидан фарқланади. Чоғиштиринг: **хуфия – енг ичида, беқиёс – ер билан осмонча, хурсанд – оғзи қулоғида.** Айрим ибора билдирган маънони бир сўз билан ифодалаб бўлмайди: **Қилдан қийиқ топиб, жанжал чиқарарди, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйди.**

Фразеологик маъно ибора таркибидаги бирор сўзнинг кўчма маъносига асосланиши (**ширин сўз, аччиқ гап, ишнинг кўзи, гапнинг тузи**) ёки таркибидаги қисмларнинг умумий маъносига таяниб кўчма маъно ифодалаши

мумкин (оғзи қулоғида, бел боғламоқ, оғиз очмоқ, тили тutilди, темирни қизигида ур). Ёхуд таркибидаги қисмнинг маъносига мутлақо алоқаси бўлмаган маъно англатади (боши осмонга етди, тепа сочи тик бўлди, юлдузни бенарвон уради, юрагига қил сиғмайди).

Ибора таркибидаги сўз бошқа оддий бирикмадаги сўзга шаклан ўхшаб қолиши мумкин: **1.Қодирқул мингбошининг бундақанги ишларга суяги йўқ (Х.Ҳак.) – Бу гўштнинг суяги йўқ. 2.Мирзакаримбойнинг қўли узун, бу ишларни уddалайди (Ойб.) – Баскетболчининг қўли узун эди.** Бундай ҳолда фразеологик маъно матнга қараб аниқланади.

Иборанинг қисмлари қатъий бир қолипга кириб кетганлиги учун уни бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Сўзма-сўз таржима фикр чалкашлигига олиб келади.

Ибора сўз бирикмаси ва гап кўринишида бўлади:

1) сўз бирикмаси шаклидаги ибора: **анқонинг уруғи, бош кўтармоқ, оғзига олмоқ.**

2) гап шаклидаги ибора: **кўзи очилди, дами кесилди, тили тutilди.**

Иборанинг ҳам сўз каби шакл ва маъно муносабатига кўра тури мавжуд:

1. Кўп маъноли ибора. Бирдан ортиқ маънога эга бўлган ибора кўп маъноли ибора дейилади: **Бош кўтармоқ:** 1) “секин соғаймоқ”; 2) “секин қарамоқ”; 3) “қўзғолон қилмоқ”; **ўзига келмоқ:** 1) “секинлик билан тушунмоқ”; 2) “секинлик билан соғаймоқ”; **кўзи очилди:** 1) “қоқилиб тушунди”; 2) “кўрди”.

2. Омоним ибора. Бир хил қисм (сўз) дан тузилган, яъни шакли ўхшаш, аммо маъноси ҳар хил бўлган ибора омоним ибора дейилади: **уйни бошига кўтармоқ – онасини бошига кўтармоқ.** Мисоллар: **1. Илгари бир қатра оғзимга олмас эдим (Ойб.) 2. Комиссия ҳайрон бўлиб қолди, аммо ҳеч ким мени оғзига олмас эди. (А.Қах).**

3. Синоним ибора. Шакли ҳар хил, маъноси бир-бирига яқин бўлган ибора синоним ибора (фразеологик синоним) дейилади: **тоқати тоқ бўлмоқ-сабр косаси тўлмоқ; яхши кўрмоқ – кўнгил бермоқ; терисига сиғмади – боши осмонга етди.**

Луғавий бирлик сифатида ибора сўз билан синонимлик ташкил қила олади: **ғазабланмоқ – жони чиқмоқ, севмоқ – юрагидан урмоқ, мактамоқ – кўкларга кўтармоқ.**

4. Антоним ибора. Қарама-қарши маъно ифодаловчи ибора антоним ибора (фразеологик антоним) дейилади: **кўкка кўтармоқ – ерга урмоқ; қўли узун – қўли калта, кўнгли оқ – ичи қора.**

Иборанинг сўз, гап ва сўз бирикмасига муносабати. Ибора сўз, гап, сўз

бирикмасига ўхшаш ва фарқли белгига эга.

Ибора ва сўз. Сўз ҳам, ибора ҳам тушунча ифодалайди ва гапда бир бўлак вазифасида келади.

Сўз товушдан, ибора эса сўздан ташкил топади.

Сўз тўғри ва кўчма маъно, ибора фақат кўчма маъно ифодалайди.

Сўзнинг маъно таркибида қўшимча маъно бўлмаслиги мумкин. Иборада эса ҳар доим қўшимча маъно мавжуд.

Ибора ва сўз бирикмаси, гап. Иборани ташкил этувчи сўз барқарор алоқага эга. Сўз бирикмаси ва гапнинг ташкил этувчиси эркин боғланади.

Ибора нутққача тайёр ҳолда бўлади. Сўз бирикмаси ва гап нутқ жараёнида ҳосил қилинади.

Сўз бирикмаси ва гапни ўзгартириш мумкин. Иборани “бузиш” мумкин эмас.

3.Лексикография ҳақида умумий маълумот

Ҳар қандай тил ўз сўз бойлигига эга. Тилнинг луғат таркиби маъносида **лексика** атамаси ҳам қўлланади. Лексика муайян тилдаги ҳаракатда бўлган барча сўз йиғиндисидир.

Ҳозирга қадар бирор бир тилнинг, луғат таркибида қанча сўз борлиги тўлиқ аниқланган эмас. Бу борада тахмин бор, холос. Жумладан, тилшунос Элбек Навоий давридан то 1930- йилга қадар ўзбек тилида 40-45 минг сўз бўлган деб тахмин қилади. Тилшунос Ғ.Абдурахмонов ҳозирги кунда ўзбек тили сўз миқдори 80 мингдан ортиқ деб кўрсатади. Академик Э.Фозилов эса ўзбек тилидаги сўзлар миқдорини юз-икки юз мингдан ортиқ деб тахмин қилади.

Тилдаги тахминий сўз миқдорини луғатдан ҳам билса бўлади.

1981 йил нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 60 минг, 1976 йил нашр қилинган «Ўзбек тилининг имло луғати»да 65 минг сўз қайд этилган. Ўзбек тилининг 5 томли янги изоҳли луғатида 80 мингдан ортиқ сўз берилган.

Тил луғат таркиби жуда мураккаб ва кенг ҳажмли тушунча. У тилнинг яшаш шаклига кўра аниқ луғавий қатлам (ўзбек адабий тили лексикаси, шева, касб-ҳунар сўзи ва ҳоказо) ни ўз ичига олади.

Луғат муҳим ижтимоий вазифани бажаради. Бу қуйидагида кўзга ташланади:

- она тилини ва бошқа тилни ўргатишига хизмат қилади;
- она тили сўзларини тасвирлаш ва меъёрлаштириш вазифасини ўтайди;
- тиллараро муносабатни таъминлайди;

– тил лексикасини илмий текширади ва талқин қилади;

Луғат, аввало, мақсади ва мўлжалига кўра иккига бўлинади:

1) умумий луғат;

2) махсус луғат.

Умумий луғат кенг ўқувчи оммасига, махсус луғат эса тор доирадаги киши – алоҳида соҳа мутахассисига мўлжалланган бўлади.

Ҳар иккала луғат ҳам ўз ўрнида яна иккига бўлинади:

1) энциклопедик луғат;

2) филологик луғат.

Демак, луғатни умумий энциклопедик луғат ва махсус энциклопедик луғат, умумий филологик луғат ва махсус филологик луғатга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ва қулай.

4. Луғат турлари

Умумий энциклопедик луғат. Маълумки, умумий энциклопедик луғат алфавит тартибида бўлиб, уларда сўз эмас, балки шу сўздан англашилган тушунча учун асос бўлган нарса, тарихий воқеа, табиий ва ижтимоий ҳодиса, шахс, географик ном ҳақида маълумот берилади ва луғат мақоласи (луғатдаги тавсиф луғат мақоласи дейилади) луғат ёзилган тилни тушунувчи кенг ўқувчи оммасига мўлжалланган бўлади. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» ана шундай луғат.

Махсус энциклопедик луғат фан-техника, санъат ва маданиятнинг маълум бир соҳасига оид тушунчани шу соҳа қизиқувчиси ва мутахассиси учун мўлжаллаб тавсифлайди. Бундай луғат сифатида соҳа энциклопедик луғати – «Медицина энциклопедияси», «Физический энциклопедический словарь», «Лингвистический энциклопедический словарь» каби мисол қилиш мумкин. Умумий энциклопедик луғатдан фарқли равишда, махсус энциклопедик луғат тор соҳага доир тушунчани кенг ва батафсил шарҳлайди.

Кўринадики, махсус энциклопедик луғат соҳа мутахассиси учунгина зарур бўлган тушунчани ана шу соҳа илмий услубига хос ифода билан тасвирлайди.

Энциклопедик луғат **қомусий луғат** ҳам деб аталади.

Умумий филологик луғат – барча соҳа кишиси, кенг фойдаланувчи оммасига мўлжалланган изоҳли, имло, орфоэпик, таржима луғат. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Русча – ўзбекча луғат» ана шундай луғат сирасига киради.

Умумий изоҳли луғатда сўзнинг барча – грамматик, услубий, фразеологик бирлик таркибида қатнашиш, омонимик, қайси тилдан ўзлашганлик белгиси

кўрсатилади.

Имло луғати сўзни амалдаги имло қонидасига мувофиқ равишда қандай ёзиш кераклигини ўргатади. Демак, бундай луғат ҳаммабоп ва амалий табиатга эга бўлади. 1995- йилда лотин имлосидаги «Имло луғати» «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилди.

Орфоэпик луғатда сўзнинг тўғри адабий талаффузи кўрсатилади. Бундай луғат биринчи марта кичик ҳажмда М.Содиқова ва У.Усмонова томонидан «Ўзбек тилининг орфоэпик луғати» номи билан 1977 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Махсус филологик луғат тор ўқувчи оммаси – тилшунослик билан шуғулланувчи ва бошқа илмий тадқиқотчига мўлжалланган бўлади. Ўзбек тилининг морфем, частотали, терс, ўзлашма сўз, фразеологизм, синоним, антоним, омоним, шева сўзлари, терминологик, этимологик луғати шулар жумласидан.

Морфем луғатда сўзнинг таркиби кўрсатилади. Бундай луғат биринчи марта А.Ғуломов, А.Н.Тихонов, Р.Қ.Қўнғуров томонидан тузилиб, 1977 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган. 2007 йил “Янги аср авлоди” нашриётида Б.Менглиев ва Б.Баҳриддинованинг мактаб ўқувчиси учун мўлжалланган “Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув луғати” чоп этилган.

Частотали луғатда сўзнинг қўлланиш даражаси ҳақида маълумот берилади. И.А.Киссен муаллифлигида чоп этилган «Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка» (Тошкент, 1970) луғати частотали луғат бўлиб, унда сўзнинг маълум бир танланган манбада неча марта учраганлиги ва қўлланиши кўрсатилган.

Терс луғатда сўз тескари томондан, охиридан алфавит тартибда жойлаштирилади. Бу луғат ҳам лингвистик луғат бўлиб, Р.Қўнғуров ва А.Тихонов томонидан «Обратный словарь узбекского языка» номи билан 1969 йилда Самарқандда чоп этилган.

Ўзлашма сўз луғатида ўзбек тилига бошқа тилдан кириб келган сўз изоҳланади. Бу тилдаги луғат – изоҳли луғатнинг бир кўриниши. Улар қайси тилдан ўзлашган сўзни изоҳлашига кўра турлича номланади. Масалан, О.Усмон ва Р.Дониёров томонидан 1965 йилда нашр этилган «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати»да рус ва бошқа европа тилидан кириб келган сўз изоҳланган. 2007 йил “Янги аср авлоди” нашриётида Й.Ҳамраеванинг мактаб ўқувчиси учун “Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув изоҳли луғати” чоп этилган.

Фразеологик луғат махсус филологик луғатнинг бир тури бўлиб, Ш.Раҳматуллаев томонидан тузилган «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик

луғати» (Тошкент, 1978) унинг мукаммал намунаси. 2007 йил “Янги аср авлоди” нашриётида Б.Менглиев, О.Бойматова ва М.Худойбердиевнинг мактаб ўқувчиси учун “Ўзбек тили ибораларининг ўқув изоҳли луғати” чоп этилган.

Этимологик луғат ўзбек луғаҳунослигининг алоҳида соҳасига айланди. Бундай луғатда сўзнинг келиб чиқиши изоҳланади. Бунга Т.Нафасов томонидан тузилган «Жанубий Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати»ни мисол қилиб келтириш мумкин. 2007 йил “Янги аср авлоди” нашриётида Т.Жумаевнинг мактаб ўқувчиси учун “Ўзбек тилининг ўқув этимологик луғати”ни чоп этиш режалаштирилган.

Диалектал луғат ўзбек тилининг шевасига хос бўлган сўзни қайд қилади. Бундай луғат умуман ўзбек тилининг барча ёки маълум бир шевасига хос сўзини изоҳлашга мўлжалланган бўлиши мумкин. 1971 йилда муаллиф жамоаси томонидан «Фан» нашриётида чоп этилган «Ўзбек халқ шевалари луғати»ни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Терминологик луғат маълум бир соҳага тегишли сўзни изоҳлайди. Терминологик луғат изоҳли ёки таржима кўринишига эга. Демак, терминологик луғатни бир тилли ва кўп тилли луғатга бўлиш мумкин. А.Ҳожиёвнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати» (Тошкент, Ўқитувчи, 1985) дан олинган намунага эътибор қилинг:

“Криптология. Махфий тил, уларни тузиш қонуниятини, расшифровка қилиш усулини ўрганувчи фан.

Кўмакчили алоқа. Сўзлар ўртасида кўмакчи воситасида юзага келадиган алоқа: **қалам билан ёзмоқ, уйга қадар югурмоқ** каби.

Таржима луғат бир тилдаги сўз маъносининг бошқа тилда ифодаланиши, берилишини кўрсатади.

Кўптилли луғатда сўз иккитадан ортиқ тилда берилади. Бундай луғат жуда кам.

Таржима луғат қандай бирликни ифодалашига кўра турлича бўлади:

- 1) лексик бирлик луғати;
- 2) фразеологизм луғати;
- 3) ҳар иккала бирлик луғати;
- 4) мақол луғати.

1984 йилда Тошкентда нашр этилган икки томли «Русча-ўзбекча луғат» лексик бирлик луғатидир.

Таржима фразеологик луғатга М.Содиқованинг «Русча-ўзбекча фразеологик луғат»и (Тошкент, 1972) мисол бўлади.

5-мавзу. Морфология. От, сифат, сон сўз туркумлари

Режа

1. Грамматика ҳақида тушунча.
2. Сўз туркумлари.
3. От сўз туркуми.
4. Сифат сўз туркуми.
5. Сон сўз туркуми.

1.Грамматика ҳақида тушунча

Грамматика атамаси юнонча “**грамматике**” сўзидан олинган бўлиб, “харф ўқиш ва ёзиш санъати” деган маънони билдиради. **Грамматика** кўплаб тилшунослик атамаси каби икки маъноли. Бир маъносида тилнинг грамматик қурилиши тушунилса, иккинчи маъносида тилшуносликнинг шу грамматик қурилишни ўрганувчи соҳаси англашилади. Грамматика тилшунослик соҳаси сифатида сўз туркуми, грамматик маъно, шакл ясовчи қўшимча, сўз бирикмаси ва гап каби масалани ўрганади.

Тиллар ўзаро грамматик хусусиятига кўра фарқланади. Масалан, ўзбек тилида кесим гап маркази сифатида бошқа барча бўлақни ўз атрофида уюштиради. Рус тилида эга ва кесим бирга гап маркази ҳисобланади. Ўзбек тилида эга биринчи ва иккинчи шахсда тушириб қолдирилади. Рус, инглиз, немис ва бошқа айрим тилда бундай эмас. Ўзбек тилида сифатловчи сифатланмишдан олдин келади: **қизил гул, мактаб боғи** каби. Тожик тилида бунинг акси бўлади: **гули сурх, боғи мактаб** каби.

Тил ҳамиша тараққиётда. Бу, асосан, тилнинг лексикасида кўпроқ кўзга ташланади. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши лексикада катта ўзгариш ясайди. Янги сўзнинг вужудга келиши, сўзнинг «тирилиши», истёъмолдан чиқиб кетиши кабилар бунга мисол. Тилнинг фонетик ва грамматик соҳасига ижтимоий ўзгариш таъсир қилмайди, унда фақат вақт ўз изини қолдиради. Чунки яқин йилларда тубдан ўзгаришга учраган ижтимоий ҳаётнинг таъсири натижасида, масалан, ўзбек тилининг морфологик хусусияти, синтактик қурилишида ўзгариш кузатилмаганлиги бунинг ёрқин далили. Лекин асрлар давомида бундай ўзгариш юз бериб туради. Масалан, эски ўзбек тилида –**гу** қўшимчаси ёрдами билан ясалган иш отига -**м**, -**нг** қўшимчаси қўшилиб, унинг кесим эканлигини кўрсатган: **Мен кўргум** шаклида. Бу ҳозирги ўзбек тилида кузатилмайди. **Ул, алар, андин, анда, кўзун кўруб** (кўзи билан кўриб) каби қатор сўз – фикримиз далили. Ёки эски ўзбек тилида **Бу сенинг, Бу менинг**

кўринишидаги синтактик қурилма мавжуд бўлган. У ҳозирги кунда у **Бу сеники, Бу меники** кўринишига эга.

Грамматика деганда тор маънода морфология ва синтаксис бирлиги, кенг маънода тил қурилиши тушунилади. **Морфологияда** сўзнинг грамматик шаклланиши, буни ҳосил қилувчи шакл ясовчи қўшимча ва ёрдамчи сўз, кўмакчи феъл, тўлиқсиз феъл, сўз туркумлари ўрганилса, **синтаксисда** сўз бирикмаси ва гап қурилиши текширилади. Демак, тор маънода **грамматика** – сўзнинг шакл ясалиши асосида ўзгариши (морфология) ва эркин боғланиши ҳақидаги (синтаксис) бўлим.

2. Сўз туркумлари

Морфология. Морфология – грамматиканинг таркибий қисми. У юнонча “морфе” ва “логос” сўзидан олинган бўлиб, "шакл ҳақидаги фан" маъносини беради.

Морфологияда сўз туркуми, унга хос грамматик категория ва грамматик шакл, бу шаклни ҳосил қилиш йўли ва воситаси ўрганилади. Морфологиянинг объекти, асосан, сўзнинг шакл ясалиши масаласи. Сўзнинг шакл ясовчи қўшимча ва номуस्ताқил сўзни олиши шакл ясалиши, ўзгариши дейилади. Масалан, **китоб, китобнинг, китобни, китобга, китобда, китобдан, китоб учун, китоб билан** сўзлари **китоб** сўзининг келишик қўшимчаси ва кўмакчи асосидаги ўзгаришидир.

Эслатма

Яқин маъноли шакл ясовчи қўшимча йигиндиси грамматик категория дейилади. Масалан, яқин маъноли бўлган 6 та келишик шакли келишик категорияси, 5 та нисбат шакли нисбат категорияси дейилади. От туркумидаги эгалик, сон, сифатдаги даража, феълдаги нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон, шахс-сон шундай категория.

Сўз туркуми таснифи. Сўз қуйидаги белги асосида тасниф қилинади:

- 1) сўзнинг маъновий хусусияти;
- 2) сўзнинг морфологик хусусияти (грамматик шакллари);
- 3) сўзнинг ясалиш хусусияти.

Сўзни таснифлаш учун, аввало, ҳар бирининг аташ маъносини эмас, балки умумий маъносини ҳисобга олиш керак. Масалан, от предмет, сифат предмет белгиси, равиш ҳаракат белгиси, сон аниқ миқдор, феъл иш-ҳаракат ва ҳолат маъносига эга.

Сўз туркуми. Ўзбек тилида 9 та сўз туркуми бўлиб, у икки гуруҳга

бўлинади:

1. Мустақил сўз туркуми: **от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш.**
2. Ёрдамчи сўз туркуми: **кўмакчи, боғловчи, юклама .**

Бундан ташқари алоҳида олинган сўзлар ҳам мавжуд: **модал, ундов, тақлид сўзлар.**

Мустақил сўз оламдаги **нарс**а, **ходис**а, **белг**и, **миқдор**, **ҳаракат**, **ҳолат** кабини атайди, яъни **мустақил луғавий маънога эга бўлиб**, сўроқ олади. Мустақил сўз туркуми сирасида фақат олмош предмет-ходиса, белги ва миқдорни билдира олмайди, балки унга ишора қилади.

Эслатма

*От нарсанинг, сифат белгининг, сон миқдорнинг номини билдиргани ва олмош уни алмаштиргани учун бу тўрт туркум **исм** атамаси билан ҳам юритилади.³*

Ёрдамчи сўз гап бўлаги ва қўшма гап таркибидаги содда гапни ўзаро боғлайди ёки уларга қандайдир қўшимча маъно юклайди. У луғавий маънога эга эмас, сўроққа жавоб бўлмайди ва якка ҳолда гап бўлаги бўлиб келмайди.

Алоҳида сўз нисбий мустақил луғавий маънога эга. Улар гоҳо сўроққа жавоб бўлса ҳам, ўзининг махсус сўроғига эга эмас. Гапда қандайдир синтактик вазифани бажаради. Лекин ҳар бири ўзига хос умумий хусусияти билан алоҳида-алоҳида туркумни ташкил этади.

3.От сўз туркуми

Шахс, предмет, ходиса, жой номини билдирадиган сўз от дейилади: **одам, ўқувчи, ишчи** сўзи шахсни, **майса, китоб, илдиз, булут** сўзи предметни, **ёлғон, баҳс, кенгаш, авария, инверсия, гурунг, истило, рақобат, қўзғолон, сургун, байрам, уруш, жанжал, тўфон** сўзи ходисани, **қишлоқ, шаҳар, овул, мактаб** сўзи жойни билдиради.

От **ким, нима, қаер** сўроғига жавоб бўлади. Гап таркибида **қандай** сўроғини ҳам олади: **асфалт йўл, тилла сирға** каби. Жой номи нима сўроғига ҳам жавоб бўлиши мумкин: **шаҳар** (нима).

От гапда қуйидаги вазифада кела олади:

а) эга: **Салим** келди.

б) тўлдирувчи: **Салимни** кўрдим. **Китоб** ўқидим.

д) аниқловчи: **Салимнинг** укаси келди. **Асфальт** йўл таъмирланди.

Генерал Раҳимов сўзлади.

³ Mahmudov N., Nurmonov A., Nabiyeva D., Mirzahmedov A. Ona tili: umumta'lim maktablarining 7- sinfi uchun darslik. – T.: Ma'naviyat, 2005. – B. 31.

е) ҳол: **Қишлоқда яшайман. Шибирғон кетди.**

ф) кесим: **Дадам – ўқитувчи. Шаҳар – шаҳар.**

г) ундалма: **Куйла, дилкаш дугторим.**

4. Отнинг маъно тури. От бир турдаги шахс, предмет, ҳодиса, жойдан бирини ёки уларнинг умумий номини билдиришига кўра 2 га бўлинади:

1) атоқли от;

2) турдош от.

Бир турдаги шахс, предмет, ҳодиса, жойдан бирига атаб қўйилган ном атоқли от дейилади: Алишер, Қарши, Мустақиллик куни. Атоқли от ном дейилади.

Бир турдаги шахс, предмет, ҳодиса, жойнинг умумий номини билдирувчи от - турдош от. Отнинг асосий қисми турдош: **сув, ҳаво, осмон, қалам, дафтар, шамол, ёнғин.**

Турдош от луғавий маъносига кўра 4 га бўлинади:

а)шахс оти: **киши, одам, жин, фаришта, ишчи, ўқувчи;**

б)нарсa оти: **пақир, дарахт,**

д)ўрин-жой оти: **уй, дорихона, мактаб, ошён;**

е)фаолият, жараён оти: **эзмалик, ғаллачилик, серобгарчилик, чақув, терим, умум, меҳрибонлик, ёшлик, танлов, чопиқ, лойгарчилик, чорвачилик.**

Отнинг бирлик ёки кўплик сонда бўлиши грамматик сон дейилади. От нутқда бирлик ёки кўпликда бўлиши шарт. Отнинг **-лар** қўшимчасини олган шакли кўплик (**гуллар, дарахтлар, юлдузлар**), **-лар** сиз шакли бирлик (**гул, дарахт, юлдуз**) дейилади.

Эгалик шакли предмет-ҳодисанинг қайси шахс ва сонга қарашли эканлигини билдириб, ўзи бириккан бош сўзни қаратқич келишигидаги эргаш сўзга боғлайди: **менинг китобим**. Эргаш сўз бўлмаслиги ҳам мумкин: (менинг) **Укам келди.**

4.Сифат сўз туркуми

Маъновий хусусияти. Сифат, асосан, предмет-ҳодисанинг, қисман ҳаракатнинг белгисини билдиради ва **қандай, қанақа, қайси** сўроғига жавоб бўлади. Предмет-ҳодисанинг белгиси: **яхши бола, катта китоб, ширин таом, қизгин баҳс.** Ҳаракатнинг белгиси: **Салим яхши ўқийди. Ҳаёт абдий давом этади.** Отлашганда, отнинг сўроғини олади: **Қизилини қўйиб, кўкини берди. Яхши билан юрдинг – етдинг муродга.**

Морфологик хусусияти. Даража, озайтirma шаклни олиш – сифатнинг

морфологик хусусияти: **гўзал – гўзалроқ – энг гўзал, баланд – баландроқ – энг баланд;**

Мактаб дарслигида даражанинг уч кўриниши берилган:

1) оддий (нол шакл): **қизил, қайсар, шинам;**

2) қиёсий (-роқ): **қизилроқ, қайсарроқ, шинамроқ;**

3) орттирма:

а) энг, жуда, ғирт, жикқа, тим, нақ, зап, беҳад, ниҳоятда, бекиёс сўзи орқали (лексик усул) : **энг қизил, жуда қайсар, ниҳоятда шинам;**

б) бошланғич товушини олиб, унга **п, м, с** товушини қўшиш ва ёнидан сифатнинг ўзини келтириш (фонетик усул) : **қоп-қора, сап-сарик, кўм-кўк, ям-яшил, бус-бутун;**

с) дастлабки товуши билан сўзнинг ўзини жуфтлаштириш (фонетик усул): **пак-пакана, дум-думалоқ;**

д) дастлабки қисмига **-ппа** унсурини қўшиш ва сўзнинг ўзини жуфтлаштириш (фонетик усул): **теппа-тенг, оппа-осон, туппа-тузук, тўппа-тўғри, соппа-соғ, қуппа-қуруқ.**

Озайтирма сифат: кўкиш, оқиш, сарғиш, қизғиш, кўкимтир, оқимтир, қорамтир, яшилтоб, қўнғиртоб, каттагина; оч сарик, нимпушти; бир оз кўкиш, сал қорамтир.

Озайтирма шакл фақат ранг-тус сифатида мавжуд: **оқ – оқиш, оқимтир – оппоқ** (аслида **оп-оқ** бўлган), **қора – қорамтир – қоп-қора, кўк – кўкиш, кўкимтир – кўм-кўк.**

Отлашиши. От билан ифодаланган бўлакка сифатловчи-аниқловчи бўла оладиган ҳар қандай сўз отлашади. Сифат отлашганда у бириккан от тушиб қолиб, вазифаси ва грамматик шаклини сифат эгаллайди: **Ёмон кишидан яхшилик кутма** гапида **ёмон** сифати оддий даража, сифатловчи аниқловчи вазифасида, **киши** оти эса чиқиш келишигида, бирликда, тўлдирувчи вазифасида. **Ёмондан яхшилик кутма** гапидаги **ёмон** сифати эса отлашган, яъни туширилган отнинг чиқиш келишиги, бирлик сон шакли ва тўлдирувчи вазифасини олган.

Грамматик маъно тури. Сифат грамматик жиҳатдан **аслий ёки нисбий** бўлади.

Даражаланувчи сифат – аслий сифат: **катта (каттароқ - энг катта) , яхши (яхшироқ – энг яхши), яқин (яқинроқ – энг яқин), аччиқ (аччиқроқ – энг аччиқ) , қизил (қизилроқ – энг қизил).**

Даражаланмайдиган сифат нисбий сифат дейилади: **тонгги, кузги, кечки, кейинги, аввалги, қишки, ёзги, эртанги, бугунги, дастлабги, илк, собиқ, юқориги (қават), қуйи (палата), тубан (жой), тунги, тўнғич, кенжа, четки,**

ўртанча, бултурги, бурунги. Ўрин ва пайтга боғлиқ белгини билдирувчи сифат даражаланмайди.

5. Сон сўз туркуми

Маъновий хусусияти. Сон – асосан предмет-ҳодиса, қисман ҳаракат-ҳолатнинг кўпинча аниқ миқдори, саноғи ва тартибини, шунингдек, мавҳум санокни билдирувчи мустақил сўз.

Айтлиганидек, **кўп, оз, анча, талай, бир оз** каби равиш, **унча, бунча, шунча, қанча, бир қанча** каби олмош, **сават-сават, қучоқ-қучоқ, қоп-қоп** каби ҳисоб сўзи бўлиб келувчи от ҳам миқдор маъносини билдириши ёки унга ишора қилиши мумкин. Бу кўплик ноаниқдир.

Сон **неча, нечта, нечанчи, қанча, қанчадан, қанчалаб** каби сўроққа жавоб бўлади. **Қанча** сўроқ олмоши бир вақтнинг ўзида равишга ҳам хизмат қилади: **қанча – кўп.** Баъзан отнинг сўроғини олади: **Икки одамнинг бири** (ким?) **ҳали ҳам кутиб турибди. Неча** сўроғи эса фақат сонга тегишли.

Сон одатда рақам ва сўз билан ёзилади:

Грамматик маъно тури. Соннинг маъно тури асосан шакл ясовчи қўшимча воситасида ҳосил қилинади. Барча қўшимчаси луғавий шакл ҳосил қилувчи бўлганидан соннинг маъновий гуруҳи ҳам грамматиктабиатли. Грамматик хусусиятига кўра сон, аввало, иккига бўлинади:

- 1) миқдор сон;
- 2) тартиб сон.

Миқдор сон предмет-ҳодиса ҳамда ҳаракат-ҳолатнинг миқдори ва саноғини, тартиб сон эса тартибини билдиради.

Тартиб сон **-(и)нчи** ва **-ламчи** (кам қўлланади) қўшимчаси ёрдамида санок сондан ҳосил бўлади: **биринчи, ўнинчи, йигирманчи, бирламчи, иккиламчи.**

Миқдор сон қуйидаги турга бўлинади:

- 1) санок;
- 2) дона;
- 3) чама;
- 4) жамловчи;
- 5) тақсим.

Санок сон. Санок соннинг кўрсаткичи йўқ: **бир, икки, ўн, қирқ беш.**

Дона сон. Бу маъно тури **-та** қўшимчаси ва **дона, нафар, бош** ҳисоб сўзи орқали ҳосил қилинади: **бешта китоб, иккита дафтар, уч дона қалам, ўн беш нафар ўқувчи, йигирма бош совлиқ.** Қўшимча **бир** сўзига қўшилганда, **р** товуши **т** билан алмашади: **бир – битта, ўн бир – ўн битта.**

Чама сон. Бу сон **-тача, -лаб, -ларча** қўшимчаси, сонни жуфтлаш, тахминан, қарийб, тақрибан равиши воситасида ҳосил қилинади: **ўнтача ишчи, минглаб ватандошларимиз, юзларча бола, соат ўн бирлар эди, тахминан ўнта. -ча** қўшимчасини сондан кейинги ҳисоб сўзи олса ҳам, чама маъноси воқеланаверади: **минг йилча бурун, беш милча нарида.**

Жамловчи сон:

1) саноқ сон: **-ов, -овлон: учов, тўртов, бешовлон** (биров сўзи бундан мустасно);

2) саноқ сон: **-ала: иккала (и туширилган), учала, тўртала;**

Жамловчи сон бирдан еттигача бўлган сондан ҳосил қилинади. Бунда беш сонидан бошқасида товуш ўзгариши юз беради.

Таксим сон: -тадан: **биттадан қалам, ўнтадан ручка.**

Сон бутун ва қисмни ифодалашига кўра уч гуруҳни ташкил этади:

1) бутун;

2) каср;

3) аралаш.

Бутун сон нарс-буюмнинг бўлинмаган ҳолдаги саноғи ва миқдорини ифодалайди: **бир, ўн, икки юз** каби.

Каср сон бутуннинг бўлагини, улушини ифодалайди: **ярим, чорак, нимчорак** каби.

Каср сон икки кўринишда бўлади:

а) қўшма сўз кўринишидаги математик каср ифодаси: **иккидан бир, ўндан икки, тўққиздан беш** каби;

б) содда сўз кўринишидаги оддий каср ифодаси: **ярим, чорак, нимчорак;**

в) бутун ва каср сон биргаликда аралаш сонни ташкил қилади: **бир ярим, икки бутун ўндан беш, бир бутун тўртдан уч.**

Эслатма

1. Бутун, каср ва аралаш сон ажратиб ёзилади: **бир ярим килограмм, нол бутун ўндан беш.**

2. Фақат саноқ сон ҳисоб сўзи билан келади.

3. **-ов, -ала** шаклли жамловчи сонгина отлашмасдан келишик ва эгалик шаклини олади: **учовини, тўрталасига, бешаламиз.**

4. Тартиб сон сифатга, жамловчи сон отга яқинлашади.

5. Жуфт сон чама, тақрорий сон тақсим маъносини билдиради.

Ҳисоб сўзи. Саноқ сон ўлчовни билдирувчи сўз билан келиши мумкин. Бундай сўз ҳисобни билдиргани учун **ҳисоб сўзи (нумератив)** дейилади. Ҳисоб сўзи от туркумидан бўлади: **ховуч, дона, нусха, боғ, сиқим.** Гапда сон ҳисоб

сўзи билан битта гап бўлаги бўлиб келади.

Ҳисоб сўзининг қўлланиш даврига кўра тури:

1) эскирган ҳисоб сўзи: **газ (бир газ чит), жон, вақт (беш вақт намоз), маҳал (уч маҳал овқат), пайса, пуд (ўн пуд буғдой), саржин, сўлкавой, таноб, тош (тўрт тош йўл), энлик (икки энлик хат), юмалоқ (уч юмалоқ чой), қадок;**

2) замонавий ҳисоб сўзи: **градус, киловатт-соат, кубометр, метр (сантиметр, миллиметр), меҳнат куни, минут, пар, сотих, центнер;**

3) янги ҳисоб сўзи: **байт, мегабайт, гигабайт, дюм.**

6-мавзу. Олмош, феъл ва равиш сўз туркуми

Режа

1.Олмош сўз туркумининг ўзига хос хусусиятлари.

2. Феъл сўз туркуми.

3. Равиш сўз туркуми.

1.Олмош сўз туркумининг ўзига хос хусусиятлари

Олмош мустақил сўз туркуми сирасида охирги ўринда туради. Чунки у **бошқа барча мустақил сўз, шунингдек, сўз бирикмаси ва гап ўрнида қўлланади, уларга ишора қилади ёки сўроғини билдиради. Мисол:**

– от ўрнида: **Укам (от) келди – У (олмош) келди;**

– сифат ўрнида: **қизик (сифат) китоб – шундай (олмош) китоб, қандай (олмош) китоб;**

– сон ўрнида: **ўнта (сон) қалам – шунча (олмош) қалам, қанча (олмош) қалам;**

– феъл ўрнида: **китобни ўқимоқ (феъл) – китобни нима қилмоқ (олмош);**

– равиш ўрнида: **бугун (равиш) келди – қачон (олмош) келди;**

– тақлид ўрнида: **тақ-туқ (тақлид) овоз – қандай (олмош) овоз, шундай (олмош) овоз;**

– сўз бирикмаси ўрнида: **иншо ёзмоқ (сўз бирикмаси) – нима қилмоқ (олмош);**

– гап ўрнида: **Истагим шуки (олмош), дунёда тинчлик бўлсин (гап).**

Олмош нутқни ихчам ифода қилишнинг муҳим воситаси: **Ҳамма кирсин. Буларни йиғиштиринг.**

Олмош мустақил туркум бўлса-да, ўзига хос сўроғи йўқ. У қайси туркумга хос сўзни алмаштирса, шу туркум сўроғини олади. Шунингдек, олмошнинг бир қисми сўроқ сўзи (сўроқ олмоши)дан иборат.

Олмош грамматик жиҳатдан 7 турга бўлинади:

1. Кишилик олмоши. Кишилик олмоши шахсга ишора қилади: **мен, сен, у, биз, сиз, улар.** Шунинг учун улар от ўрнида қўлланувчи олмош дейилади.

Эслатма

1. *Мен олмошининг камина, банда, қулингиз каби тарихий маънодоши бор.*

2. *Мен олмошидан мавҳум от (менлик), такрорланишидан сифат (манман) ва ундан мавҳум от (манманлик) ясалади.*

3. *Кишилик олмоши шакл ясовчи олиб, кириш сўз вазифасида келади: менимча, сенингча.*

2. Ўзлик олмоши. Бу олмош бир ўз сўздан иборат бўлиб, шахсни таъкидлаш ёки ёлғизлигини ифодалаш учун қўлланади. Қаратқич келишигидаги сўздан кейин келса, таъкидни (**менинг ўзим, унинг ўзи, Каримнинг ўзи, китобнинг ўзи**), усиз келса, уч шахсдан бирига ишорани (**ўзи (у), ўзим (мен), ўзинг (сен)**) билдиради.

3. Кўрсатиш олмоши қуйидагилар: **у, бу, шу, ўша, ана, мана, ана шу, мана бу, анови, ундай, унақа, унча, бундай, бунақа, бунча, ўшандай, ўшанақа, ўшанча;**

4. Сўроқ олмоши. Бу тур олмош ҳар бир мустақил сўз туркумига дахлдор: **ким, нима, қаер, қандай, қанақа, қайси, қанча, нечта, неча, нечанчи, қачон, қаерда, қаерга, қаердан, қаёққа, қаёқда, қаёқдан, нега, нечун.**

5. Белгилаш-жамлаш олмоши қуйидаги: **ҳамма, барча, бари, жами, ялпи, бутун, ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси, ҳар қачон, ҳар қаерда;**

Эслатма

Ҳар доим, ҳар куни, ҳар йили сўзлари равиш туркумига мансуб.

Бўлишсизлик олмоши. Бу олмош тури ҳеч сўзини сўроқ олмошига қўшиш асосида ҳосил қилинади ва инкор маъносини билдиради: **ҳеч бир, ҳеч нарса, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч қанча, ҳеч қачон, ҳеч қаерда.**

Гумон олмоши ноаниқлик, гумон маъносини билдиради. У 4 шаклга эга:

1) сўроқ олмоши -дир: **кимдир, нимадир, қандайдир, қанақадир, қайсидир, қачондир, қаердадир;**

2) алла+сўроқ олмоши: **аллаким, алланима, аллақаер, аллақанча;**

3) бир+нарса+киши+нима+қанча+неча сўзи: **бир нарса, бир киши, бир қанча, бир неча;**

4) бошқа туркумдан кўчириш: **биров, бирон(та), бирор(та), фалон(чи), фистон(чи);**

2. Феъл сўз туркуми

Ҳаракат ва ҳолат билдирувчи сўз феъл дейилади: **Бола югурди** (ҳаракат). **Ит хурди** (ҳаракат). **Қарши шахри вилоят марказида жойлашган** (ҳолат). **Ситора ухлади** (ҳолат).

Феъл нима қилмоқ, нима бўлмоқ сўроғини олади. Равишдош шакли қай тарзда (шошилиб), нима учун (шошганидан), нима мақсадда (ўқигани), қачон (ўқигач), сифатдош шакли қандай, қайси (ўқиган бола), ҳаракат номи шакли нима (ишлаш) сўроғига жавоб бўлади.

Луғавий маъно тури. Мактаб дарслигида феълнинг 4 та ички луғавий маъно гуруҳи ажратилади:

1) нутқий фаолият: **гапирмоқ, пичирламоқ, демоқ, сўзламоқ, сўрамоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ, ёлвормоқ, вайсамоқ, суриштирмоқ, бақирмоқ, ўшқирмоқ, минғирламоқ, тўнғилламоқ, айтмоқ** каби;

2) ақлий фаолият: **ўйламоқ, фикрламоқ, хаёл қилмоқ, тасаввур қилмоқ, ҳукм чиқармоқ, ўйга ботмоқ, кўз олдига келтирмоқ, гавдалантирмоқ, фикр қилмоқ** каби;

3) жисмоний фаолият: **чизмоқ, ёзмақ, ясамоқ, қурмоқ, яратмоқ, бино қилмоқ, асос солмоқ, бўямоқ, тозаламоқ, йиқмоқ, емоқ, артмоқ, сайқал бермоқ, ўчирмоқ, нобуд қилмоқ, юрмоқ, югурмоқ, чиқмоқ, бормоқ, қимирламоқ, елмоқ, судралмоқ, сакрамоқ, учмоқ, ўтмоқ** каби;

4) ҳолат: **кулмоқ, ухламоқ, йиғламоқ, тиржаймоқ, дам олмоқ, шошмоқ, исимоқ, қизармоқ, семирмоқ, шишмоқ, ранжимоқ, хурсанд бўлмоқ, хандон урмоқ, даҳшатланмоқ, шод бўлмоқ, оғринмоқ** каби.

Феъл грамматик жиҳатдан ўтимли ва ўтимсиз феълга бўлинади.

Ўтимли феъл тушум келишигидаги сўзга боғланади: ўқиди, кўрди, ёд олди каби. Бу феъл кимни, нимани сўроғига жавоб бўлади: нимани ўқиди, кимни кўрди, нимани ёд олди каби.

Ўтимсиз феъл тушум келишигидаги сўзга боғланмайди: борди, ухлади, ранжиди, хандон урди каби. Бу феъл кимни, нимани сўроғига жавоб бўлмайди.

Ўтимли феъл ўтимсизга, ўтимсиз феъл ўтимлига айланиб туради: ўқиди (ўтимли) – ўқидди (ўтимсиз), йиғлади (ўтимсиз) – йиғлатди (ўтимли), ювди (ўтимли) – ювинди (ўтимсиз) каби.

Феълнинг вазифа шакли бўлган сифатдош отлашади. Чунки у отга сифатловчи-аниқловчи бўлиб келади, отнинг шакл ясовчиси ва синтактик вазифасини олади: Билмаган (отлашмаган, аниқловчи) нарсани (от, тушум келишигида, тўлдирувчи) сўраб билиш керак: Билмаганни (отлашган, тушум келишигида, тўлдирувчи) сўраб билиш керак.

Феълнинг луғавий шакли сирасига нисбат, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакли, ҳаракат тарзи (кўмакчи феъл), ҳаракатнинг кучсиз даражаси ва давомийлигини билдирувчи қўшимча киритилган.⁴

Нисбат – феълнинг луғавий шакл ҳосил қилувчиси. Нисбат шакли ҳаракат ва ҳолатнинг бажарувчига муносабатини кўрсатади. Бажарувчининг ҳаракат ва ҳолат жараёнида қай даражада иштирок этишини билдирувчи луғавий шакл нисбат дейилади. Нисбат шакли феълга ўзак ёки негиздан кейин, яъни бошқа шакл ясовчидан олдин қўшилади. Нисбат тури қуйидаги:

- 1) аниқ;
- 2) ўзлик;
- 3) мажҳул;
- 4) орттирма;
- 5) биргалик.

Аниқ нисбат қўшимчага эга эмас, яъни нол шаклли. Бажарувчиси аниқ бўлган ҳаракат ёки ҳолатни билдирган феъл шакли аниқ нисбат дейилади: билди, кўрди, сўради, айтмади, қайтмади.

Ўзлик нисбат. Бажарувчиси устида амалга ошадиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли ўзлик нисбати дейилади. Қўшимчаси:

-(и)н:	ташлан, кўрин, ювин, таран, сўкин, суян, сўзлан, ютин, кийин, артин, кавшан, ўпкалан.
-(и)л:	танил, айрил, қайрил, бўғил, туғил, қорил, йиғил, отил, қийнал, тешил, тикил.

Айрим манбада ўзликнинг –(и)ш шакли ҳам қайд этилади: жойлашди, керишди, қоришди.

Орттирма нисбат. Бажарувчининг таъсири билан бошқа шахс ёки нарсa томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи феъл шакли орттирма нисбат шакли дейилади. Бу нисбат шакли:

- 1) -ар – фақат 2 та феълга қўшилади: чиқар, қайтар.
- 2) –гиз, -киз, -қиз, ғиз, -газ, каз, -қаз:
- 3) **-дир, тир:**
- 4) **-ир** т, ч, ш товуши билан тугаган феъл ўзагига: ботир, қотир, ичир, қочир, шошир, ошир, тушир, пишир.
- 5) **-из** қ, м товуши билан тугаган баъзи феълга қўшилади: оқиз, томиз, эмиз.
- 6) **-тҒит** – унли билан тугаган икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзга қўшилади: ишлат, тугат, бошлат, ўқит, юрит, кирит.

Мажҳул нисбат. Бажарувчиси номаълум бўлган ҳаракат ёки ҳолатни

⁴ Ne'matov H., G'ulomov A., Qodirov M., Abduraimova M. Ona tili: 6- sinf uchun darslik. – T.: O'qituvchi, 2004. –B.18-20.

ифодаловчи феъл мажхул нисбат дейилади. Бу нисбат унли билан тугаган феъл асосига –(и)н, -(и)л қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади: тозаланди, такрорланди, эгарланди, таржима қилинди, ўқиб бўлинди, олинди.

Биргалик нисбат. Бирдан ортиқ бажарувчи томонидан биргаликда бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли биргалик нисбати дейилади ва -(и)ш шакли орқали ясалади: *боришди, келишди, ўқишди, теришди.*

Феъл гапда турли вазифада келади: кесим, эга, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи. Бунинг учун махсус шакл – қўшимча олади. Тилда гап бўлакларига хосланган феъл шакли вазифа шакли дейилади. Феълнинг вазифа шакли 4 та:

- 1) кесим шакли (соф феъл);
- 2) эга, тўлдирувчи шакли (ҳаракат номи);
- 3) сифатловчи - аниқловчи шакли (сифатдош);
- 4) ҳол шакли (равишдош).

Нокесимлик шакли. Феълнинг нокесимлик шакли бўлган равишдош равиш, сифатдош сифат, ҳаракат номи от вазифасини бажаради.

Равишдош. Равишдош равиш каби иш-ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини билдиради, унинг сўроғига жавоб бўлиб, синтактик вазифаси (ҳол ва баъзан кесим) ни бажаради, шу билан бирга, ҳаракат-ҳолат маъносини сақлайди. Демак, унда равишлик ва феъллик хусусияти мужассам бўлади: У иккиланиб жавоб берди. Ишнинг боши бошлангунча.

Сифатдош. Феълнинг сифатдош шакли сифат каби предмет-ҳодисанинг белгисини билдиради, шу билан бирга, ҳаракат-ҳолат маъносини сақлайди. Демак, унда сифатлик ва феъллик хусусияти мужассам бўлади: ўқиган, ўқиётган, чопадиган. Сифатдошда нисбий замон мавжуд, яъни у кесим замониға нисбатан белгиланади.

Ҳаракат номи. Ҳаракат номи отнинг хусусиятиға эга бўлиб, иш--ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслиги, ҳаракат-ҳолатнинг номи каби маънони билдиради ва отнинг шакл ясовчисини олиб, унга хос синтактик вазифани бажаради.

Қўшимчаси:

-моқ: ўқимоқ, ёзмоқ, танишмоқ;

-(и)ш: ўқиш, ёзиш, танишиш;

-(у)в: ўқув (ўқиқв), ёзув, танишув.

-р; -ар: учарга қанот, турарга жой, кўрарга кўз.

3. Равиш сўз туркуми

Маъновий хусусияти. Равиш, асосан, ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш тарзи, пайти, ўрни, даража-микдори, шунингдек, қисман предмет-ҳодисанинг ҳамда белгининг белгисини билдирувчи ва **қандай, қачон, қаерда, қанча** сингари сўроққа жавоб бўлувчи сўз: **секин юрмоқ, кеч тугамоқ, астойдил ўқимоқ, кўп китоб, ҳарбийчасига қасамёд, ҳамиша навқирон.**

Равиш 6 та луғавий маъно турига эга:

1. Ҳолат: фидойиларча, чалқанча(сига), чамбарчас, элан-қаран, яхшилиқча, бошдан-оёқ, очикчасига, оҳиста, пайдар-пай, пиёда, пинҳона, сурункасига, сидирғасига, такин, тўғридан-тўғри, тириклайин, тиккама-тикка, текинга, тўсатдан, тез, тезда, тезликда, тескарисига, узунасига, бошма-бош, бутунисича, бутунлигича, ваҳшиёна, виждонан, дабдурустдан, дарров, дарҳол, дафъатан, зўрға, зимдан, йўл-йўлакай, кўр-кўрона, нари-бери, олдинма-кейин, янгича, янгитдан, ўзидан-ўзи, ўзича, қайта, қатъиян, қийғос, аста, аранг, бадастир, беками-кўст, бажонудил, баҳузур, базўр, балодай (отдан кўчган), бамайлихотир, бамаслаҳат, баногоҳ, бараварига, баралла, басма-бас, бафуржа, баҳамжихат, баҳодирона, беаёв, бевосита, бедарак, беижозат, беихтиёр, бекитиқча, бесўроқ, бетиним, бетма-бет, бетўхтов, бехос-бехосдан, билинар-билинемас, аксинча, бира тўла, бирма-бир, бирваракай(ига), бирга(ликда), бирдан(ига), бирин-кетин, босим (ишламоқ), кўққисдан.

2. Ўрин: у ерга (-да, -дан), бу ерга (-да, -дан), шу ерга (-да, -дан), у ёққа (-да, -дан), олға, ўртага (-да, -дан), ҳеч ёққа (-да, дан), нари-бери (сурмоқ), илгарига (-да, -дан), ташқарига (-да, -дан), қуйига (-да, -дан), чапга (-да, -дан), ўнгга (-да, -дан).

3. Пайт: тонгла, уззукун, умрбод, унда-бунда, энди, эрта, эрталаб, эрта-индин, эртаю кеч, эскидан, яқинда, ўқтин-ўқтин, қадимдан, ҳали, ҳалитдан, ҳали-бери, ҳозир, ҳамиша, ҳамон, ҳануз, аввал, аҳён-аҳёнда, бугун, барвақт, баъзан, баъзида, бирпас, боя, бултур, вақтинча, гоҳида, гоҳо, даставвал, дастлаб, доим, доимо, илалабад, илгари, индинга (-да, -дан), кейин, кеча-кундуз, кечаси, кундузи, мангу, муқаддам, мудом, ора-сира, охири, онда-сонда, сўнг, сўнгра,

4. Даража-микдор: аранг, батамом, бақадриҳол, баҳолиқудрат, бағоят, бирнави, беадад, бирмунча, бутунлай, базўр, деярли, жила, жичча, жиндай, жуда (ҳам), заррача, зинҳор-базинҳор, кўп, мутлақо, мўл-кўл, роса, озми-кўпми, озмунча, сал, сал-пал, сира, талай, тегишлича, етарлича, тирноқча, хиёл, хийла, ўлгудай, қиттак.

5. Мақсад: атай, атайин, атайлаб, азда-базда, жўрттага, қасддан.

6. Сабаб: ноилож, ноиложликдан, бекордан-бекорга, чор-ночор.

Эслатма

Сифат каби равишни ҳам маъно турига ажратиш нисбий. Чунки кўчма маънода қўлланган равиш бир маъно туридан бошқасига ўтиб кетади: Ишхонамиз яқинда жойлашган — ўрин равиши. Яқинда қишлоққа бораман — пайт равиши. Парталарни нари-бери сурдик — ўрин равиши. У нари-бери дарс қилди — ҳолат равиши.

7-мавзу. Ёрдамчи сўз туркуми ва уларнинг грамматик-функционал хусусиятлари

Режа

1. Ёрдамчи сўзлар. Кўмакчи ва унинг турлари.
2. Боғловчи ва унинг турлари.
3. Юклама ҳақида маълумот.
4. Алоҳида олинган сўзлар.

1. Ёрдамчи сўзлар. Кўмакчи ва унинг турлари

От, олмош, сифатдош ва ҳаракат номидан кейин келиб, уни ҳоким сўзга боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўз кўмакчи дейилади.

Кўмакчи ўзидан олдинги мустақил сўзга восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби грамматик маъно ва муносабатни бериш учун қўлланади ва у билан битта гап бўлаги вазифасини бажаради:

- 1) восита: **Исмат бобо ҳассаси билан** (тўлдирувчи) эшикни очди.
- 2) сабаб: **Ўқиганлиги учун** (сабаб ҳоли) жавоб берди.
- 3) мақсад: **Ўқиш учун** (мақсад ҳоли) келди.
- 4) пайт: **Келгандан сўнг** (пайт ҳоли) гаплашамиз.
- 5) макон: **Том бошида** (ўрин ҳоли) тоғора.

Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчининг икки тури ажратилади:

1) соф кўмакчи: **билан, учун, сари, сайин, каби, сингари, янглиғ, қадар, довур, то, доир, оид**. Булар мустақил луғавий маъносини бутунлай йўқотган, фақат грамматик маъно ифодалайди.

2) кўмакчи вазифасидаги сўз: **томон, қараб, қарамай, қараганда, қарамасдан, бошқа, бўлак, ташқари, сабабли, туфайли, сўнг, олдин, кейин, бери, кўра, бўйича, узра, чоғи, оша, бўйлаб, ичра, бўйи, чамаси, ҳақида, тўғрисида, ҳолда, йўсинда, қарши, яраша, асосан, биноан, мувофиқ, қарата, ўзга, буён, бурун, илгари, бошлаб, бадалига, давомида, вазидан, эвазига, борасида, бобида, мисоли, тортиб; кўмакчи отлар: ост, уст, тепа,**

олд, орқа, ён, ич, ора, бош, ўрта (-и, -си эгалик ва -га, -да, -дан келишик қўшимчаси билан).

2. Боғловчи ва унинг турлари

Боғловчи – қўшма гап таркибидаги содда гап ва уюшган бўлак ўртасидаги муносабатни ифодалаш учун қўлланадиган ёрдамчи сўз.

Боғловчи қўлланишига кўра 2 турга бўлинади:

1) якка қўлланадиган боғловчи: ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, ҳолбуки, ваҳоланки, гар/агар/агарда, башарти, чунки, гарчи/гарчанд, гўё/гўёки, -ки/-ким, эса, яъни, шунинг учун;

2) такрорий қўлланадиган боғловчи: **дам-дам, баъзан-баъзан, ҳам-ҳам, бир-бир, хоҳ-хоҳ, гоҳ-гоҳ.**

Вазифа тури. Вазифасига кўра боғловчи иккига бўлинади:

1) тенг боғловчи;

2) эргаштирувчи боғловчи.

Тенг боғловчи:

1) гапнинг уюшиқ бўлагини боғлайди: Кеча сокин ва илиқ эди;

2) қўшма гап таркибидаги тенг ҳуқуқли содда гапни боғлайди: Куёш чиқди, лекин ҳаво исимади.

Тенг боғловчининг маъно тури:

1) бириктирув: ва, ҳамда, билан (кўмакчи), ҳам, -у, -ю. -да (юклама);

2) зидлов: аммо, лекин, бироқ, эса, балки, ҳолбуки, ваҳоланки, а;

3) айирув: ё, ёки, ёхуд, ёинки, ё-ё, гоҳ-гоҳ, дам-дам, баъзан-баъзан, бир-бир, хоҳ-хоҳ.

Эргаштирувчи боғловчи, асосан, қўшма гап таркибидаги эргаш гапни бош гапга боғлайди.

Эргаштирувчи боғловчининг маъно тури:

1) аниқлов: **яъни, -ки, -ким;**

2) сабаб: **чунки, шунинг учун;**

3) шарт: **агар, гар, агарда, башарти, мабодо, гарчи, гарчанд, модомики;**

4) чоғиштирув: **гўё, гўёки.**

3. Юклама ҳақида маълумот

Юклама айрим сўз ёки гапга қўшимча маъно юклаш учун қўлланадиган ёрдамчи сўзлардир.

Тузилиш тури:

1) қўшимча-юклама: -а, -я, -ми, -чи, -оқ, -ёқ, -ки, -ким, -гина, -кина, -қина, -дир, -у, -ю, -ку, -да;

2) сўз-юклама: фақат, ахир, ҳатто, ҳаттоки, на-на, худди, нақ, наҳот, наҳотки, ҳам, холос.

Маъно тури:

1) сўроқ ва таажжуб: -ми, -чи, -а, -я;

2) кучайтирув: ахир, ҳатто, ҳаттоки, -оқ, -ёқ, наҳот, наҳотки; тим, қоқ, лик, лим, ғирт, ғарқ, шилта, жиққа;

3) таъкид: -ку, -да, -ки, -ким, -у, -ю, ҳам;

4) айирув ва чегаралов: -гина, -кина, -қина, фақат, холос; ёлғиз (сифат), бир (сони);

5) аниқлов: худди, нақ;

6) гумон: -дир;

7) инкор: на.

Ёзилиш тури:

1) сўзга қўшиб ёзилади: -ми, -гина, -кина, -қина, -оқ, -ёқ, -дир, -ки, -ким;

2) чизиқча билан ёзилади: -чи, -а, -я, -ку, -да, -у, -ю;

3) сўз-юклама ажратиб ёзилади: худди мендай, фақат сен.

4. Алоҳида олинган сўзлар

Модал сўзлар. Сўзловчининг билдирган фикрига қўшимча муносабатини ифодаловчи сўз гуруҳи модал дейилади. Бу сўз сираси табиатига кўра 2 га бўлинади:

1) соф модал сўз: албатта, чамаси, афтидан, табиий, мазмуни, эҳтимол;

2) модал маъноли сўз: бор, йўқ, керак, даркор, зарур, лозим, мумкин, иборат.

Модал бошқа туркумдан ўсиб чиқиб, алоҳида бир гуруҳни ҳосил қилган.

Соф модал ифодаляйдиган маъносига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1) фикрнинг аниқлигини билдирадиган модал: дарҳақиқат, дарвоқе, ҳақиқатан, ҳақиқатдан(ҳам), рост, тўғри, тўғриси, ростдан, чиндан;

2) фикрнинг ноаниқлигини билдирувчи модал: балки, эҳтимол, чамаси, афтидан, мазмуни;

Ундов сўзлар. Кишининг ҳис-ҳаяжони, хитоб, ҳайдаш-чақириш маъносини ва расм-одат билан боғлиқ мурожаатини билдирадиган сўз ундов дейилади.

Ундов аташ, ясалиш хусусиятига эга эмас, морфологик жихатдан ўзгармас

ва гап бўлаги бўлиб келолмайди, у билан синтактик алоқага киришмайди. Отлашиб, отнинг шакл ясовчисини қабул қилиши ва синтактик вазифасини бажариши мумкин.

Ундов демок, солмоқ, тортмоқ, урмоқ каби феъл билан бирикиб қўшма феъл ҳосил қилади: оҳ демок, дод солмоқ, уф тортмоқ, оҳ урмоқ.

Маъно тури: Ундов маъносига кўра 2 гуруҳга бўлинади:

1) ҳис-ҳаяжон: ие, эҳ, о, уҳ, уф, бай-бай, ҳо, ўҳ-ҳў, эҳе, э, ҳай-ҳай, а-ҳа, э-ҳа, ҳа-я, ў, и, а, ўҳ, оббо, ия, ҳе, ие-вой, ура, во, водариф, эсиз, эвоҳ, ваҳ-ваҳ, ажабо.

2) ҳайдаш-чакириш:

а) шахсга қаратилган: ҳой, ой, ай, алло, эй, ма, цс, марш, қани, жим, тек, фишт;

б) ҳайвон-паррандага қаратилган: беҳ-беҳ, пиш-пиш, пишт, ту-ту, гаҳ, куч-куч, маҳ-маҳ, ҳўш, так, дирр, иш, хих, чу(х), кишт, ҳайт, ҳуйт.

Бундан ташқари ундовнинг яна икки кичик гуруҳи бор:

3) расм-одат: ассалому алайкум, салом, ассалом, ваалайкум ассалом, хайр, ҳўш, ҳўп, марҳамат, марҳабо, раҳмат, ташаккур, шукур, қуллук, балли, офарин, баракалла, қойил, ҳорманг, бор бўлинг, эсонмисиз, омонмисиз, узр.

4) кўрсатиш, таъкид: ҳу, ҳув, ҳа, ҳмм, ҳов.

Тақлид сўзлар. Киши, жонли ва жонсиз предмет, ҳодиса чиқарадиган товуш ва унинг турли ҳолатига тақлидни ифодаловчи сўз тақлид дейилади. Тақлид қандай сўроғига, отлашса, нима сўроғига жавоб бўлади.

Маъно тури. Тақлид маъносига кўра 2 га бўлинади:

1) товушга тақлид: ак-ак, анг-анг, ар-ар, афшу, бака-банг, бақир-букур, бағ-буғ, биқ-бияқ, бит-билдиқ, ванг-ванг, вов-вов, гангир-гунгур, гижбанг, гув (шиддатли, бўғиқ товуш), гулдур, гурс, жаз-буз, жиз-биз.

2) ҳолат-образга тақлид: атак-чечак, аланг-жаланг, биж-биж, бижир-бижир, виж-виж, вижир-вижир, гар-гар, гир-гир (айланмоқ), гув-гув, гуп, дик, дик-дик, дикир-дикир, дув-дув, жимир-жимир.

8-маъруза. Сўз бирикмаси ва гап

Режа

1. Синтаксис ҳақида умумий маълумот. Сўз бирикмаси.
2. Гап. Гап бўлаклари ва унинг турлари.
3. Гапнинг тузилишига кўра турлари.

1. Синтаксис ҳақида умумий маълумот. Сўз бирикмаси

Сўзнинг тилдаги муайян қонун-қоида асосида ўзаро бирикувидан сўз бирикмаси ва гап ҳосил бўлади. Сўз бирикмаси ва гап қурилиш ҳамда ифода мазмунига кўра фарқланади.

Синтаксисда **сўз бирикмаси** ва **гап қурилиши** масаласи ўрганилади. Синтаксис грамматиканинг таркибий қисми бўлиб, юнонча **сийнтаксис** “қуриш, тузиш” сўзидан олинган.

Сўз бирикмаси ҳақида. Мустақил сўз бирикуви 2 кўринишда бўлади:

- 1) барқарор бирикув (турғун бирикма);
- 2) нутқий бирикув (эркин бирикма).

Мустақил сўзнинг барқарор бирикуви нутқ учун аввалдан тайёр қилиб қўйилган бўлади: **садарайхон, учбурчак, сотиб олди, Қарши давлат университети**, (қўшма сўз), **калавасининг учини йўқотди** (ибора), **етти ўлчаб бир кес** (мақол). Бу бирикувнинг ҳар бирида камида иккитадан мустақил сўз бўлиб, улар ўзгармас, бузилмас қилиб боғланган. Саналган бирликлар синтактик қурилма эмас, балки луғавий бирлик бўлиб, уларни тилдан тайёр ҳолда оламиз.

Мустақил сўзнинг нутқий бирикуви нутқ жараёнида юз бериб, шу жараён пайтидагина яшайди, вақтинчалик ҳодиса эканлиги билан ажралиб туради: **олма ва анор, китобни ўқиди, Отам – ўқитувчи, менинг уйим** каби. Нутқий бирикув **эркин боғланиш** дейилади.

Эслатма

Турғун бирикув халқ томонидан, эркин бирикув эса бир киши томонидан яратилади.

Мустақил сўзнинг эркин боғланиши 2 хил бўлади:

- 1) **тенг боғланиш;**
- 2) **тобе боғланиш;**

Мустақил сўзнинг тенг боғловчи (боғловчи вазифасидаги сўз) ёки санаш оҳанги ёрдамида тенг боғланиши натижасида сўз қўшилмаси вужудга келади: **олма ва анор, қалам билан ручка ёки ўқиди, ёзди** каби. Тенг боғланишда бир сўз бошқасига тобе бўлмайди: **эркак ва аёл; эркак, аёл.**

Тенг боғланиш сўз қўшилмаси ҳамда боғланган ва боғловчисиз қўшма гап таркибида учрайди.

Синтаксис тобе боғланишга асосий эътибор қаратади.

Тобе боғланиш натижасида сўз бирикмаси (қаламда ёзди, қишлоқдан келди) ва гап (Салим – муаллим, Йил яхши бўлди) ҳосил бўлади.

Бирдан ортиқ мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тобе боғланиши сўз бирикмаси дейилади: мактабга бориш, дафтарнинг варағи каби. Сўз бирикмасида бош ва эргаш сўз бўлади. Бунда маъноси изоҳланаётган сўз бош (ҳоким) сўз, унинг маъносини равшанлаштириб келаётган, изоҳлаётган, тўлдираётган сўз эргаш (тобе) сўз ҳисобланади. Сўроқ ҳамма вақт бош сўздан берилади, сўроққа жавоб бўлган сўз эргаш(тобе) сўз ҳисобланади: Ширин олма (қандай олма?).

Эслатма

Эга ва кесим боғланиши сўз бирикмаси дейилмайди: Салим келди. Лола ўқиди.

Сўз бирикмаси маъноси билан сўзга, шакли билан ибора, синтагма ва гапга ўхшайди, аммо ўзига хос фарққа эга.

Сўз нарса, белги, шахс, иш-ҳаракатни умумий ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, **китоб** деганда умуман китобни, **борди** деганда умуман борилганликни тушунамиз. Сўз бирикмаси ҳам нарса, белги, иш-ҳаракатни ифодалайди ва бу жиҳатдан сўзга ўхшаб кетади, аммо сўз бирикмаси нарса, белги, иш-ҳаракатни бошқа нарса, белги, иш-ҳаракатдан ажратиб, аниқроқ қилиб ифодалайди: **ўқувчи – аълочи ўқувчи, ёзиш – тез ёзиш**. Демак, сўз умумий, сўз бирикмаси нисбатан аниқ тушунча беради.

Қўшма сўз ва сўз бирикмаси ўзаро қуйидагича фарқланади: қўшма сўз бир сўроққа жавоб бўлади, чунки у битта сўз, сўз бирикмаси таркибидаги ҳар бир сўз эса алоҳида-алоҳида сўроққа жавоб бўлади; **сотиб олмоқ** (нима қилмоқ?) – қўшма сўз; **жўшиб куйламоқ** (қандай куйламоқ? жўшиб нима қилмоқ?). Сўз бирикмаси – қўшма сўзнинг илк босқичи. У ўсиб қўшма сўзга айланади: **кўзнинг ойнаги – кўзойнак, сарв қоматли – сарвқомат, дунёга қараш – дунёқараш** каби.

Гап фикр билдириб, тугалланган оҳанг билан айтилади: **Кўча катта**. Сўз бирикмаси эса тушунча билдириб, тугалланмаган оҳанг билан айтилади: **катта кўча**. Гап битта сўздан ҳам иборат бўлиши мумкин ва у кесимлик қўшимчаси билан шаклланган бўлади, сўз бирикмаси эса ҳар доим камида иккита мустақил сўздан иборат бўлади: **Баҳор**. (гап), **Атроф ям-яшил либосга бурканган**.

Эргаш ва бош сўз қуйидаги усул ёрдамида бирикади:

- а) бошқарув;
- б) мослашув;
- д) битишув.

Эргаш ва бош сўзнинг тушум-жўналиш-ўрин-пайт-чиқиш келишиги ва кўмакчи ёрдамида боғланиши **бошқарув** дейилади. Демак, бошқарувда эргаш сўз билан бош сўзнинг бирикиши икки хил:

1) келишликли бошқарув: илғорларни табриклаш, уйга кетиш, шаҳарда яшаш, қишлоқдан келиш;

кўмакчили бошқарув: Сайр ҳақида суҳбат, пахта учун кураш, саёҳат тўғрисида гапириш.

Бош ва эргаш сўзнинг қаратқич келишиги ва эгалик қўшимчаси ёрдамида боғланиши **мослашув** дейилади. Бунда қаратқич келишиги қўшимчаси эргаш сўзни бош сўзга, эгалик қўшимчаси бош сўзни эргаш сўзга боғлайди: **укамнинг китоби**. Бундай бирикма аъзолари шахс ва сонда мослашади. Эга ва кесим ҳам мослашув усули ёрдамида боғланади: **Мен кетдим**. Лекин у гап бўлганлиги учун сўз бирикмаси доирасида ўрганилмайди.

Эргаш сўзнинг бош сўз билан грамматик воситасиз, фақат маъно жиҳатдан ёки сўз тартиби ёрдамида бирикиши **битишув** дейилади. Битишувда доимо эргаш сўз аввал, бош сўз кейин келади: тиниқ сув, катта кўча. Уларнинг ўрни ўзгартирилса, гап ҳосил бўлади: Сув тиниқ. Кўча катта.

2. Гап. Гап бўлаклари ва уларнинг турлари

Тил бирлиги бўлган гап грамматик жиҳатдан шаклланган ҳолда тугалланган оҳанг орқали нисбий тугал фикр ифодалайди: Пахта терими қизғин давом этапти. Олтин куз қандай гўзал!

Гап кесимга эга бўлиб, бир мустақил сўздан ёки бирдан ортиқ мустақил сўзнинг кўмакчи ва келишлик ёрдамида боғланишидан ҳосил бўлади. Масалан, *Хатни қалам билан ёзди* гапида –*ни, билан, -ди* боғловчи восита ҳисобланади. Бу – гап таркибининг грамматик жиҳатдан шаклланганлиги.

Гап оҳанг жиҳатдан тугалланган бўлиши лозим: Куз. Ҳамма ёқда иш қайнапти. Бу гапдаги куз сўзи тугалланган оҳанг билан айтилгани учун гап ҳисобланади

Демак, гап:

- 1) муомаланинг энг кичик бирлиги;
- 2) нисбий тугалланган фикрни ифодалайди;
- 3) грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади;
- 4) тугалланган оҳанг билан айтилади.

Кўринадик, тугалланган оҳанг ва фикрга эга бўлиб, грамматик жиҳатдан шаклланган, муомаланинг энг кичик воситаси ҳисобланган якка сўз ёки сўз бирикуви **гап** деб аталади.

Гап ифода мақсадига кўра уч турга эга: **дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап.**

Дарак гап орқали бирор нарса ҳақида хабар берилади, унинг охирига нуқта қўйилади: **Навоий рубойларидан ёдладим.**

Дарак гапдаги хабар кенг маъноли бўлиб, дарак-хабар, орзу-умид, ишонч, таъкид, ғурур, маслаҳат, ташвиқ, севинч, таажжуб, гумон, ачиниш, ташвиш, ғазаб, норозилик, киноя кабини ифодалайди.

Сўроқ гап орқали сўзловчи ўзи суҳбатдошидан янги маълумот олишга уринади: **Бугун келдингизми?** Ёзувда сўроқ гапнинг охирига сўроқ белгиси қўйилади. Бу гаплар кўпроқ диалогик нутқда учрайди.

Сўроқ гап сўроқ олмоши (**ким? нима? қандай? қанча? неча? қайси?** – бундай гап сўроққа жавоб бўлувчи сўзни талаб қилади), сўроқ юкламаси (**-ми, -чи, -а, -я**) ёки сўроқ оҳанги билан ҳосил бўлади. Бу хил гап **ҳа** ёки **йўқ** деган жавобни талаб қилади. Қуйидаги мисолда сўроқ оҳанги сўроқ воситаси сифатида қатнашган: **Соат икки бўлди. Икки бўлди?**

Сўроқ гап иккига бўлинади:

1) соф сўроқ гап жавоб талаб қилади: **Сиз эртага келасизми?**

2) риторик сўроқ гап жавоб талаб қилмайди, жавоби ўзида яширинган ва барча учун маълум бўлади: **Мен унинг тўсатдан келиб қолишини қайдан билай?**

Буйруқ гапда суҳбатдошни нимадир қилишга ундаш мақсад қилиб қўйилади. Бундай гапда илтимос, буйруқ, таклиф, маслаҳат, ҳайратланиш, ташвиқ, гумон, ташвиш, ҳаяжон, ғазаб, ялиниш тарзида бўлиши мумкин: **Аввал ўйла, кейин сўйла** (маслаҳат). **Дадил ҳаракат қил!** (буйруқ) **Ашуладан яна бўлсин** (илтимос). **Қани ҳамма одам сиздай бўлса!** (орзу) **Наҳотки, бу сиз бўлсангиз!** (ҳайратланиш) **Совқотиб қолма, иссиқроқ ёт** (ғамхўрлик). **Куннинг тиғида нима қиласан, бу ерга келиб, салқинда ўтирсанг-чи!** (ташвиқ). **Қўрққан бўлса керак!** (гумон) **Хатдан ўчир ўғлимни ҳозир!** (ғазаб, дўк)

Ёзувда буйруқ гапнинг охирига кўпинча ундов белгиси, оҳангига қараб эса нуқта ҳам қўйилиши мумкин.

Гапнинг ҳис-ҳаяжон ифодалашига кўра тури. Гап оҳангига, ҳистуйғуни ифодалашига кўра 2 хилдир:

1) ҳис-ҳаяжонли гап;

2) ҳис-ҳаяжонсиз гап.

Ҳис-ҳаяжон гап **эх, оҳ, ух, о, уф, оббо** каби ундов, **қандай, қанча,**

нақадар, шундай каби сўз ёки фақат ҳис-ҳаяжон оҳанги билан ҳосил бўлади: **Эҳ, баҳорнинг гаштига нима етсин! Фарғона водийси нақадар гўзал! Пахта терими бошланди!** Ҳис-ҳаяжон оҳанги билан айтилган дарак, сўроқ, буйруқ гап ҳис-ҳаяжонли дарак, сўроқ, буйруқ гапга айланади: **Далада қанча одам бор? Далада қанча одам бор!**

Содда гапнинг таркибий қисми гап бўлаги дейилади. Гап бўлагини ажратишда асосий белги – улар орасидаги синтактик алоқа. Гапдаги сўзга сўроқ бериш, унинг қайси туркумга мансублиги, гап ичида жойлашиш тартиби, қандай қўшимча олиши том маънода гап бўлаги турини белгилашда асос бўла олмайди.

Гап бўлаги унинг кесимини аниқлашдан бошланади. Чунки асосий хабар кесимда мужассамланган бўлади. Гапдаги бошқа барча бўлак олиб ташланса ҳам, мазкур хабар сақланган бўлади. Лекин биргина кесимни олиб ташлаб, бошқа бўлак сақланса ҳам, бу хабар йўқолади.

Кесим орқали эга ва ҳол, улар орқали эса тўлдирувчи ва аниқловчи аниқланади. Гап бўлагининг тури одатда бир-бирига нисбатан аниқланади: ҳол ва эга кесимга нисбатан, аниқловчи аниқланмишга нисбатан, тўлдирувчи тўлдирилмишга нисбатан. Умуман олганда, қолган барча бўлак бевосита ёки билвосита кесимга боғланади. Шунинг учун у **гапнинг грамматик маркази** дейилади.

Эга ва ҳол кесимга боғланади. Лекин аниқловчи билан тўлдирувчи ҳар қандай бўлакка боғланиши мумкин.

Гап бўлаги даражасига кўра икки хил:

1) бош бўлак;

2) иккинчи даражали бўлак.

Бош бўлак. Айтилганидек, кесим – бош бўлак. Бошқа бўлак эга ва кесимга тобеланади. Эга ўз навбатида кесимга тобе. Кесим эса гапнинг марказий бўлаги.

Кесим. Кесим – тасдиқ-инкор, майл, замон шахс-сон маъноси ва шаклига эга бўлган, гапнинг эгаси ҳақидаги хабарни ифодаловчи бўлак. Нутқда кесимсиз гап бўлиши мумкин эмас. Гапда кесим бўлмаса, у ўзбек тили учун тўлиқсиз гап ҳисобланади. Кесим қайси туркум сўзи билан ифодаланса, шу туркум сўроғига жавоб бўлади.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаги бош бўлакка тобе бўлиб, уни тўлдириб, аниқлаб, изоҳлаб келади. Иккинчи даражали бўлак 3 хил: тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол.

Тўлдирувчи. Келишик ва кўмакчи билан шаклланган **ким?** ёки **нима?** сўроғига жавоб бўлувчи ва гапда феъл билан ифодаланувчи бўлакка бошқарув

йўли билан боғланадиган иккинчи даражали бўлак **тўлдирувчи** дейилади:
1.Мен бу гапни укамдан эшитдим. 2. Сени эслайман. Демак, тўлдирувчи:

Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки бир нарс-буюмнинг бошқасига қарашли эканлигини билдирган бўлак аниқловчи дейилади. Аниқловчи гапда ҳар доим отга ёки отлашган ҳар қандай бўлакка боғланади: **1. Майда қор ёғяпти. 2. Қовуннинг оғири, тарвузнинг енгили ширин бўлади. 3. Оппоқ машина кенг кўчада навбатдаги чоррахани кесиб ўтмоқда эди. 4. Тошкент жуда чиройли шаҳар.**

Аниқловчи уч хил:

- 1) сифатловчи-аниқловчи;**
- 2) қаратувчи аниқловчи;**
- 3) излохловчи.**

Ҳол. Кўпинча феъл-кесимга боғланиб, унинг белгисини билдирган бўлак ҳол дейилади: **Минбарга нотиклар бирин-кетин чиқа бошладилар.**

Эслатма

Ҳол баъзан феълдан бошқа туркумга ҳам боғланади: Кўчада одам кўп.

Ҳолнинг маъно тури:

1) вазият (равиш, тарз) ҳоли қандай, қай ҳолда, қай тарзда каби сўроққа жавоб бўлади ва ҳар доим феълга боғланади. Равишдош билан ифодаланган вазият ҳоли ўзига тобе бўлган бўлак билан сўз бирикмасини ҳосил қилиши мумкин: **Эшикни секин очиб, ичкарига қаради.** Бу ёйиқ вазият ҳоли дейилади.

2) ўрин ҳоли қаерга, қаерда, қаёққа, қаердан каби сўроққа жавоб бўлади ва кўпинча ўрин равиши, от, олмош билан ифодаланади: **1.Болалар кўчага чиқиб кетишди. 2. У орқадан қочди. 3. Бунда булбул китоб ўқийди.**

3) пайт ҳоли қачон, қачонгача, қачондан бери, қай вақт каби сўроққа жавоб бўлади ва кўпинча от, пайт равиши, олмош, пайт равишдоши, сифатдош, ҳаракат номи, сон, сифат билан ифодаланади: **1.Имтиҳонлар ёзда бўлади. 2.Бугун мактабим ёнидан ўтдим.**

4) миқдор ҳоли қанча, қанчалаб, нечалаб, неча марта каби сўроққа жавоб бўлади ва кўпинча миқдор-даража равиши, сон, сифат ва миқдор-даража маъносини билдирган сўз бирикмаси билан ифодаланади: **1.Мен жуда кўп қайғурдим. 2.Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал.**

5) сабаб ҳоли нима сабабдан, нима сабабли, нима учун, нимага, нега каби сўроққа жавоб бўлади. **Салима опа қувонганидан ҳеч гапира олмас эди.**

6) мақсад ҳоли нима мақсадда, нима учун, нима қилгани, нима қилгали, нега сўроғига жавоб бўлади. **У ўқиш учун келди. Гулнор опа бафуржа**

гаплашиш мақсадида келди.

7) шарт ҳоли нима қилса (м , -нг, -к , -нгиз) сўроғига жавоб бўлади ва бир ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт бўлган бошқа иш-ҳаракатни билдиради: **Эксанг, ўрасан.**

8) тўсиқсизлик ҳоли нима қилса (-м, -нг, -к , -нгиз) ҳам, -да? сўроғига жавоб бўлиб, бир иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун тўсиқ бўла олмайдиган иш-ҳаракатни билдиради ва шарт феъли, ҳам (-да), равишдош, сифатдош, билан кўмакчиси, қарамай, қарамасдан сўзи қатнашган қурилма орқали ифодаланади: **Чақирилмаса ҳам, қатнашди. Кичик бўлгани билан анча оғир эди. Шошганига қарамай кутиб турди.**

3. Гапнинг тузилишига кўра турлари

Эга ва кесим биргаликда, бир бош бўлакли гапда кесимнинг ўзи гапнинг грамматик асосини ташкил этади. Гап тузилиши, яъни грамматик асос микдорига кўра иккига бўлинади:

а) содда гап;

б) қўшма гап.

Содда гап. Содда гапда битта кесим, яъни битта грамматик марказ мавжуд бўлади: **1.Дарс бошланди. 2.Ёмғир ёғмади. 3.Баҳор келди.** Баъзан содда гап эгасиз бўлиб, бошқа бўлақлар кесимга бирлашади: **Бугун Москвадан укам билан учиб келдим.**

Қўшма гап. Қўшма гапда икки ва ундан ортиқ кесим, яъни камида иккита грамматик марказ мавжуд бўлади: **Қўнғирок чалинди ва дарс бошланди.** Қўшма гап фақат кесимдан иборат бўлиши ҳам мумкин: **Қарасам, қарамайсан.**

Айрим гап тури орасидаги маънодошлик:

Айни бир фикр гапнинг ҳар хил тури билан ифодаланади:

а) содда гап – қўшма гап: Ҳар ким экканини ўради. – Ким нимани экса, шуни ўради.

б) йиғиқ гап – ёйиқ гап: Ҳамма келди. – Собиржон, Ҳалимахон, Саида, Сожида ва бошқалар келди.

Гапнинг бош бўлақлар таркибига кўра тури. Гапда бош бўлақлар таркиби тўлиқ (эга ҳам, кесим ҳам мавжуд бўлиши) ёки тўлиқ бўлмаслиги (эгаси туширилган бўлиши) мумкин. Шунга кўра гап иккига бўлинади:

1) бир бош бўлакли гап. Унинг грамматик асоси бир бош бўлақдан иборат бўлади: **Ота-оналарга ёрдам бердик;**

2) икки бош бўлакли гап. Унинг грамматик асосида эга ҳам, кесим ҳам қатнашади: **Биз мактабга бордик.**

Гап ёйиқ-йиғиқлигига кўра иккига бўлинади:

а) **йиғиқ гап;**

б) **ёйиқ гап;**

Йиғиқ гап фақат кесимдан иборат бўлади: **Келдим. Ўқитувчиман.** Атов ва сўз гап ҳам йиғиқ гапдир: **Қиш. Раҳмат.** Ёйиқ гапда бошқа бўлақлар ҳам қатнашади.

Гапнинг зарур бўлаги мавжуд-мавжуд эмаслигига кўра тури. Гап зарур бўлагининг барчаси қатнашаётганлиги ёки қатнашмаётганлигига кўра иккига бўлинади:

а) **тўлиқ гап;**

б) **тўлиқсиз гап.**

Ундалма. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс, нарс, мавжудотни билдирган сўз **ундалма** дейилади. Ундалма, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади: **Кел, эй, дилбар, ки бўстон вақти бўлди.** Шеърый асарда шоир баъзан ўзига, яъни сўзловчига ҳам мурожаат қилиши мумкин: **Назм туз, Эркин, ахир, эркин замондур бу замон.** Ундалма бошқа гап бўлаги билан фақат мазмунан боғланган бўлади.

Ундалма кўпинча бош келишиқдаги от билан ифодаланганлиги учун эгага ўхшаб кетади, чунки у иштирок этган гапда кўпинча эга туширилади. Бироқ эга кесим билан шахс ва сон (бирлик ва кўплик)да боғланган бўлади, ундалма эса боғланмайди: **Каримжон** (эга, 3-шахс, бирлик) **эртага келадими** (кесим, 3-шахс бирлик)? **Каримжон** (ундалма, 3-шахс, бирликда), **эртага келасизми** (2-шахс, кўпликда)?

Айрим ҳолда, айниқса, шеърый асарда ҳайвон, қуш, жонсиз нарсанинг номини билдирган сўз ҳам ундалма бўлади: **Қуёш, нулинг тўка бер мўл-кўл! Баҳор, кетма бизнинг боғлардан!** Бир сўз билан ифодаланган ундалма **йиғиқ ундалма** (Бугун менга бир қарашиб юбормайсанми, **Отабек**), сўз бирикмаси билан ифодаланган ундалма **ёйиқ ундалма** (**Эй, уста Парфи, келинг, бормисиз?**) дейилади. Ундашни кучли ифодалаш учун ундалмадан олдин **э, эй, ҳой, оббо** каби ундов ҳам қўлланади, кейин вергул қўйилади.

9-мавзу. Қўшма гап турлари. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар

Режа

1. Қўшма гап ва унинг турлари.
2. Эргаш гапли қўшма гаплар.
3. Боғловчисиз қўшма гаплар.
4. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар.

1. Қўшма гап ва унинг турлари

Бирдан ортиқ содда гапнинг мазмун, грамматик ва оҳанг жиҳатидан бирикувидан тузилган гап **қўшма гап** дейилади: **Эшик секин очилдию** (биринчи содда гап), **Қаландаровнинг юзи кўринди** (иккинчи содда гап).

Содда гап таркибида бир грамматик марказ (кесим бирлиги) иштирок этса, қўшма гап таркибида у бирдан ортиқ қатнашади. Буни уюшган кесимли содда гапдан фарқлаш керак: **Ёмғир ёғиб, ерларни лой қилди**. Бу гапда кесим уюшган, уюшган бўлак битта бўлак саналади.

Қўшма гап таркибидаги содда гап ўзаро боғловчи, юклама, кўмакчи ва феъл шакли ҳамда оҳанг орқали боғланади. Шунга кўра, қўшма гапнинг 3 тури фарқланади:

- 1) боғланган қўшма гап;
- 2) эргаш гапли қўшма гап;
- 3) боғловчисиз қўшма гап.

Айрим дарсликда қўшма гап боғловчи воситасига кўра 5 гуруҳга бўлинади:

- 1) қисмлари тенг боғловчи воситасида боғланган қўшма гап;
- 2) қисмлари эргаштирувчи боғловчи воситасида боғланган қўшма гап;
- 1) қисмлари боғловчи-юклама воситасида боғланган қўшма гап;
- 2) қисмлар феъл шакллари воситасида боғланган қўшма гап;
- 4) қисмлари нисбий сўз воситасида боғланган қўшма гап;
- 5) қисмлари фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гап.

Қуйида қўшма гапнинг анъанавий таснифини берамиз.

Боғланган қўшма гап. Содда гапнинг ўзаро тенг боғловчи ёрдамида боғланишидан тузилган қўшма гап **боғланган қўшма гап** дейилади: **Кечаси қалин қор ёғди, лекин ҳаво совимади**.

Таркибидаги содда гапнинг ўзаро мазмун муносабатига кўра боғланган қўшма гап қуйидаги турга бўлинади:

- 1) бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап;
- 2) зидлов муносабатли боғланган қўшма гап;

3) айирув муносабатли боғланган қўшма гап;

4) инкор муносабатли боғланган қўшма гап.

Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап. Бундай боғланган қўшма гап таркибидаги содда гап ўзаро **ва, ҳамда** боғловчиси, **ҳам, -у(-ю), -да** юкламаси ёрдамида боғланади ва бир пайтда ёки кетма-кет рўй берган воқеа-ҳодисани ифодалайди: **1.Машғулот тугади ва ҳамма ўз уйига тарқалди. 2. Баҳор келди ва ўз сепини ёя бошлади. 3.Қаттиқ изғирин кўтарилди-да, ҳеч кимни уйдан чиқармай қўйди. 4. Одам қўли тегди-ю, ташландик ерларни обод қилди.** Гапни юклама боғласа, ундан кейин вергул қўйилади.

Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап. Бундай гап таркибидаги содда гап ўзаро **аммо, лекин, бироқ** боғловчиси, **-у(-ю)** юкламаси ёрдамида боғланади: **Юртимнинг бу куни чиройли, лекин эртаси, индини яна чиройлироқ, бахтлироқ бўлади. Ҳаво очилдию, ҳарорат сезилмади.**

Баъзан зидлик мазмунини кучайтириш учун зидлов боғловчиси ва -у(-ю) юкламаси бирга ишлатилади: **Кечаси қор ёғдию, лекин кундузи дарров тўхтади.** Бундай қўшма гапда зидлов боғловчисидан олдин, юкламадан эса кейин вергул қўйилади.

Айирув муносабатли боғланган қўшма гап. Бундай гапдаги содда гап ўзаро **гоҳ...гоҳ, ё...ё, ёки...ёки, баъзан...-баъзан..., дам.,дам, ёхуд...ёхуд** айирув боғловчиси ёрдамида боғланади. Айирув боғловчили боғланган қўшма гап воқеа-ҳодисанинг галма-гал бўлишини ёки ундан бири бўлишини ифодалайди: **Гоҳ осмонни тутиб ашула янграр, гоҳ аллақадан гармон товуши эшитилиб қолар эди.** Айирув боғловчиси, одатда, гапнинг бошида келади. Такрорланиб қўлланган айирув боғловчисининг кейингисидан олдин вергул қўйилади, бундай боғловчи якка қўлланса, тиниш белгиси ишлатилмайди.

Инкор муносабатли боғланган қўшма гап. Бундай гап қисми ўзаро такрор қўлланган на инкор юкламаси орқали боғланади ва гап орасига вергул қўйилади: **На сув бор, на бирон емиш қолибди.** Инкор боғловчиси ҳам, одатда, содда гапнинг бошида келади.

2.Эргаш гапли қўшма гаплар

Бирдан ортиқ содда гапнинг мазмун жиҳатдан тобе-ҳоким муносабати асосида, яъни бирининг бошқасига эргашшидан тузилган қўшма гап **эргаш гапли қўшма гап** дейилади: **Илдиз озик берса, новда кўкарар.** Эргашган қўшма гапда **бош гап** ва **эргаш гап** бўлади. Берилган гапда биринчи гап – эргаш гап, иккинчи гап – бош гап.

Бош ва эргаш гап. Бошқа гапни ўзига тобе қилиб келган гап **бош гап**

ҳисобланади. Бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келган гап **эргаш гап** дейилади: **Таътил бошланса, биз шахмат мусобақасини ўтказамиз.** Бу гапнинг **Таътил бошланса** қисми эргаш гап, **Биз шахмат мусобақасини ўтказамиз** қисми эса бош гап. Эргаш гап бош гапни бутунича ёки унинг бирор бўлагани изоҳлайди: **Раис кўриндики, ҳамма тинчланади** гапида эргаш гап бош гапни бутунича изоҳлаяпти. **Сиз шуни унутмангки, курашчилар ёлғиз эмас** гапида эса эргаш гап бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган **тўлдирувчини (шуни)** изоҳлаяпти.

Эргаш гап гап бўлагига ўхшайди. Унинг қуйидаги тури мавжуд:

- 1) эга эргаш гап;**
- 2) кесим эргаш гап;**
- 3) тўлдирувчи эргаш гап;**
- 4) аниқловчи эргаш гап;**
- 5) ҳол эргаш гап:**
 - а) пайт эргаш гап;
 - б) ўрин эргаш гап;
 - д) сабаб эргаш гап;
 - е) мақсад эргаш гап;
 - г) шарт эргаш гап;
 - х) тўсиқсиз эргаш гап;
 - и) ўхшатиш эргаш гап;
 - ж) натижа эргаш гап;

Эътибор қилинса, 9 та ҳол эргаш гапнинг тури иккинчи даражали бўлак бўлган ҳолнинг маъно турини эслатади. Аслида аниқловчи эргаш гап ҳам сифатловчи-аниқловчи эргаш гап, қаратқич-аниқловчи эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап воситали тўлдирувчи эргаш гап, воситасиз тўлдирувчи эргаш гап каби турга бўлиниши керак эди. Лекин ўзбек тилшунослигида бундай бўлиниш анъана эмас.

1) эга эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган **эгани** изоҳлайди. У бош гап билан бирга эга эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади. Эга эргаш гап - **ки** боғловчиси ва феълнинг шарт майли қўшимчаси **-са** ҳамда сўроқ ва кўрсатиш олмоши (**кимки – у, кимки – ўша, кимки – ўзи, нима – ўша, нимаики – ҳаммаси**) ёрдамида боғланади: **Кимки ёмонлар суҳбатидан қочса, у яхшилар суҳбатига эришади.** Баъзан бош гап таркибидаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган эга туширилиши мумкин: **Сизга аёнки, сиз ўз оилангиздасиз.** Бу гапда **шу** (эга) туширилган.

Чизмаси:

Бош гап	Эргаш гап
Шунисики,	
..... ки,	

Эргаш гап	Бош гап
Кимса,	у
Ким са,	ўзи
Кимки-са,	у
Кимда-ким ...са,	у
Нимаики ... са,	ўша..... .
Нимаса,	ўша..... .

2) кесим эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесимни изоҳлаб, у бош гап билан бирга кесим эргаш гапли қўшма гапни ҳосил қилади: **Уч оғайни ботирларнинг энг яхши фазилати шуки, улар халқдан ажралиб қолишни истамайди.** Кесим эргаш гап бош гапга **-ки** боғловчиси, ўрин-пайт ва бош келишигидаги **шу, кимсан** олмоши ёрдамида боғланади. Баъзан бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесим туширилади: **Яхшиси, сен дарсингни тайёрла.**

Чизмаси:

Бош гап	Эргаш гап
..... шуки,	
..... шу ердаки,	
.....шундаки,	
..... шундайки,	

3) тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчини изоҳлайди. Тўлдирувчи эргаш гап бош гап билан биргаликда тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапни ташкил этади. Тўлдирувчи эргаш гап, одатда, бош гапга **-ки** боғловчиси, **-са** шарт майли қўшимчаси ёрдамида боғланади. **Шуни билингки, ҳар бир янгилик беҳосият бўлмайди. Кимда гумонинг бўлса, уни кўздан қочирма.** Бош гап таркибида **шуни, шунга, шундан** каби тўлдирувчи қатнашади. Баъзан бу тўлдирувчи туширилиши мумкин: **Илтимос қиламанки, олдин раис сўзласин.** Бу гапда **шуни** тўлдирувчиси туширилган.

Чизмаси:

Бош гап	Эргаш гап
Шуни..... –ки,	
Шундан,..... -ки,	

Шунга.....-ки,	
.....-ки,	
Бунга..... -ки,	

Эргаш гап	Бош гап
Нима (ни)..... -са,	шунга
Кимда..... -са,	уни..... .
Нима билан.... -са,	ўшани.. .

4) аниқловчи эргаш гап бош гапда аниқловчи бўлиб келган олмош ва айрим сифатни изоҳлайди. Аниқловчи эргаш гап бош гап билан биргаликда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап деб юритилади. Аниқловчи эргаш гап бош гапга -ки боғловчиси билан (бунда бош гап таркибида кўпинча аниқловчи бўлиб келган шундай, айрим, баъзи сўзи қатнашади) ёки -са шарт майли қўшимчаси билан (бунда эргаш гап таркибида қандай, қайси, кимнинг каби олмош, бош гап таркибида эса шу, шундай, ўша, унинг, баъзи, бир хил, айрим, бир, бир қанча каби олмош бўлади) боғланади: 1. Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи гавҳардир. 2. Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри. Баъзан бош гапдаги олмош билан ифодаланган аниқловчи туширилиши мумкин: (Шундай) Одам борки, ҳайвон ундан яхшироқ.

Чизмаси:

Бош гап	Эргаш гап
Шундай..... -ки,	
.....шундай..... -ки,	
.....шундай..... -ни..., -ки,	ундай.....
.... шундай (аниқл.)..... -ки,	
.... шундай (ҳол)..... -ки,	

Эргаш гап	Бош гап
.... қайси..... -са,	ўша.....

5) пайт эргаш гап - бош гапдаги иш-ҳаракатнинг пайтини билдирган эргаш гап. Пайт эргаш гап бош гап билан пайт эргаш гапли қўшма гапни ташкил этади: 1.Собиржон приёмникни энди қўйган эди, эшик тақиллаб қолди. Қушлар тўп-тўп бўлиб учса, ҳаво очиқ бўлади.

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
..... -ган эди,	
..... -ганича йўқ эди,	

..... -ар экан,	
..... -са,	

6) **ўрин эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирган эргаш гапдир. У бош гап билан биргаликда **ўрин эргаш гапли** қўшма гап дейилади: **Қаерда интизом кучли бўлса, шу ерда тартиб бўлади.** Боғловчи воситаси: **-са (қаердан, қайга, қаерга, қаерда, шу ерда, ўша ерда, шунда, шу ерга, шу ердан, у ерда) -манг, -масин, экан: Қаерда сув бўлса, ўша ерда ҳаёт бўлади.**

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
.....қаерга .. -са,	ўша ерга.....
.....қаерда ...-са,	ўша ерда,.....
.....қайга.....-са,	ўша ерда,
.....-манг,	у ерда
.....-масин,	ўша ерда.....
.....қаерда ...,	шу ерда.....

7) **сабаб эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини билдиради. У бош гап билан бирга сабаб эргаш гапли қўшма гап деб номланади: **Қайрилишлар тобора кўпайиб, машинанинг тезлиги сусая бошлади.** Бу уйлар илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ эди.

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
.....,	шунинг учун.....
.....шекилли,	
.....-ган бўлса керак,	
.....-ми,	

Бош гап	Эргаш гап
.....,	чунки
..... ,	негаки
.....,	сабабки
.....шунинг учун.....-ки,	
.....-ки,	

8) **мақсад эргаш гап** бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг нима мақсадда юзага келишини билдиради. У бош гап билан бирга мақсад эргаш гапли қўшма гап деб номланади. Боғловчи воситаси: **деб, -син деб, -ди деб, -ар деб, -са деб, -ми экан (деб, дея, учун), токи: 1.Одамлар яхши яшасин деб, тинчликка имзо чекдик. 2. Ғўза мириқиб ичсин учун, сув текис оқизилди.**

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
.....деб,	
.....-син деб,	
.....-ди деб,	
.....-ар деб,	
.....-са деб,	
.....-ми экан деб,	
.....-дея,	

Бош гап	Эргаш гап
.....,	ТОКИ.....
.....,	-син деб.

Эслатма:

деб ярим боғловчиси буйруқ ва шарт майли, келаси замон феълидан кейин келса, мақсад маъносини, ўтган замон феълларидан кейин келса, сабаб маъносини билдиради.

9) шарт эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради. У бош гап билан бирга **шарт эргаш гапли қўшма** гап дейилади. Боғловчи воситалар: **-са, -са эди, агар, мабодо, бордию, -ганда(эди), -р(-ар) экан, -ган экан, -ми, бўлмаса, йўқса, -май, бўлай десанг, -синки**. Мисол: Агар сув бўлса, чўлу саҳролар бўстонга айланади.

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
(Агар).....-са,	
(Агар).....-са эди,	
(Агар).....-ганда,	
(Агар).....-ганда эди,	
(Борди-ю).....-р(-ар) экан,	
(Мабодо).....-ган экан,	
(Агар).....-моқчи экан,	
.....-ми,	
.....,	бўлмаса.....
.....,	йўқса.....
.....бўлай десанг,	

Бош гап	Эргаш гап
.....-синки,	

10) тўсиқсиз эргаш гап бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, унда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг юзага келишига тўсиқ бўла олмайдиган фикрни англатади. У бош гап билан бирга тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап дейилади. Боғловчи воситаси: **-са ҳам(ки), қанча, қанчалик, нақадар, гарчи, гарчанд, -ганда ҳам, -са -да, -ганда -да, -гани билан, -масин, қарамай, қарамасдан, -и(иб), -гани ҳолда, -ди ҳамки, хоҳ...хоҳ (-са -маса), -са.** Мисол: **Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали сўнмаган эди.** Баъзан **гарчи** сўзи қўлланиши мумкин.

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
Қанча-са ҳам,	
Қанча-са ҳамки,	
.....-са-да,	
..... -гани билан,	
..... -қарамай,	
..... -масин,	
.....қарамасдан,	
.....-гани ҳолда,	
..... ҳамки,	
..... -са...-маса,	
..... -са... -дики,	
..... -са,	

11) миқдор-даража эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш миқдор-даражасини билдиради. Бу гап бош гап билан бирга миқдор-даража эргаш гапли қўшма гап деб юритилади: **У қанча қизишса, мен шунча совуққон тус олардим.**

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
.... қанча -са,	шунча
. ...қанчалик...-са,	..шунчалик.. .
...қанча -са,	...шунчалик
....қанчалик..-ган сайин,	..шунчалик

12) ўхшатиш эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ўхшатиш йўли билан билдиради. У бош гап билан бирга ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап деб номланади: **Чирилдоқларнинг майин**

муסיқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди.

Чизмаси:

Эргаш гап	Бош гап
....қандай....-са,	шундай

Бош гап	Эргаш гап
.....-ки,	гўё
..... -ки,	худди

13) натижа эргаш гап бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини билдиради. У бош гап билан бирга натижа эргаш гапли қўшма гап дейилади. Натижа эргаш гап бош гапга **-ки** боғловчиси ёрдамида боғланади. Бош гап таркибида **шундай, шу қадар, шунчалик, шу даражада, шунча,** чунон каби сўз, эргаш гап таркибида эса **натижада, оқибатда, ҳатто** каби сўзлар қўлланиши мумкин: **Дўл бир зумда шундай ёғдики, ер оппоқ бўлиб кетди. Азимбой шундай зулм ўтказдики, оқибатда халқнинг сабр-косаси тўлди.**

Чизмаси:

Бош гап	Эргаш гап
....шундай -ки,	натижада
...шу қадар....-ки,	оқибатда... .
....шунчалик -ки,	
. ...шу даражада -ки,	
. ...шунча -ки,	
. ...чунон -ки,	

3. Боғловчисиз қўшма гаплар

Содда гапнинг боғловчи воситасиз, оҳанг ёрдамида бирикишидан тузилган қўшма гап **боғловчисиз қўшма гап** дейилади: **Кеч кирди, теvarак-атрофга қоронғилик туша бошлади.** Бу қўшма гапдаги содда гап ўзаро фақат оҳанг ёрдамида боғланган.

Боғловчисиз қўшма гапнинг қуйидаги тури мавжуд:

1) боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап: **Тиғ яраси тузалади, тил яраси тузалмайди.** Бундай гапни боғловчи қўйиб, боғловчисиз гапга айлантириш мумкин: **Тиғ яраси битар, лекин тил яраси тузалмайди;**

2) эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап: **Қор ёғди – дон ёғди.** Бундай гапни эргашган қўшма гапга айлантириш мумкин:

Қор ёғди, гўёки дон ёғди (ўхшатиш);

3) боғланган қўшма гапга ҳам, эргаш гапли қўшма гапга ҳам синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гап: **Хушхабар олиб келдим: гарнизон янчилди.** Бундай гапни боғловчи восита ёрдамида бошқа тур эргаш гапга айлантириб бўлмайди.

Боғловчисиз қўшма гапда тиниш белгиси. Боғловчисиз қўшма гапда оҳанг муҳим рол ўнайди. Шунинг учун тиниш белгисининг аҳамияти катта:

1) агар боғловчисиз қўшма гап қисми бир пайтда ёки кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисани ифодаласа, вергул қўйилади: **Арава ғижирлаб борар, аравакаш эса хиргойисини бир зум ҳам тўхтатмас эди;**

2) агар боғловчисиз қўшма гап қисми мазмунан бир-биридан анча узоқ бўлса, нуқтали вергул қўйилади: **Ёмғир челақдан қуйгандай шариллаб ёғарди; унинг хаёли узоқ, ёшлик пайтларида кезмокда;**

а) боғловчисиз қўшма гапнинг иккинчи қисми биринчи қисмнинг сабабини билдирса, изоҳласа, тўлдирса, улар орасига икки нуқта қўйилади: **Гап шу: эртага мен билан йўлга чиқасиз;**

б) агар боғловчисиз қўшма гап қисми ўзаро зидлик ёки ўхшашлик муносабатига киришган бўлса, тире қўйилади: **Қор ёғди – дон ёғди. Ёшим етмиш иккида – ўзим йигитман.**

4. Кўчирма ва ўзлаштира гаплар

Айрим ҳолларда сўзловчи ўз нутқида ўзганинг гапини ҳам ишлатиши мумкин. Бундай қўлланган ўзгаларнинг гапи сўзловчи нутқида ҳеч қандай ўзгаришсиз ёки мазмуни сақлаган, аммо грамматик хусусиятлари ўзгартирилган ҳолда қўлланиши мумкин. Шунга кўра ўзга гап, асосан, икки турга бўлинади: 1) кўчирма гапли қўшма гап, 2) ўзлаштира гап.

Мазмуни, лексик ва грамматик хусусиялари ўзгартирилмай, айнан берилган ўзга гап кўчирма гап дейилади. Бундай гап одатда сўзловчи (автор) гапи билан бирга қўлланади. Шунинг учун ҳам кўчирма гап икки қисмдан иборат бўлади :1) кўчирма гап (ўзганинг гапи) 2) автор (сўзловчи) гапи.

Кўчирма гап сўзловчи автор (гапи билан бирга қўлланади ва сўзловчи гапи кўчирма гап кимнинг гапи эканлигини билдиради.

Сўзловчи гапининг кесими кўпинча деди, **деб сўради, деб жавоб берди,** гапирди, сўзлади, айтди каби феъллар билан ифодаланади. Кўчирма гап сўзловчи гапидан олдин ва кейин келади. Шунинг учун сўзловчи гапи кўчирма гап ичида ва кўчирма гап автор гапи ичида келади.

Агар кўчирма гап дарак гап шаклида бўлиб сўзловчи гапидан олдин келса,

кўчирма гапдан кейин вергул ва тире қўйилади ва кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади.

Масалан: “Мен маймунжон тергани шу эрга келган эдим”, - деди Қўзибой. (Ҳ.Н.) кўриниши “К”-, С.

Кўчирма гап сўроқ, буйруқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади: Ота, қаергача кувиб бордингиз? -деди Ҳайдаров чолнинг гапларини тез-тез ёзиб бораркан. (С. А.) “К”?- С. “Хат !” хат! “ деб шивирлашди бедапояга уйгурган бола- лар. (Ҳ.Н.) ”К!”--С.

Агар кўчирма гап сўзловчи гапидан кейин келса, сўзловчи гапидан кейин икки нукта қўйилади. Кўчирма гап сўроқ, буйруқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ёпилмасдан олдин, кўчирма гап дарак гап бўлса, нутқ қўштирноқ ёпилгандан кейин дейилади.

Деди: “Қайдин сен эй, Мажнуни гумроҳ! ”

Деди: “Мажнун Ватандин қайда огоҳ ”

С: “К?” С: “К!” С: “К”. Сўзловчи гапи кўчирма гап ичида келса, тиниш белгилари қуйидагича ишлатилади: Кўчирма гапнинг узилган қисмида вергул, нуктали вергул, икки нукта қўйилган бўлса ёки ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаса, сўзловчи гапининг ҳар икки томонидан вергул ва тире қўйилади. Масалан: Кампир кетиш учун эшикка томон бораркан, Алексей: “Раҳмат **бувижон**”, - деди - С: “К”. Кўчирма гапнинг узилидан қолган қисмидан сўнг нукта қўйилган бўлса, сўзловчи гапидан олдин вергул ва тире, ундан кейин эса нукта ва тире қўйилади. Кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан ёзилади”. Мана шу бўрсиқ Мирзачўлга яккаланиб қолган ҳайвонларнинг энг охиргиси, – деб таъкидлади бобом.

- Менинг номимдан ҳайвонот боғига топшириб юборди. “**К, _С. -К**” Кўчирма гапнинг узилидан қисмидан сўнг сўроқ ёки ундов белгиси қўйилган бўлса, сўзловчи гапидан олдин тире, ундан кейин нукта ва тире қўйилади. Кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан ёзилади: “Ариларнинг ғашига тегманг!”-деб огоҳлантирди бобом. Бир ёпишса қўймайди “Қизиқ ! - деди Аҳмад. - Ариларга тегинмоқчи бўласиз ”.

“К ? -с. -К” . К ! - С. -К ”. Кўчирма гап сўзловчи гапи ичида келса, сўзловчи гапининг узилиб қолган қисмидан сўнг икки нукта қўйилиб, кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади. Кўчирма гапдан кейин вергул ва тире қўйилади, сўзловчи гапнинг давоми ёзилади. Хадича ая доим: “Барака топ қизим, обрўйинг, икболинг бундан ҳам баланд бўлсин”, -дер эди. (Ҳ. Н) С: “К”, -С.

Кўчирма гап сўроқ, буйруқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади.

Ўқитувчи: “Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини ўқиганмисан?” - деб сўради. С: “К ? ” -С.

Шакли ўзгартирилиб, мазмун сақланган ўзгаларнинг гапи ўзлаштирма гап дейилади.

Бундай гапларда ўзгаларнинг гапи лексик, семантик, грамматик ва оҳанг жиҳатидан ўзлаштирилиб берилади, яни ўзгаларнинг фикри сўзловчи томонидан ҳикоя қилинади. Мисолларни қиёслаймиз: **Кўчирма гапни**: “Китоб ақлнинг калити”, - деди ўқитувчи. **Ўзлаштирма гап**: Ўқитувчи китоб ақлнинг калити эканлигини айтди. **Кўчирма гап**: “Имтиҳонларга қандай тайёрланяпсан?” - деб сўради курсдошим. **Ўзлаштирма гап**: Курсдошим имтиҳонларга қандай тайёрланаётганини сўради.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-амалий машғулот. Тилшунослик ҳақида умумий маълумот.

Фонетика

Маъруза машғулотида эгалланган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Нутқ товуши деб нимага айтилади?
2. Ўзбек тилида нутқ товуши сони нечта?
3. Унли товуш ҳақида гапиринг.
4. Ундош товуш ҳақида гапиринг. Унли ва ундошнинг фарқи нимада?
5. Ундош товушлар таснифи сони ва турини айтинг.
6. Жарангли ундошлар қайсилар?
7. Жарангсиз ундошлар ҳақида маълумот беринг?
8. Қоришиқ ундош ҳақида гапиринг.
9. Бўғин нима? Бўғиннинг қандай турлари бор?
10. Очиқ ва ёпиқ бўғин ҳақида гапиринг.
11. Урғу нима? Эркин урғу ҳақида гапиринг.
12. Сўз урғуси нима? Маъно урғуси-чи?

ТОПШИРИҚЛАР:

А, Б, В, Г, Д, З, И, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т, У.

1. Юқоридаги ҳарфлардан фойдаланган ҳолда сўзлар ҳосил қилинг.
2. Сўз бошида қайси ундошларни келтириб бўлмаслигини аниқланг ва унинг сабабини тушунтиринг.

2. б, к ундошларини турли хил унлилар билан келтириб сўзлар ҳосил қилинг.

3. Уйга вазифа. Матнни ўқинг. Қушлар ва ҳайвонларнинг нимага инсонларга ўхшаб гапира олмаслиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Испаниянинг Гренада шаҳри аҳолиси тўрт кун мобайнида нима бўлаётганини тушунишмади. Шаҳарнинг турли кўчаларида бирор сабабсиз полициячиларнинг ҳуштаги қаттиқ чалинади, аммо кўчада на тартиббузарлар

бор, на полициячилар. Ҳеч ким кўринмасди.

Машина ҳайдовчиларига қийин бўлди: шиддат билан чалинган хуштак ҳайдовчиларни тинимсиз тўхташга мажбур қиларди.

Сирли полициячи ҳатто автобуслар ва пиёдалар ҳаракатига ҳам халақит берарди. Бешинчи кун ҳамма нарса маълум бўлди: кўринмас полициячи ролини қафасдан қочиб чиққан тўтиқуш бажараётган экан...

Қарғалар ҳам, зоғчалар ҳам, зағизғонлар ҳам гаплашишни билишади. Сойкалар ҳам, қораялоқлар ҳам ва ҳаттоки... канарейкалар ҳам одамларга ўхшаб гаплашишади.

Ўргатилган ит амримизни бажариб ўтирса, ётса, биз билан ёнма-ён юрса, «Овозингни чиқар!» деганимизда вовулласа, биз ҳайрон бўлмаймиз-ку. Ҳамма биладик, итни шунга ўргатганмиз. Итни ўргатиш жуда осон эмас — ундан нима талаб қилаётганимизни у дарров тушуниб етмайди.

Аммо қатъий талабларимиз ва ўргатишимиз натижасида у буйруғимизни бажара бошлайди. Шунда у қандайдир ширинлик мукофот олади. Иккинчи марта ҳам, учинчи, бешинчи, ўнинчи марта мукофот олади.

Нихоят, итда боғланиш содир бўлади: агар, дейлик «ўтир» десак (сўз мазмунини у тушунмайди, фақат шу сўзнинг товушинигина эшитади), ўтиради, мукофотга ширинлик олади. Шу боисдан буйруқни жон деб бажаради. Кейин ширинлик берилмайдиган бўлади, лекин ит буйруқни бажараверади, чунки у ўрганиб қолган, у муайян сўзларни эшитиб, муайян ҳаракатни бажараверади.

Худди шу гапни тўтиқушлар ҳақида ҳам айтса бўлади. Масалан, тўтини ўз исмини айтишга ўргатишади. Исмни кўп марта қайтаришади. Тўти уни эшитиб, эслаб қолади, чунки унинг хотираси жуда ажойиб. Кейин бир куни, эҳтимол, беҳосданми ёки ўз кайфиятини билдириш учунми, у талаб қилинаётган сўзни айтиб юборади ва шу ондаёқ мукофот олади (дейлик бирор бўлак қанд ёки шунга ўхшаш нарса). Тўтида рефлекс бошланади: ўрганиб олган сўзни қайтарса ширинлик олади.

Тез орада қушдан илтимос қилишга ҳожат қолмайди, унинг ўзи совға олиш умидида ўз исмини айтаверади. Кейин бу одат тусига киради ва мукофотсиз ҳам тўти гапираверади.

(«Туркистон» газетасидан)

Саволлар:

1. Инсон оламини қандай билади?
2. Биринчи ва иккинчи сигнал системалари деганда нимани тушунасиз?
3. Нутқий фаолият нима ва у қандай амалга ошади?
4. Тил нима учун ижтимоий ҳодиса ҳисобланади?

2-амалий машғулот. Орфоэпия. Орфография

Маъруза машғулотида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар:

1. Орфография нималарни ўргатувчи тилшунослик бўлими?
2. Фонетик ёзув ҳақида гапиринг.
3. Морфологик ёзув қандай хусусиятга эга?
4. Шаклий ёзув ҳақида гапиринг.
5. Тарихий-анъанавий ёзув нима ва унга мисол келтиринг.
6. Орфоэпия нима? Талаффуз меъёри ҳақида гапиринг.
7. Унли товуш талаффузида эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳақида гапиринг.
8. Ундош товушлар талаффузи ҳақида гапиринг.
9. Бошқа тиллардан ўзлашган айрим сўз талаффузи қандай?

ТОПШИРИҚЛАР:

1. Матнни ўқинг. Ундаги ҳарфларнинг ёзилишига диққат қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йилнинг 18 ноябрь куни тасдиқланган.

Байроғимиздаги мовий ранг — осмон ва обиҳаёт, оқ ранг — муқаддас тинчлик, яшил ранг — табиатнинг янгилиниш рамзидир. Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётини қудратни ифодалайди. Навқирон яримой — айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз, 12 юлдуз — маданиятимизнинг қадимийлигини, халқимизнинг комилликка, ўз тупроғида саодатига интилиши рамзларидир.

2. Матнни ўқинг. Унли товушларни аниқлаб, уларга тавсиф беринг.

Юртимизнинг ҳамма жойларида кичкинагина, кишини ҳайратда қолдирадиган даражада ёқимли сайрайдиган малла ранг қушча — булбул учрайди.

Булбул қирғоқ бўйларидаги тўқайзор, бутазорларда, суви кўп бўлган боғ ва қишлоқларда, тоғлардаги ўрмонзорларда яшайди. У Арабистон яриморалининг жанубида қишлаб, апрелнинг охирида юртимизга учиб келади. Ёзда Ўзбекистонда яшаб, сентябрда яна учиб кетади.

Булбул — табиатнинг ноёб инъомидир. Уни ҳимоя қилиш керак.

(П. Юсупова)

Саволлар

1. Графика нималарни ўргатади?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
3. Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?

3-амалий машғулот. Лексикология

Маъруза машғулотларида ағалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар:

1. Тилдаги ўзгаришлар нимага боғлиқ?
2. Тилнинг бойиш манбаи ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
3. Тилнинг ички бойиш манбаси ва унинг тури ҳақида гапириб, мисол келтиринг.
4. Синонимларга таъриф беринг, мисоллар келтиринг.
5. Антоним сўзга таъриф беринг ва мисол келтиринг.
6. Омоним ва кўп маъноли сўзнинг фарқи нимада кўринади?
7. Уядош сўзлар ҳақида маълумот беринг ва унга мисоллар келтиринг.

ТОПШИРИҚЛАР:

«Нукталар ўрнини сўз билан тез тўлдир» усули

Ўқитувчи тингловчилар ҳукмига маълум бир умумистеъмолдаги сўзни беради-да, шу сўзнинг барча маънодошлари ўрнига нукталар қўйиб чиқади. Ўқувчилар нукталар билан ажратилган жойни сўзлар билан тўлдиришади. Масалан:

Табриклади, ...

Сезди, ...

Ёруғ, ...

Нукталар ўрнини тез тўлдира олган ўқувчи ғолиб саналади.

«Мазмунан қариндош, шаклан бегона» усули

Бу ўйинни ташкил этишда ҳам тингловчилар гуруҳларга ажратилади. Ўйинни бошловчи гуруҳ муайян мавзуда гаплар тузадилар, иккинчи гуруҳ мазмунни сақлаган ҳолда сўзларни маънодошлари билан алмаштириш орқали гап шаклини ўзгартирадилар. Кейин ўйинда вазифалар алмаштирилади. Ўқитувчи ҳар бир шакли ўзгартирилган гап учун балл қўйиб боради ва ўйин охирида энг кўп балл олган гуруҳ ғолиб саналади.

«Доминанта» усули

Бу ўйинни ҳам маънодош сўзлар мавзуси ўрганилгач, ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи доминанта сўзига изоҳ бергач, бир қатор сўзларни бериб улар ичидан «доминанта» сўзни алоҳида рўйхат қилишни топширади. Ким хатосиз аниқлаб чиқса, шу ўқувчи ўйин ғолиби бўлади.

Берилган сўзлар:

1. Совға, ҳадя, тухфа, тортиқ, армуғон, инъом.

2. Овоз, товуш, ун, садо, нидо.

3. Бегона, ёт, ўзга, нотаниш, биров.

4. Зиё, шуъла, нур, ёғду.

«Мен бошлайман, сен давом эттир» усули

Тингловчилар икки гуруҳга ажратилиб биринчи гуруҳдан қарама-қарши маъноли сўзнинг биринчи қисмини айтиш, иккинчи гуруҳдан эса шу сўзнинг қарама-қарши маъносини топиш талаб этилади (масалан: дўст—, баланд—, ёш—, тез—, қаттиқ— ва ҳоказо).

Бу ўйин партадошлар орасида ҳам ўтказилиши мумкин. Шунга ўхшаш ўйинлардан яна бири бошланиш қисми берилган халқ мақолларини мустақил давом эттиришдир. Масалан:

1. Кўз — кўрқоқ...

2. Эгри озади...

3. Бирлашган ўзар...

4-амалий машғулот. Фразеология. Лексикография

Маъруза машғулотларида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар:

1. Тилшуносликнинг фразеология бўлимида нималар ўрганилади?
2. Ибораларга мисоллар келтиринг.
3. Луғат нима? Луғатнинг вазифаси қандай?
4. Луғатнинг мақсад ва мўлжалига кўра турлари қандай?
5. Махсус луғатлар ҳақида гапиринг.
6. Махсус энциклопедик луғатлар ҳақида гапиринг.
7. Фразеологик луғат қандай луғат?

“Кетма-кет” усули

Ушбу усулни қўллашдан мақсад тингловчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш, луғат бойлигини ошириш, соф ўзбек адабий тилида сўзлашишни ўргатишдир. Усул ўқувчиларнинг дарс жараёнида олган билимларини ҳаётда татбиқ этишига имконият яратади ва тингловчиларнинг нутқ малакаларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиради.

Усулдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланиш мумкин:

- - иборалар тузишда;
- - мақоллар ёзишда;
- - гаплар тузишда;
- - матн яратишда;
- - луғат устида ишлашда фойдаланиш мумкин.

Масалан, экранда кетма-кет равишда пашша ва филнинг тасвири чиқа бошлайди.





Топшириқ: Тасвирдаги пашша ва филдан ибора ҳосил қилинг.





Топширик: Тасвирда берилган расмлардан фойдаланиб мақолни топинг.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги мақол, топишмоқ жанрларини ўрганишда “Кетма-кет” усулидан фойдаланиш ижобий самара беради.

5-мавзу. Морфология. От, сифат, сон сўз туркумлари

Машғулотда сўзнинг маъновий, морфологик, синтактик, ясалиш белгиси берилган куйидаги жадвал устида ишланади:

Сўз туркуми	Маъновий белгиси	Морфологик белгиси	Синтактик белгиси	Ясалиш белгиси
Феъл	Ҳаракат ва ҳолат ифодалайди	Нисбат, ҳаракат тарзи, замон, майл, ҳаракат тарзи, бўлишли, бўлишсизлик	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
От	Шахс, предмет, ўрин ифодалайди	Сон кичрайтириш-эркалаш	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
Сифат	Предмет белгисини ифодалайди	Даража	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
Сон	Микдор ифодалайди	Тартиб, дона, чама, жамловчи, тақсим	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалмайди

		шакли		
Равиш	Ҳаракат белгисини ифодалайди	Луғавий шакли йўқ	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалади
Тақлид	Товуш ёки кўринишга тақлид ифодалайди	Луғавий шакли йўқ	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалмайди
Олмош	Барча мустақил сўз туркуми маъносини ифодалайди	Барча мустақил сўз туркуми луғавий шаклини олади	Гап бўлаги бўлиб келади	Ясалмайди
Кўмак-чи	Луғавий маънога эга эмас	Луғавий шакли йўқ	Сўзни сўзга тобелаб боғлайди	Ясалмайди
Боғлов-чи	Луғавий маънога эга эмас	Луғавий шакли йўқ	Сўзни сўзга тенг, гапни гапга тенг ва тобе боғлайди	Ясалмайди
Юклам а	Луғавий маънога эга эмас	Луғавий шакли йўқ	Гап бўлаги вазифасида кела олмайди	Ясалмайди
Модал	Муносабатни и аташ	Луғавий шакли йўқ	Сўз-гап бўлиш, гап бўлаклари билан боғлана олмаслик	Ясалмайди
Ундов	Ҳис-ҳаяжонни тасвирлаш	Луғавий шакли йўқ	Сўз-гап бўлиш, гап бўлаклари билан боғлана олмаслик	Ясалмайди

Мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар

1. Тилшуносликнинг морфология бўлимида нималар ўрганилади?
2. Сўз туркуми қандай таснифланади?

3. Мустақил сўзнинг хусусиятлари ҳақида гапиринг.
4. Ёрдамчи сўз қайсилар?
5. Алоҳида олинган сўзлар ҳақида маълумот беринг ва тавсифланг.

1-топширик

Баракалла, ўғлим, бу ҳикоятни эшит.

Ҳинд денгизида бир савдогар бор эди. У савдо-сотик ишларида жуда мохир эди. Савдогарнинг димоғига савдо мояси ўрнашиб олиб, сувга ғарқ бўлиш хаёлига ҳам келмасди. Бир мамлакатда ўн кун турмас, савдоси тугагач, яна сув сари йўл тутар эди. У денгизни ҳар хил офатлардан холи деб ўйлаб, йиллар шу янглиғ сафар қилди. Савдогар Макка атрофини сувда неча бор айланиб ўтган бўлса-да, унинг яқинига етгач, ўз фарзини адо этмай қайтарди. Кишилар унга ҳажни ҳам бажариш керак, деб айтар эдилар, аммо пул ҳирси савдогарни у томон боришга йўл қўймас эди.

Бир кун денгизда бўрон кўтарилди. Савдогар тушган кема гоҳ осмонга сапчир, гоҳ пастга тушиб кетар эди. Савдогар савдо ишларига ғарқ бўлганидек унинг кемаси ҳам денгизда ғарқ бўлди. Денгизда сузиш хаёли ҳаж сари йўл бермади. Охир-оқибатда у катта бир баликқа ем бўлди.

Чол ҳикояни тугатиб: “Аттанг”, – деб қўйди.

1. Гаплардаги сўзларни уч гуруҳга ажратинг:

- а) гап бўлаги вазифасидаги сўз;
- б) гап бўлаги вазифасида бўлмаган сўз;
- г) фақат гап бўлиб келаётган сўз.

2. Луғавий маъно ифодаладиган ҳар бир сўзнинг хусусиятини қуйидаги тартибда беринг:

- а) маъновий хусусияти:
- б) морфологик хусусияти:
- в) синтактик хусусияти:
- г) ясалиш хусусияти:
- д) тузилиш хусусияти:

3. Луғавий маъно ифодаламайдиган сўзни қуйидаги тартибда гуруҳланг:

- а) сўзнинг луғавий маъносини бир оз ўзгартираётган сўз;
- б) янги луғавий маъно ҳосил қилаётган сўз;
- в) сўз ёки гапни боғлаётган сўз.

2-топширик

Самимий дўстлари бўлмаган одам, ҳақиқатдан ҳам ёлғиздир. (Ф.Бекон) 2. Уфқ қизғиш тусга кириб, тонг ёришарди. (Ш.Раш.) 3. Яхши фикрлар ҳам энг яхшиларига жой бўшатиб бермоғи лозим. (В.Шекспир) 4. Торга тор дунё,

кенгга кенг дунё. 5. Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ. 6. Бир отим бор ажабгина, думлари гажаккина, Ҳали келса кўрасиз, кула-кула ўласиз. («Топишмоқлар»дан.)

1. Гаплар таркибидаги сифатларни кузатинг.
2. Сифатнинг грамматик маъно турини аниқланг.
3. Сифатнинг луғавий маъно турини аниқланг.
4. Оддий, қиёсий, орттирма даражадаги ва озайтирма сифатни ажратинг.
5. Сифатнинг ясалиш хусусиятини аниқланг.
6. Сифатнинг тузилиш турини аниқланг.
7. Сифатнинг синтактик вазифасини аниқланг.
8. Матнда қўлланган сифатнинг маънодош, шаклдош, вазифадош ва зидлари қаторини тузинг ва луғат асосида текширинг.

7-амалий машғулот. Олмош, феъл, равиш сўз туркумлари

Маъруза машғулотида олинган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар:

1. Олмошнинг маъновий хусусиятларини баён қилинг.
2. Олмошнинг қандай морфологик хусусиятлари бор?
3. Олмошнинг синтактик хусусиятлари ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.

Топширик

1. Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади. Қанча тиришсам ҳам у беор Еллар мени алдаб кетади. (Ҳ.Олим.) 2. Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши лозим. (А.Чех.) 3. Хулқ ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир. (И.Гёте) 4. Ойисининг чехрасида фақат ташвиш эмас, аллақандай кўркув ҳам бор эди. (О.Ёқ.) 5. Нимани гапириш ҳар доим муҳим бўлавермайди, қандай гапириш эса ҳар доим муҳим. (Гог.) 6. Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор. (А.Орип.) 7. Сиз, ўшами? (А.Қод.) 8. Мен сенга шунчалар ихлос қўйганман. 9. Буюклар буюк ишларга унинг қандай улуғлигини ҳис этгани учун, аҳмоқлар эса унинг қандай қийинлигини англай олмагани учун қўл уради. (Л.К.Вовенарг) 10. Мени назарига илмайди биров, Сизга шу гапларни айтайин тикка. (А.Орип.) 11. Ҳамма ҳар нарсага ишқибоз, Кимдир марка йиғар, кимдир ит боқар. (А.Ооқ.) 12. Дунёни қизғанма мендан, азизим, Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор.

Бу ёруғ оламда ўз айтар сўзим, Ва ўзим сиғинар мозорларим бор. (А.Орип.) 13. Бу нима кўргулик. 14. Унда нима ишинг бор. 15. Бу гапни унга қандай айтаман?

1. Олмошларни аниқланг.
2. Олмош қайси маъновий гуруҳга мансублигини аниқланг.
3. Олмошнинг сўз таркибини кўрсатинг.
4. Қўшимча қўшилишидаги товуш ўзгаришини аниқланг.
5. Луғавий шаклини аниқланг.
6. Тузилишига кўра турини аниқланг.
7. Олмош қатнашган сўз бирикмасини ажратиб ёзинг.
8. Олмошнинг гапдаги синтактик вазифасини кўрсатинг.
9. Матнда қўлланган олмошнинг маънодош, уядош, шаклдошлари қаторини тузинг.

Феъл сўз туркумини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Феълнинг маъновий хусусиятлари ҳақида гапиринг.
2. Феълнинг қандай луғавий маъно турлари бор?
3. Нутқий фаолият феъллари ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
5. Ақлий фаолият феъли ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
6. Жисмоний фаолият феъллари ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
7. Феълнинг морфологик хусусиятлари ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
8. Ўтимли феъл ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
9. Ўтимсиз феъл ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.

Топширик

Кейинги йилларда ривожланган замонавий медицина кўпгина юрак-қон томир касалликларининг келиб чиқишида овқатланиш рационининг бузилишини сабаб қилиб кўрсатмоқда. Ҳайвонлар ҳаёти давомида касаллик ёки йўқчилик сабабли тез-тез оч қолишга мажбур бўлади. Бу эса улардаги мавжуд ёки ривожланиши мумкин бўлган касалликларни бевосита даволашига сабаб бўлади. Инсон ҳаётида эса бундай ҳолатлар деярли кузатилмайди. Очлик билан даволаш, оқилона овқатланиш муаммолари хусусида кейинги даврда қатор илмий изланиш олиб борилмоқда. Бу ҳақда мутахассислар шундай дейдилар: 1. Кам есанг, узоқ умр кўрасан. Кимки, ўзидаги аҳмоқона камчиликларни енга олса (овқатланишга бўлган хирсни тия олса), у иродалидир. (Бенджамин Франклин) 2. Ортиқча овқатланишдан ўзни тийиш – организм учун буюк тозаланиш. Аммо бу - касалликка қарши малҳам эмас. (Пол С. Брегг) 3. Очкўзлик заҳарланишга олиб келади. Ҳар бир янги заҳарланиш умрни

қискартириш сари қўйилган янги бир қадамдир. (Пол С. Брегг) 4. Ўзингизни ортиқча овқатланиш билан заҳарламанг. Бу сизни муддатидан олдин қабрга етаклайди. (Пол С. Брегг) 5. Ҳаёт – бу овқатланиш фожиасидир. (Арнолд Эрнест) 6. Инсон санчқи ва қошиқ билан ўзига қабр қазийди. (Пол С.Брегг) 7. Олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши, Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши.(Навоий)

1. Гапдаги феълларни аниқланг.

2. Қайд қилинган сўзни мустақил ҳолда ҳаракат билдирадиган ва билдирмайдиган, тусланиш шаклига эга бўла оладиган ва эга бўлмайдиган гуруҳларга ажратинг.

3. Барча феълни ўтимли ва ўтимсиз феълга ажратинг.

4. Мустақил ҳолда ҳаракат билдирадиган феълни кесим вазифасидаги ва бошқа вазифадаги феъл сифатида икки гуруҳга ажратинг.

5. Мустақил ҳолда ҳаракат билдирмайдиган феълнинг сўз яшаш ва шакл яшаш хусусиятини аниқланг.

6. Гапда қўлланган феълларнинг маънодош, шаклдош ва зидлари қаторини тузинг.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Равишнинг маъновий хусусиятини баён қилинг.

2. Равишнинг луғавий маъно турини сананг.

3. Равишнинг морфологик хусусиятларини баён қилинг.

4. Равишнинг бошқа сўзга бирикиш усули қандай?

5. Равишнинг синтактик хусусиятлари қандай?

Топшириқ

1. Сизни Устоз ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказиладиган факультетимиз шодиёнасига лутфан ва қалбан тақлиф этамиз. 2. Мастура кўзларини маккорона ўйнатиб жавоб берди. (Ойб.) 3. 3-босқич талабалари пахтага қисман боришмади.

4. Кундузлари ҳаво бироз илийди. 5. Пахта ҳашарига қатнашмаганларни аниқлаш учун тезкор тадбир ишлаб чиқилиб, бирдан ижросини таъминлашга киришилди. 6. Азиза шахдам қадам ташлаб идорага йўл олди. 7. Хонага биринкетин қизлар кириб кела бошлади. 8. Кейин ўзимиз бафуржа гаплашиб оламиз. 9. Сўрида қат-қат духоба кўрпачалар устма-уст тўшалган эди. 10. У ҳозир шу ерда эди-ку!. 11. Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло. Шоирлар бор ўз юртин бутун Олам аро атаган танҳо. (А.Орип.)

1. Равишни аниқланг.

2. Равиш қайси маъновий гуруҳга мансублигини айтинг.
3. Равишнинг сўз таркибини кўрсатинг.
4. Равишнинг ясалишига кўра турини аниқланг.
5. Қўшимча қўшилишидаги товуш ўзгаришини аниқланг.
6. Равишнинг синтактик шакл олган ҳолатини тушунтиринг.
7. Тузилишига кўра турини аниқланг.
8. Равиш қатнашган сўз бирикмасини ажратиб ёзинг.
9. Равишнинг гапдаги синтактик вазифасини кўрсатинг.
10. Матнда қўлланган равишнинг маънодош, уядош, шаклдоши қаторини тузинг.

7-мавзу. Ёрдамчи сўз туркумлари ва уларнинг грамматик-функционал хусусиятлари

Маъруза машғулотида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун саволлар:

1. Ёрдамчи сўз туркумлари ҳақида маълумот беринг.
2. Кўмакчига таъриф беринг. Кўмакчининг табиатига кўра қандай турлари бор?
3. Соф кўмакчилар ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.
4. Кўмакчи вазифасидаги сўзларга мисоллар келтиринг.
5. Боғловчига таъриф беринг.
6. Боғловчининг турлари ҳақида гапиринг.
7. Юклама ва унинг тузилиш турлари ҳақида гапиринг, мисоллар келтиринг.
8. Қўшимча-юкламалар ҳақида маълумот беринг.
9. Сўз-юкламаларга мисоллар келтиринг.

Топширик

1. Тошпўлатов уч кундан бери шу ерда. Кеча куни бўйи тепалик ёнида ишчилар билан бирга бўлди. (Р.Фай.) 2. Жасорат истеъдод сингари мақсад сари борадиган йўлни осонлаштиради. 3. Халқ кучли ел билан чайқалган денгиздек бирдан кўзғалди. (Ойб.) 4. Унсинни кўриш, гўзал хаёл ва дардли ёди билан унинг юрагини борган сари чуқурроқ яралаган Гулнор тўғрисида икки оғиз сўз эшитиш орзуси кучли эди. (Ойб.) 5. Эрта билан офтоб чиқмасдан бурун бойнинг ҳовлисида икки арава тайёр бўлди. (С.Аҳм.) 6. У акаси ҳақида тўлиб-

тошиб гапирарди. 7. Хатни почта орқали юборганини маълум қилди. 8. Сен учун аталган қўшиқларим кўп. 9. Илмнинг офати – эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқдир. 10. Оллоҳ Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир. 11. Ҳали ҳайдовчилардан, ҳали тракторчилардан бирикитаси баъзан тонгда, баъзан ярим тунда ё у, ёки бу эҳтиёт қисмларини сўраб келарди. Шунинг учун омборда навбатчи бўлиши зарур. (Ш.Раш.) 12. Факултет рўпарасидаги ер майдонига биринчи ва иккинчи курс талаблари қарайди. 13. На кўкнинг фонари ўчмасдан, на юлдуз сайр этиб кўчмасдан... (Уйғ.) 14. Азизанинг бу ерга келганига атиги бир ҳафта бўлди. У йўлга чиқаётганда, ўзим ҳам бир дам олиб келаман-а деган эди. Дам олиш қаёқда дейсиз, вақтида овқат ейишга ҳам қўл тегмайди-ку. Бу ерга икки юздан ортиқ бола дам олади-я. Бири-чи, чўмилиб шамолласа, бошқаси маймунжон тераман деб оёқ-қўлини тимдалатиб келади-да. Буларнинг ҳаммаси шифокорга ташвиш. Айниқса, футбол деган нарсага болаларнинг ўчлигини айтмайсизми? Болалар-ку, майли-я, кунига сават-сават нарса ташиб, узоқ-яқиндан келадиган ота-оналарнинг хархашасини айтмайсизми. Мана, эшик олдида велосипед рулига сават илган ўрта яшар бир киши ҳансираб турибди.

1. Ёрдамчи сўзни аниқланг ва гуруҳланг.

2. Гап таркибидаги соф, ярим, қўшимчасимон кўмакчини ажратинг. Кўмакчининг қайси келишиқдаги сўзни бошқариб келаётганига диққат қилинг.

3. Ажратилган кўмакчини келишиқ шакли ёки бошқа маънодош кўмакчи билан алмаштириб кўчиринг.

4. Боғловчиларнинг маъно ва вазифасини аниқланг. Якка ёки такрор қўлланишига эътибор қилинг.

5. Боғловчи вазифасида қўлланувчи кўмакчи ва юкламани боғловчи билан алмаштириб кўчиринг. Тиниш белгиси қўлланишига диққат қилинг.

6. Гап таркибида қўлланган тенг ва эргаштирувчи боғловчининг гапни шакллантиришдаги ролини аниқланг.

7. Юкламанинг тузилиши ва маъно хусусиятига кўра турини аниқланг. Юклама қўшилиши билан гапга қўшимча равишда юкланаётган маънони аниқланг. Юкламанинг имлоси устида ишланг.

8-амалий машғулот. Сўз бирикмаси ва гап

Маъруза машғулотида эгалланган билимларни муштахкамлаш ва такрорлаш учун саволлар

1. Гап бўлаклари нима?
2. Бош бўлакка таъриф беринг.
3. Кесим нима учун гап маркази дейилади?
4. Эга ҳақида маълумот беринг.
5. Қандай гап эгасиз гап дейилади?
6. Сўз-гапга мисоллар келтиринг.
7. Иккинчи даражали бўлакларни сананг.
8. Тўлдирувчи ва унинг турлари ҳақида маълумот беринг.
9. Аниқловчи нима ва унинг қандай турлари бор?
11. Ҳол ва унинг турлари ҳақида тушунча беринг.
12. Гап бўлаклари тартиби қандай? Одатдаги тартиб ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.
13. Гап бўлақларининг ўзгарган тартиби ҳақида гапиринг ва мисол келтиринг.

Топширик

Шунда отлари бир-бирига урилиб, айқашиб кетади, гоҳо бирон от урилиш зарбидан гандираклаб йиқилгудек бўлади. Бу қалтис ҳолатлар Хонзода бегимни изтиробга сола бошлади. Ахир бу қизлар энг нуфузли бек-у аъёнларнинг оиласидан. Агар биронтасининг юз-кўзига чавгончўп тегиб ярадор қилса, чандиқ қолдирса ёки биронтаси отдан йиқилиб, туёқ тагида эзилса мутаассиб шайхлар яна фисқу фасодни кўпайтиради. Улар қизларнинг доим парда ичида — уй асираси бўлиб ўлтиришини талаб қиладилар. Лекин парда ичида хонанишин бўлиб беҳаракат яшайдиган аёллар нотаваон ва мўрт бўлишини, бақувват насл беролмаслигини Хонзода бегим яхши билади. Бегим билан бирга бу ерларга келган элулуснинг қизлари эса қадимдан отлиқ юриб ўрганганлар. Ҳозир ҳам Хонзода бегим биладиган аёлларнинг бир ерда муқим турадиганлари оз. Эрлар қатори аёллар ҳам ҳали Хуросонда, ҳали Кобулда яшайдилар, ҳали Бадахшонга кетиб, ҳали Аграга келадилар. Бу узоқ ўлкалар орасида икки-уч ойлик йўлларни кўпгина қизлар отлиқ босиб ўтади. Тақдир тақозоси шундоқ бўлгач, ота-боболар удуми бўйича қизларни ҳам ёшлигидан чавандозликка ўргатиш, улар орасида ҳам пойғалар, мусобақалар ўтказиш жоиз эмасми? Албатта, қизларни отдан йиқилишу майиб бўлишдан ҳам эҳтиёт қилиш керак! Хонзода бегим шуни ўйлаб, ўйинни ҳаяжон билан кузатгани сари қизлар хавф-хатарни унутиб, тўдага дадил ташланишар, қамчи ўрнига чавгончўп билан

отлари сағрисиға уриб, мухолиф томонга ҳамла қилишарди. Бўз отлик қизлардан Ҳамида дегани ўйинчилар ғиж-биж бўлиб турган тўдага ўқдай ёриб кирди-ю жиловни қўйиб юборди. Чавгончўпни икки қўллаб тутганича, узангига оёғини тиради-да, улоқчилардек пастга энгашди. Бу қиз қоплон каби чаққонлик билан тўпни чавгончўпга илинтириб тўдадан олиб чиққанда, Хонзода бегимнинг завқи келиб «о!» деб юборди. Нариги дарвоза ҳимоясиз қолган эди. Ҳамида «гўй» деб аталадиган тўпни ўша томонга чир-пирак қилиб олиб ўтди. Унинг оти ҳам шамолдай учмоқда эди.(О.Ёқубов.)

Гапларни иккинчи даражали бўлак бўйича таҳлил қилинг.

Таҳлил тартиби:

1. Гап бўлаги ва унинг тури.
2. Гап бўлагининг ифодаланиши.
3. Гап бўлагининг тузилиши.
4. Боғловчи воситаси.
5. Гап бўлаги тартиби:
 - а) одатдаги тартиб;
 - б) ўзгарган тартиб.

9-амалий машғулот. Қўшма гап турлари. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1.Эргаш гапли қўшма гап нима? 2.Қандай гап бош гап дейилади? 3.Қандай гап эргаш гап дейилади? 4.Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар қайсилар? 5.Бош гап томонда турувчи воситалар қайсилар? 6.Эргаш гап томонда турувчи восита қайсилар? 7. Эргаш гапни ажратиш қайси жиҳати билан гап бўлагини ажратишга ўхшайди? 8. Эга эргаш гап ҳақида гапиринг. 5. Кесим эргаш гап ҳақида гапиринг. 6.Тўлдирувчи эргаш гап ҳақида гапиринг. 7.Аниқловчи эргаш гап ҳақида гапиринг. 8.Ҳол эргаш гап ҳақида гапиринг. 9. Ҳол эргаш гап ва унинг тури ҳақида гапиринг. 10.Қўшма гапни содда гапга айлантириш асосида эргаш гапни аниқлаш усули қандай?

Топшириқ

Шерхоннинг Аградаги хуфиялари масжиди жомеда Саид Халил билан алоқа ўрнатиб, Бахлулни қандай даф қилишнинг режасини туздилар. Бахлул ҳам асли ҳиндистонлик афғонлардан, Шерхон уни танийди. Лекин Бахлул афғон улусини атрофига тўплаётган Шерхонга ён босмасдан, Ҳумоюнга содиқ

хизмат қилиб юрибди. Бунинг учун Шерхон уни тухматга қолдириб йўқ қилмоқчи бўлди. Шерхон юборган махфий одам Амир Баҳлулнинг номига ёзилган мактуб келтирган эди. Шерхон ўз қўли билан имзо чеккан ва муҳрини босган бу мактубда Амир баҳлулга ўтган ойда Ганга бўйига юборган қурол-яроғлари учун миннатдорчилик билдирилган, жуда кўп йигитлар Ҳумоюндан айнаб, Шерхонга келиб қўшилаётгани айтилган, шунинг учун совут қалқонлардан ва қурол-яроғлардан иложи борича мўл юборилиши илтимос қилинган эди. Шерхоннинг мактуби ишонарли бўлиши учун уни оддий ҳарфлар билан эмас, илми сиёҳдан хабардор одамларгина тушунадиган махфий белгилар билан битишган эди. Фарангистонда бундай ўта нозик ишларни кўп қилиб тажриба ортирган Алваро Пакавира Шерхон мактубини Амир Баҳлулнинг ишонган мулозимларидан бирининг чўнтагига яшириқча солдилади. Кечаси бу мулозим Амир Баҳлул ҳузурига тунги соқчиликка кетаётган пайтда Саид Халилнинг одамлари уни Ҳиндолга тутиб берадилар. Айни вақтда Амир Баҳлулнинг рухсати билан шарққа тахта ортиб кетаётган араваларга Шерхоннинг хуфиялари бир талай қилич-қалқон ва найзаларни яшириб қўйдилар. Ҳалиги мулозим Ҳиндол мирзога тутиб берилган соатларда бу аравалар ҳам қўлга туширилади. Баҳлулга унинг мулозими кечаси олиб бораётган Шерхон мактуби илми сиёҳ ёрдамида ўқилгандан сўнг Мирзо Ҳиндол тахта тагига яшириб олиб кетилаётган қурол-яроғни ҳам кўрди-ю, асли афғон бўлган Амир Баҳлулнинг хиёнат йўлига ўтганига ишонди. Ярим тунда Мирзо Ҳиндол ва Зоҳидбек ўз навкарлари билан Амир Баҳлул ухлаб ётган ҳовлисига бостириб бордилар. Унга Шерхон ёзган мактубни ва тахта ортган аравалар тагига яширинган қуролларни кўрсатдилар. Эргаш гапли қўшма гапни топиб, таҳлил қилинг. (О.Й.)

Таҳлил тартиби:

1. Гапнинг грамматик асос миқдориغا кўра тури: а) содда гап; б) қўшма гап.
2. Қўшма гапнинг тури.
3. Эргаш гап ва бош гап.
4. Қўшма гапни содда гапга айлантириш.
5. Эргаш гапнинг тури.
6. Чизмаси

КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙС-СТАДИ

«Кейс-стади» инглизча сўз – (case – аниқ вазият, ҳодиса, stady - ўқитиш). Бу метод аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш методи ҳисобланади. Кейс-услуб – реал иқтисодий ёки ижтимоий вазиятлар таърифини қўллайдиган таълим бериш техникасидир. Бунда *вазият* деганда бирон аниқ ҳодисанинг таърифи назарда тутилади. Гуруҳга ҳақиқий ахборот тақдим этилиб (у ҳақиқий ҳодисага асосланган ёки ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин), муаммоларни муҳокама қилиш, вазиятни таҳлил этиш, муаммонинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, уларнинг тахминий ечимларини таклиф қилиш ва бу ечимлар орасидан энг яхшисини танлаб олиш таклиф этилади. *Афзалликлари.*

«Кейс-стади» методи бўйича ишлаш:

1. Якка тартибда ишлаш (умумий вақтнинг 30% и):

Вазият билан танишиш (матн бўйича ёки сўзлаб бериш орқали). Муаммоларни аниқлаш. Ахборотни умумлаштириш. Ахборот таҳлили.

2. Гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 50% и):

Муаммоларни ҳамда уларнинг долзарблиги бўйича кетма-кетлигини (иерархиясини) аниқлаш. Муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш. Ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жихатларини белгилаш. Муқобил ечимларни баҳолаш.

3. Якка тартибда ва гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 20% и):

Муқобил вариантларни қўллаш имкониятларини асослаш. Ҳисобот ҳамда натижалар тақдимотини тайёрлаш.

Модул бўйича қуйидаги кейс топшириқларини бажариш тавсия этилади:

1-кейс. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Диёранинг онаси муассаса раҳбариятига мурожаат билан келди. Унинг айтишича, фарзанди “р”, “л”, “т” товушларини талаффуз эта олмайди. Тарбиячи Диёранинг онасига логопед мутахассис билан шуғулланиш зарурлигини тушунтирди. Қизалоқ бир-икки машғулотдан сўнг мутахассис билан шуғулланишни хоҳламай, инжиқлик қила бошлади. Онаси эса фарзандидаги нуқсон йиллар ўтиши билан тузалиб кетишини, уни қийнашни истамаслигини айтиб, машғулотлар бекор қилинишини сўради.

Савол: сизнингча, бу вазиятда она ҳақми? Амалиётда шундай ҳолатларга дуч келганда мутахассис қандай йўл тутиши керак? Фикрларингизни ишончли далиллар билан асосланг.

2-кейс. Нилуфар ва Наргиза битта мактабгача таълим муассасасида

ишлайди. Ҳар икки тарбиячи ҳам тарбияланувчиларнинг нутқини ўстириш, луғат бойлигини ошириш учун тинимсиз изланади, бу жараёнга масъулият билан ёндашади. Лекин уларнинг бу борадаги усул ва ёндашувлари турлича. Нилуфар мақсадини амалга ошириш учун болаларга эртак ва топишмоқлар, афсона ва ривоятларни айтиб беради, уларни қайта ҳикоялаб беришга ундайди. Наргиза эса ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида мультфильм ва болалар учун мўлжалланган кўрсатувларни намойиш этган маъқул, чунки давр шуни тақозо этади деб ўйлайди.

Савол: Сиз қайси тарбиячининг методикаси тўғри деб ўйлайсиз? Бу борада яна қандай усул ва воситаларни қўллаш самара бериши мумкин? Фикрларингизни ишончли далиллар билан асосланг.

3-кейс. Она тили ўқув модули бўйича машғулотлардан бирида тингловчилар ўртасида баҳс-мунозара келиб чиқди. Бир гуруҳ тингловчилар тарбиячи она тили фанини, хусусан, назарий маълумот ва қоидаларни, масалан, гап турлари, қўшма гап мавзуларини чуқур ўрганиши шарт эмас, гапиришни, фикрини ифодалашни билса, бўлди, дея фикр билдиришди. Иккинчи гуруҳ тингловчилар эса тарбиячи она тилини чуқур билиши, буни болаларга ҳам ўргатиши, давр талабларига мувофиқ билимини мунтазам ошириб бориши керак, дейишди. Бошқа гуруҳ тингловчилар эса бетараф қолишди.

Савол: сизнингча, қайси гуруҳ тингловчиларининг фикри тўғри? Бу борада сиз қандай фикр билдирасиз? Фикрларингизни ишончли далиллар билан асосланг.

4-кейс. Ҳозирги кунда лотин графикасига тўлиқ ўтиш масаласи долзарб муаммо бўлиб турибди. Нима учун бу жараён кўп йиллардан буён ниҳоясига етмаяпти? Муаммони бартараф этиш бўйича таклифларингизни тайёрланг.

5-кейс. Амалдаги лотин алифбосида айрим ҳарфий бирикмалар ва ҳарфлар ёзилиши мураккаб бўлганлиги туфайли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Лотин ёзувини ислоҳ қилиш юзасидан қандай таклиф бера оласиз? Сизнингча, айрим товушларни ҳарфий бирикмалар орқали ифодалаган маъқулми ёки битта ҳарф билан? Алифбодаги қайси ҳарф ўзгартирилиши керак деб ўйлайсиз ва уни қандай ифодалаш тарафдорисиз?

Мавзуларни ўзлаштиришда қўллаш тавсия этилган самарали усуллар

1-усул. “Домино” ўйини. Бу ўйинни қуйидагича ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бир неча тингловчи синф тахтасига чақирилади. Улар тартиб билан сўз айтадилар. Биринчи тингловчи айтган сўз қайси товуш билан тугаса, иккинчи тингловчи шу товуш билан бошланувчи сўз айтиши ва ўйин шу тарзда давом этиши талаб этилади. Бу ўйин 5—6 тингловчи орасида ўтказилиб, икки-уч давра давом этиши мумкин.

Намуна: ахлоқ — қалб — бебаҳо — она — аъло — одам — маъно — ота — алам — маъмур — раъно — оила — ақл — лола — адолат — таълим — маърифат — танлов — вафо — одоб — баҳо.

2-усул. “Талаффуздан адашманг” ўйини. Ўқитувчи тингловчиларга *x* ва *ҳ*, *ф* ва *п* товушлари иштирок этган сўзлардан айтишни топширади. Тингловчилар 2 гуруҳга бўлиниб топшириқни бажарадилар. Шунда ким сўзни нотўғри айтса ўйиндан чиқади. Мавзу асосида сўз синф тахтасига ёзилади ва имлоси билан таққосланади. Белгиланган вақтда энг кўп тўғри сўз айтган ўқувчи ўйинда ғолиб ҳисобланади.

Намуна:

шоҳ — давлат бошлиғи;

шоҳ — новда, дарахт шоҳи;

хил-хил — сараланган, танланган;

ҳил-ҳил — эзилиб пишган;

ҳол — аҳвол (ҳол сўради);

ҳол — одам танасидаги ҳол.

4-усул. “Сўз жуфтларини давом эттир” усули. Санъат — санат, Талъат — талат, қалъа — қала, таъна — тана, таъб — таб сингари сўзлар берилиб, шундай сўз жуфтлари тузишни давом эттириш ва уларнинг маъносини шарҳлаш топширилади. Берилган сўз жуфтларини белгиланган миқдор (масалан, 15—20 та сўз жуфти)га етказган тингловчи ғолиб деб топилади. Бу ўйин тингловчилар гуруҳи ўртасида ҳам ўтказилиши мумкин. Қатордаги ҳар бир тингловчи синф тахтасига чиқиб битта сўз жуфти ёзади ва бўрни иккинчи ўқувчига тутқазади. Ўйин шу тарзда давом эттирилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

“Она тили” (фонетика) ўқув модулини тинловчиларга ўқитиш билан бирга уларнинг мустақил изланишларини ташкил этиш ва материалларни мустақил ўзлаштирилишини назорат қилиш учун қуйидаги мавзуларда мустақил иш мавзулари берилади.

1. Она тилининг жамиятдаги аҳамияти ва уни мукаммал ўрганиш зарурати.
2. Тарбияланувчиларга тўғри талаффузни ўргатиш усуллари.
3. Тарбияланувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда халқ оғзаки ижоди ва бадиий асарларнинг ўрни.
4. Тарбияланувчиларнинг луғат бойлигини ошириш бўйича тавсиялар.

Мустақил таълим мавзуларини бажариш бўйича тавсиялар

Тинловчилар мустақил таълим топшириқларини бажариш жараёнида тилшунослик ва методика соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган етакчи методист олимлар, адабиётшунос ва тилшуносларнинг илмий-тадқиқотларини ўрганадилар. Илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларда акс этган ғояларни ўзлаштириш, ўқиб ўрганиш натижаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича мустақил равишда тавсиялар ишлаб чиқадиладар.

ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

ЎЗБЕКЧА	ИНГЛИЗЧА	РУСЧА
адабиёт	literature	литература
анъана	traditional	традиционный
асар	composition	произведение
бадий асар	artistic composition	художественное произведение
баҳс-мунозара	discussion	спорить
воқеа, ҳодиса	event	событие
ёзувчи	writer	писатель
замонавий	modern	современный
ижобий	affirmative	положительный
ижод	creative work	творчество
ижодкор	creator	творец
композиция	compozition	композиция
мазмун	content	содержание
матн	text	текст
машҳур	famous	известный
маъруза	lecture	лекция
метод	method	метод
методика	methodology	методика
мулоқот	conversation	общение
мустақил фикрлаш	independent mind	мыслить самостоятельно
натижа	result	результат
ноанъанавий	nontraditional	нетрадиционный
нутқ	speech	речь
озодлик	freedom	свобода
муаммо	problem	проблема
санъат	art	искусство
сўз	word	слово
таъкидламоқ	accentuate	утверждать
талаб	demand	требование
танишиш	getting acquainted	знакомство
тушунча	notion	понятие
фикр	mind	мысль

фикр-мулоҳаза	reflection	рассуждение
хулоса	conclusion	вывод
шеър	poetry	стихотворение
шоир	poet	поэт
эришмоқ	achieve	достигнуть
юксак	high	высокий
ўзбек	uzbek	узбек
маҳорат	skill	мастерство
муруват	humanity	милосердие
одоб	civility	воспитанность, воспитание
олижаноблик	nobility	великодушие, благородство
технология	technology	технология
асарлар	creative work	произведение
интерфаол	interactive	интерактивный
мустақил	independent	самостоятельный
илмий-методик	scientific-methodic	научно- методический
мустақил фикрлаш	independent thinking	творческое мышление
матн устида ишлаш	working on the text	работа над текстом
ўзлаштириш натижаси	result of progress	итоги успеваемости

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 13 ноябрь.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдуқодиров А. Умумий ўрта таълим мактабларида янги ахборот технологиялардан фойдаланиш муаммолари. Узлуксиз таълим журнали, 2002. № 4, 60-73 бетлар.
2. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.
3. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. – Т.: Академия, 2000.
4. Ангеловский К. Учителя и инновации. Книга для учителя. Перевод с македонского В.П.Диденко – М.: Просвещение. 1991.
5. Анисимов В.В. , Грохольская О.Г. Подготовка будущих учителей по предметам педагогического цикла // Ж.. Педагогика. – 2000. № 9 54 – 60 с.
6. Бекмирзаев Н. Нутқ маданияти ва нотиқлик асослари. – Т.: Фан, 2007.
7. Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари. – Т.: Фан, 2006.
8. Воителева Т.М. Теория и методика обучения русскому языку. –М.: Дрофа, 2006. Долимов У., Аъламова М. Иншо устида ишлаш. – Т., 1987.
9. Долимов У. Тингловчиларни иншога тайёрлаш. – Т., 1991.
10. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: Нихол, 2013, 2016.
11. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. – Т.: Илм-Зиё, 2012.
12. Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – 5-сон, 3-16-бетлар.
13. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: Фан ва технологиялар,

2013.

14. Қодиров П. Тил ва эл. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.

15. Абдураимова М. Она тили таълимида илғор педагогик технология. – Тошкент, 2005. 3-26 бетлар.

16. Икромов Р. ва бошқалар. Она тилидан машқлар тўплами. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2017.

17. Ҳамроев М. ва бошқалар. Она тили. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2007.

18. Ҳамроев М. Она тилидан маърузалар тўплами. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2017.

Электрон таълим ресурслари

www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти

www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

www.eduportal.uz, www.multimedia.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумий ўрта дастурларини ривожлантириш маркази

www.bimm.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ

www.giu.uz – Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази:

www.school.edu.ru – Умумий ўрта портали (рус тилида)

www.alledu.ru – “Интернетда таълим” портали (рус тилида)

www.rostest.runnet.ru – Тест олиш сервери (рус тилида)

www.allbest.ru – Интернет ресурслари электрон кутубхонаси (рус тилида)

www.mathtype.narod.ru - Online-дарсликлар (рус тилида)

www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали

www.istedod.uz – “Iste’dod” жамғармаси сайти

www.edunet.uz – мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар сайти

www.tdpu.uz – Низомий номидаги ТДПУ сайти

www.ziyonet.uz – Ижтимоий ахборот таълим портали

www.ziyo.uz – Маънавий-маърифий мавзудаги материаллар сайти

www.e-adabiyot.uz – Адабиётга оид сайт

www.natib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг расмий сайти